ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

А.А. МАТЧАНОВ, Л.Ф. ИСҲАКОВА, У.А. ҚОДИРОВ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЮРИДИК ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*МАЪРУЗАЛАР КУРСИ*

*М а с ъ у л   м у ҳ а р р и р*
юридик фанлар доктори, профессор **А. Х. Саидов**

ТОШКЕНТ – 2017

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг*
*Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган.*

*Т а қ р и з ч и л а р :*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси юридик бюро бошлиғи юридик фанлар номзоди доцент **Ш. Н. Бердияров;**

Жиноят процесси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент **Б. Н. Рашидов**

И–72 **Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш**: Маърузалар курси / А.А. Матчанов, Л.Ф. Исҳакова, У.А. Қодиров; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А. Х. Саидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 151 б.

Мазкур маърузалар курсида ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолияти курсининг предмети, методи, вазифалари, ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятини тартибга солувчи халқаро шартномаларга амал қилиш, жиноят ишлари бўйича ўзаро халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик масалалари таҳлил қилинган.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари назариясининг асосий тушунчалари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

ИИВ Академияси Олий академик курслари тингловчиларига мўлжалланган.

**ББК 67.91я73**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.

# КИРИШ

Инсон ҳуқуқлари ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилаб, миллатлар маданиятларининг ажралмас қисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий мезонларининг юксак кўриниши сифатида хизмат қилади. Шу боис ҳозирги замоннинг маънавий қадриятлари орасида умум эътироф этган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. БМТ Устави ва халқаро конвенцияларда, дунёнинг турли мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «…инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак»[1].

Ҳуқуқий давлатда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва тергов қилиш қонунийлик асосида олиб борилиши лозим. Давлатнинг барча ҳокимият ижро этувчи тузилмалари, айниқса, ички ишлар органлари (ўз ваколатлари доирасида) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаб бериши, уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириши даркор. Мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зиммасига юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида ички ишлар органлари алоҳида ўрин эгаллайди.

---

[1] *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2011. – Б. 96–97.

Ички ишлар органлари олдида турган асосий вазифаларга қуйидагилар киради: фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш; жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш; жиноятларни тезда ва тўлиқ очиш; жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; мулкни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш; ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда фуқароларга, мансабдор шахсларга ҳамда бошқа субъектларга ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Ички ишлар органлари тузилмавий бўғинларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳуқуқларга таҳдид солаётган турли ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришдан иборат.

Кўрсатиб ўтилган фаолиятнинг турлари мазмун ва хусусиятига кўра ҳар хил бўлишига қарамай, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларга тааллуқли асосий принциплар, шакл ва усуллар бир хил ҳисобланиб, фақат тафсилотларда фарқланади, холос. Ички ишлар органларининг ҳокимият ваколатига эга фаолияти қонунда улар учун белгилаб қўйилган ҳуқуқий шакллар доирасида амалга оширилади. Бунга турли мазмунга эга бўлишига қарамай, бир-бири билан яқиндан боғланган ва ўзаро таъсир кўрсатувчи ташкилий ва юридик шакллар киради. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири ўзида бошқасига тааллуқли бўлган элементни ҳам олган бўлиб, айрим ҳолларда, уларни фарқлаш жуда қийин кечади.

Мазкур маърузалар курси умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг мураккаб муаммоларини тушунтиришга ёрдам беришга қаратилгандир. У шахснинг ахлоқий ва фуқаролик позицияларининг ўзаро алоқаларига боғлиқ равишда миллий ҳамда халқаро даражада инсон ҳуқуқларининг юридик жиҳатларини таҳлил қилишга имкон берувчи турли фикрлар интеграциясига қурилган. Етакчи ғоялар – гуманизм, инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат, эркинлик ва масъулиятдир. Ўқув материалини танлашда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро декларациялар ва конвенциялардан, шунингдек бу соҳадаги хорижий ҳуқуқий тажрибадан кенг фойдаланилди.

Муаллифлар маърузалар курсида баён қилинаётган материалнинг оддийлигини ўзаро боғлашга, сиёсий ва ахлоқий тушунчаларга ҳуқуқнинг аниқлигини беришга, фуқароларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тинч ва маърифий ҳуқуқий шаклларини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Бу эса ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини, уларнинг моҳиятини англаган ҳолда масъулият билан ёндашиб улардан оқилона фойдаланиши, ҳуқуқий-ахлоқий ва инсон ҳуқуқлари борасида қўл келиши табиий.

***Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш маърузалар курсини тайёрлашда қуйидаги муаллифлар жамоаси иштирок этди: А. А. Матчанов – ю.ф.н., доцент (1,3,4,5,6-мавзулар), Л.Ф. Исҳакова – ю.ф.н. (2-мавзу), У.А. Қодиров – ю.ф.н. (7-мавзу).***

# *1-мавзу*. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЮРИДИК ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЎҚУВ КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ

## 1.1. Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курсининг предмети ва вазифалари

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг муҳим шартларидан бири шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини ва жамиятдаги ҳар бир инсон ҳуқуқларининг амалий кафолатлари тизимини яратишдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «биз ўз олдимизга қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадидан воз кечмаймиз, муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон учун эркин, ҳеч ким ва ҳеч нимадан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидан қайтмаймиз»[1].

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи ва ички сиёсатида БМТнинг 1993 йил Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи умумжаҳон конференциясида тасдиқланган «инсон ҳуқуқлари шак-шубҳасиз универсал хусусиятга эга, уларнинг ҳимояси эса тегишли давлатларнинг қонуний эҳтиёжидир» деган принципга асосланади[2].

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Қонун ҳужжатларининг бутун бир тизими ишлаб чиқилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» эди. Бу Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ривожлантириш, ҳимоя этиш ва кафолатлаш борасидаги ҳақиқий мақсадларини билдиради. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид 70 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилган.

---

[1] *Каримов И. А.* Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18. – Т., 2010. – Б. 10.

[2] Инсон ҳуқуқлари ва сен: Қўлланма. – Варшава, 2000. – Б. 150–152.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид асосий ҳужжатларга қўшилиши билан, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари босқичма-босқич миллий ҳуқуқий тизимга имплементация қилиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар имплементациясида БМТ конвенциявий ҳужжатлари бўйича ҳисоботлар механизми муҳим ўринга эга. 2011 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТнинг асосий ҳужжатлари бўйича Ташкилотнинг тегишли қўмиталарига миллий ҳисоботлар тақдим этилган ва кўриб чиқилган. Хусусан, қуйидаги ҳужжатлар бўйича ҳисоботлар топширилган:

– Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция;

– Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция;

– Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция;

– Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция;

– Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;

– Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқий стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш жараёни барқарор, тизимли ва ортга қайтмас хусусият касб этмоқда. Бунинг натижасида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларининг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари талабларига мослиги қайта кўриб чиқилмоқда.

Табиийки, у ёки бу соҳада режаларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши эмас, балки стратегик устуворликни аниқлаб олиш ва қўйилган вазифаларнинг тўлиқ ҳал этилиши муаммонинг ечимидир.

Халқаро ҳамжамият ривожланишга бўлган ҳуқуққа алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ҳуқуқ халқлар ва инсон учун узвий бўлиб, инсон асосий ҳуқуқларининг бир қисми ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ якуний равишда 1986 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги декларацияда қайд этилган.

Ушбу декларацияда таъкидланишича, ривожланиш ҳар томонлама иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт бўлиб, унда

иштирок этган барча шахслар фаровонликдан тенг равишда адолатли фойдаланиши ва унда фаол иштирок этишига йўналтирилгандир. Таъкидланганидек, инсон ривожланиш жараёнининг асосий субъекти бўлиб, ривожланишга бўлган ҳуқуқнинг фаол иштирокчиси бўлиши зарур.

*Кўпчилик демократик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий даражада инсон ҳуқуқлар ва айниқса, «биринчи авлод» ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг самарали механизмини яратмай туриб, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ташкил этиш мумкин эмас*[1]. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалда таъмин этиш ҳар бир давлатнинг барқарор ва изчил ривожланишининг асосидир.

«Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курси»нинг ўрганишга киришишдан аввал ушбу фаннинг предмети, мақсад ва вазифаларига аниқлик киритиш лозим.

Ўқув курсининг предмети – ушбу курс ўрганадиган масалалар доирасидир. Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курси ҳам бошқа фан соҳаларини такрорламайдиган ўз предметига эга. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг тарихий ривожланиши, имплементацияси, универсал кафолатлари механизми, шунингдек иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва инсон бошқа ҳуқуқларига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Ушбу ўқув курсининг предмети инсон цивилизациясининг энг олий қадриятларидан бири, индивидуал ва ижтимоий борлиқнинг турли қирраларини қамраб олувчи – инсон ҳуқуқлари тизимидир.

Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курсининг предмети уч блокдан иборат билимларни қамраб олади:

*биринчидан,* инсон ҳуқуқлари бўйича тарихий ва назарий концепциялар;

*иккинчидан,* инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар;

*учинчидан,* инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялаш бўйича миллий қонунчилик ва давлатнинг ички механизмлари.

Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курсининг мақсади – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ўрганишдир.

---

[1] Биринчи авлод инсон ҳуқуқларига шахсий (фуқаролик) ва сиёсий ҳуқуқлар киради.

Барча мураккаб давлат-ҳуқуқий масалалар инсон ҳуқуқларида ўз аксини топади ҳамда давлат ва ҳуқуқий ҳаётнинг асосий ҳалқаси бўлиб хизмат қилади. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг асосий принципидир.

Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш олий ўқув юртларида ўқув курси сифатида киритилган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларига мос келади, чунки 1995–2004 йиллар «Инсон ҳуқуқларини ўрганиш ўн йиллиги» деб эълон қилинган. Айнан шу йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти» кафедраси ташкил этилган бўлиб, ИИВ тизимидаги таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ўқитиш бошланган.

Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курсини ўқитишдан мақсад:

*биринчидан,* тингловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш;

*иккинчидан,* уларда инсоний дунёқарашни шакллантириш;

*учинчидан,* ёшларга демократик қадриятлар малакасини сингдириш, инсон қадр-қиммати тушунчасини юксалтириш, фуқаролик масъулияти, нафақат ўз ҳуқуқларини, балки ўзгалар ҳуқуқларини, шунингдек жамият манфаатлари ва давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбуриятларини ҳам чуқур тушунишни ўргатишдан иборат.

Ушбу курснинг ўқитилиши келажакда ходимларда ички ишлар органлари фаолиятида шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг профессионал малакасини шакллантиришга кўмаклашади.

Ўқув курснинг асосий вазифалари:

– тингловчиларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги билимларга эга бўлишлар кўмаклашиш;

– тингловчиларга инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан ёндашишни ўргатиш, уларда инсон ҳуқуқлари, шаъни ва эркинликларига бўлган эътиборни кучайтириш;

– инсон ҳуқуқ ва эркинликларини профессионал ҳимоя қилиш малакасини ҳосил қилиш;

– инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришдан иборат.

Ўқув курсни ўқитиш жараёнида умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг аҳамияти ҳисобга олиниб, уларни ҳимоя қилиш жараёнлари ва механизмига эътибор қаратиш зарур:

1) бундай ҳимоянинг конституциявий, судлов, жиноят-ҳуқуқий, жиноят-процессуал, маъмурий-ҳуқуқий чораларини очиб бериш;

2) инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва ҳимоясининг халқаро ҳуқуқий тизимини ва бу соҳадаги ривожланишнинг кейинги тенденцияларини ўрганиш;

3) тингловчиларда инсон ҳуқуқлари озодлик ва тенгликнинг муҳим шарти эканлиги ҳақида тўғри тасаввур уйғотиш;

4) инсон ҳуқуқлари маданияти ва ҳуқуқий жамият шаклланиши учун шароитлар яратиш.

Умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари – мураккаб, серқирра ҳодиса бўлиб, инсониятнинг узоқ ҳуқуқий тарихи натижаси, энг олий ижтимоий қадрият эканлигини ушбу ўқув курси ёритиб беради. Инсон ҳуқуқлари шахснинг эҳтиёжи ва имкониятлари, унинг эркинлиги ва масъулият меъёрини акс эттиради.

Мавзуларнинг ўрганилиши тарих, этика, фалсафа, сиёсатшунослик, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва бошқа ижтимоий фанлардан олинган билимларга асосланади. Таълим жараёнида конституциявий ҳуқуқ, давлат ва ҳуқуқ назарияси, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, жиноят-ижроия ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ ва бошқа фанлар бўйича билимлар шаклланади.

## 1. 2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари раҳбар ходимлари учун ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курсини ўрганишнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ривожланиш босқичлари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тизимининг доимий равишда такомиллаштириб боришини тақозо этади.

Мустақиллик йиллари инсон ҳуқуқлари ғояси жамоатчилик онгидан мустаҳкам ўрин олди. Бу йиллар мамлакатда амалга оширилган умумий демократик жараёнлар билан қонуний боғланган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида инсонпарварлик соҳасида жаҳон ҳамжамиятининг асосий стандартлари (андозалари)ни қабул қилди. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича кўплаб мажбуриятларни олди. Бу ҳуқуқларнинг табиий ва ажралмас эканлиги, инсонга туғилганидан мансубли-

ги-ю, барчага, аввало, давлат ҳокимиятига бирдек амал қилиши, уларнинг ҳеч бир тўсқинликсиз амалга оширилишининг кафолатланиши шартлигига амал қилди. Ўзбекистон ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира туриб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари, принципларига мувофиқ миллий тизимда босқичма-босқич шакллантирди.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсат соҳасида янгиланиш ва тараққиётнинг ўз мустақил йўлини танлади. Мамлакат универсал халқаро ташкилотларга, шунингдек етакчи минтақавий халқаро ташкилотларга аъзо бўлди ва улар фаолиятида фаол қатнашди. Улар ичида БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари асосий ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон сиёсатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар шаклланди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

**биринчидан,** миллий манфаатлардан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

**иккинчидан,** инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий манфаатларнинг устуворлиги;

**учинчидан,** демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг тадрижийлиги ва босқичма-босқичлиги;

**тўртинчидан,** ўз халқаро мажбуриятлари билан умум эътироф этилган демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлик.

Ушбу принципларга асосланиб, мамлакатда халқаро стандартларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларига жорий этиш амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини ривожлантириш асосий масала – инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга оғишмай риоя қилиш ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадида амалга оширилади.

Мустақиллик йиллари мамлакат парламенти томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига тааллуқли 16 та кодекс ва 800 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Асосий қонунчилик ҳужжатларидан қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»; «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»; «Конституциявий суд тўғрисида»; «Сиёсий партиялар тўғрисида»; «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»; «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»; «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида»; «Журналистлик фаолия-

тини ҳимоя қилиш тўғрисида»; «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»; «Аёлларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»; «Ҳуқуқ ва эркинликларни бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»; «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»; «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»; «Адвокатура тўғрисида»; «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг амалий тизими мавжуд. Уларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг негизи – мамлакатимизда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик кафолати бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси зиммасига олган халқаро мажбуриятлар ижроси юзасидан ўз вақтида ҳисобот беради. Ўзбекистон 1998 йилдан бошлаб, БМТнинг тегишли қўмитасига мунтазам равишда миллий маърузалар жўнатиб туради. Мустақиллик йилларида конвенция ва пактларнинг бажарилиши тўғрисида 20 дан ортиқ миллий маърузалар тайёрлаб, жўнатилди.

Мамлакатда қонунчилик асослари яратилиши билан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини институционал расмийлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу жараёнда давлат асосий ташаббускор бўлди. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи жаҳон конференциясининг (Вена, 1993 й.) ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари институтини ташкил қилиш бўйича чақириғига жавобан, Ўзбекистонда қуйидаги демократик институтлар ташкил этилди:

– Конституциявий суд;

– Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман);

– Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти;

– Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитаси.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг давлат тизимидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нодавлат ташкилотларнинг ривожланишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Улар-

дан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Судьялар ассоциацияси ва Адвокатлар палатаси, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқ. Мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб 7000 дан ортиқ нодавлат ташкилотлар рўйхатга олинган.

Ўзбекистондаги миллий институтлар ва нодавлат ташкилотлар турли халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан узвий ҳамкорликда ахборот-маърифий фаолият бўйича катта ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистонда ҳар йили инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб муаммолар ва ушбу соҳадаги асосий халқаро стандартлар бўйича 50 дан ортиқ семинар-тренинглар, ўқув курслари, конференциялар, давра суҳбатлари ташкил қилиб келинмоқда.

Мамлакатимизнинг барча мактаблари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси фани ўқитилиб келинмоқда. Ушбу кафедра қошида 2011 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази очилди ва бу ерда тингловчилар, курсантлар ва ходимлар ўртасида инсон ҳуқуқларига оид билимларни тарғиб қилиш борасида кенг миқёсдаги ишлар олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси сайтида Ресурс марказига бағишланган алоҳида саҳифа ажратилган.

Бундан ташқари, давлат институтлари ахборот-маърифий соҳада илмий-ноширлик ишларини амалга оширадилар. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари муаммолари билан шуғулланувчи барча вазирлик ва идоралари ўз хусусий босма нашрларига эга бўлиб, уларнинг саҳифаларида бу масалага устувор аҳамият берадилар. Ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ ихтисослашган юридик газета ва 5 та журналда инсон ҳуқуқлари бўйича муаммолар ёритиб борилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», «Ижтимоий фикр». «Инсон ҳуқуқлари» журналлари етакчи нашрлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар давомида ижтимоий сиёсатни амалга оширишда аёллар ва болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 1997 йилнинг Ўзбекистон Республикасида «Инсон манфаатлари йили»; 1998 – «Оила йили»; 1999 – «Аёллар йили»; 2000 – «Соғлом авлод йили»; 2001 – «Оналар ва болалар йили»; 2002 – «Қарияларни қадрлаш йили»; 2003 – «Обод маҳалла йили»; 2004 – «Меҳр-мурувват йили»; 2005 – «Сиҳат-саломатлик

йили»; 2006 – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»; 2007 – «Ижтимоий ҳимоя йили»; 2008 – «Ёшлар йили»; 2009 – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»; 2010 – «Баркамол авлод йили»; 2011 – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик»; 2012 – «Оила йили»; 2013 – «Обод турмуш йили»; 2014 – «Соғлом бола йил»; 2015 – «Кексаларни эъзозлаш йили»; 2016 – «Соғлом она ва бола йили» ва 2017 – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб аталиши ҳам шундан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикамизнинг нодавлат ташкилотлари фаолиятида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатда рўйхатга олинган нодавлат ташкилотларнинг ярмидан ортиғи хотин-қизларга тегишли ёки аёллар томонидан бошқарилади.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни ўрганиш ва амалда қўллаш борасида давлат фаолиятининг йўналишлари ва шаклларини тўғри белгилаб олган. Халқаро конвенциялар бир қанча зарур вазифаларни бажариб, давлат томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қандай асосий йўналишлар бўйича кафолатланганлигини аниқлайди. Уларга қуйидагилар киради: маслаҳат функцияси – инсон ҳуқуқларини таъминлаш қоида ва стандартлари; тузатиш киритиш функцияси – инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш; превентив функция – инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш; назорат функцияси – давлатнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилишга доир маъруза ва ҳисоботларини, инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид мурожаатларни кўриб чиқиш; давлатга ёрдам кўрсатиш функцияси – моддий, ҳуқуқий, методик, техник ва бошқ.

Ўзбекистон Республикаси учун инсон ҳуқуқлари бўйича мажбурий асосий халқаро ҳужжатларнинг аҳамиятига оид масаланинг таҳлили инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратишга ёрдам берганлигини кўрсатди:

**биринчидан,** халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзига хос модели яратилди[1];

[1] Масалан, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида халқаро стандартлар ва 2008 йили «Хабеас корпус» институти киритилгач, жамият, суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бутун аҳоли бу ўзгаришларга уч йил тайёргарлик кўрди.

**иккинчидан,** инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, парламент мониторинги ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларга дахлдор ижро ҳокимияти органлари устидан назоратни ҳам ўз ичига олган халқаро норма ва принципларнинг бажарилиш мониторингининг миллий тизими шакллантирилди;

**учинчидан,** халқаро стандартлар ва талабларга асосланган ҳолда, қонунчилик, ижроия ҳокимият ва суд органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилишга кўмаклашадиган қўшимча миллий институтлар ташкил қилинди;

**тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратурада ўзининг ҳудудий таркибий бўлинмаларига эга инсон ҳуқуқлари бўйича махсус бошқармалар ишлаб турибди;

**бешинчидан,** мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, ўрта махсус ва олий таълим ўқув муассасаларининг талабалари, тегишли институтлар, марказлар, малака ошириш курсларида инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз билим даражасини ошираётган давлат хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тизими ходимлари, педагогика, тиббиёт ва ижтимоий соҳа ходимларини қамраб олган таълим тизими шакллантирилди;

**олтинчидан,** Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб, ҳар йили инсон ҳуқуқларининг муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатларини ҳал қилишга бағишланган амалиёт киритилди. Масалан, агар 1997 йили инсон ҳуқуқ ва манфаатларига бағишланган бўлса, 1999 йил аёллар ҳуқуқларига, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, 2005 йил соғлиқни сақлаш, 2006 йил хайрия ва тиббиёт ходимларига, 2007 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, 2010 йил баркамол авлодни ҳимоя қилишга ва 2011 йил кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланди;

**еттинчидан,** Ўзбекистонинг БМТ олдида турли тоифадаги фуқароларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини ўз вақтида бажарганлиги тўғрисидаги миллий маъруза тайёрлаши ва жўнатишида ифодаланадиган халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисобот бериш тизими шаклланди.

Ўзбекистон умум эътироф этилган халқаро ҳужжатларнинг қоидаларини бажариш билан ўзининг сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиши лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги кўплаб халқаро ҳужжатларга қўшилиши шахснинг ҳуқуқ ва эркин-

ликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилишга интилиш, шунингдек инсониятнинг ушбу соҳада тўплаган тажрибаларидан фойдаланиш, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг оптимал механизмларини яратиш борасидаги муаммоларга жиддий муносабатидан дарак беради.

Инсон ҳуқуқлари ҳозирги цивилизациянинг ҳал қилувчи қадриятларидан бири ҳисобланади. Унга ягона таъриф бериш қийин, чунки у нафақат ҳуқуқий, балки фалсафий, сиёсий ва ахлоқий тушунчадир.

Инсон ҳуқуқларининг муҳим аҳамияти, аввало, унинг индивидга хос хислатлигида кўриниб, жамият ва давлатда унинг салоҳияти ва эркинлигининг мезонидир ҳамда ўрнатиладиган ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланади. **Инсон ҳуқуқлари** – асосий моддий ва маънавий неъматларга эришиш, ўз қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқариш воситасидир.

Инсон ҳуқуқларида энг мухим умумбашарий қадриятлар ўз аксини топган. Улардан ҳар бир инсон кимлиги ва қаерда яшаши (жинси, ирқи, миллати ва бошқа ҳоказо)дан қатъи назар, фойдаланиши лозим. Ушбу тушунча ҳуқуқ устуворлиги, қонуннинг самарадорлиги, адолат, бағрикенглик, плюрализм каби умуминсоний қадриятларни ўз ичига олган.

Инсон ҳуқуқлари умумбашарий бўлиб, ҳар бир инсонга тегишли ҳисобланади (халқаро ҳамжамият барча инсонларни тенг ҳуқуқли деб тан олади), улар бўлинмас, ўзаро боғлиқ ва ўхшашдир. Уларнинг кучи нафақат ҳуқуқий нормаларда акс этишида, балки универсал ахлоқий норма ва қонунчиликнинг ахлоқий асоси эканлигидадир.

Умуман олганда, фуқароларининг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари инсон ва жамият, индивид ва давлат ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Ўз моҳиятига кўра, улар фуқаро ва давлат муносабатида миллий ва халқаро ҳуқуқий тизимлар принциплари ҳамда нормалари билан қайд этиладиган муносабатларни ўрнатувчи шартнома муносабатларининг асосидир. Бундан ташқари, улар давлатда фуқаро (шахс)нинг мақомини белгилаб, индивидга ўз иродасига мувофиқ ҳаракат қилиш имконини яратишни, муайян манфаатларга эга бўлишни ёки халқаро ташкилотлар ва давлат томонидан ҳимоя этилишини белгилаб беради.

Инсоният умумбашарий дея англаган барча қадриятлар орасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олдинда туради. Тараққиёт жараёнида икки ярим минг йил давомида англанган, шакллантирилган инсон

ҳуқуқлари ҳозирги тушунча ва шаклга эга бўлди. Бу тушунчалар бугунги цивилизациянинг асосий қадриятлари сифатида келажакда ҳам халқаро муносабатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Инсон ҳуқуқларининг фалсафий тушунча сифатидаги аҳамияти шу билан белгиланадики, у асосий омили инсон бўлган гуманизм принципларига асосланган дунё қурилиши, дунёқараш ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Демакки, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли ҳақидаги фалсафий қарашлардан келиб чиқади. Инсон ҳуқуқларини жамиятдаги муносабатларнинг асоси бўлган инсоний қадриятлар тизими деб қараш ҳам адолатли. Шунингдек, инсон ҳуқуқларига ижтимоий регуляторлар тизими, деб қараш ҳам тўғридир. «Инсон ҳуқуқлари» − ҳуқуқий тушунча бўлиб, шахснинг давлат ҳокимияти билан ўзаро муносабатлардаги ўрнини ҳуқуқий нормаларга асосланиб белгилаб беради.

Ички ишлар органлари ходимлари давлат вакили сифатида ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида, яъни жамоат тартибини сақлашда баъзан инсон ҳуқуқларини чеклашга мажбур бўладилар. Шу муносабат билан, ички ишлар органлари ходимлари учун «озодлик» ва «инсон ҳуқуқ ва эркинликлари» тушунчаларини фарқлай олиш жуда муҳимдир. Биринчи ҳолатда «озодлик» кенг фалсафий маънода тушунилиб, инсонга хос, ўз хоҳиш-иродасига мувофиқ ҳаракат қилиш имкони сифатида тушунилади. Озодлик шахс ва жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Озодлик инсонга ўз имкониятларини амалга ошириш, жамият муваффақиятларига ўз ҳиссасини қўшиш имконини беради.

«Инсон эркинлиги» – соф конституциявий-ҳуқуқий тушунча бўлиб, муайян индивиднинг қонун доирасида объектив ва субъектив ҳуқуқларига тенг кучлидир.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари ходимлари инсон ҳуқуқлари орасида ўрнатилган халқаро стандартлар, миллий қонунчиликда назарда тутилган меъёрлар доирасида иш тутишлари, қонунга риоя этишлари лозим. Шу билан боғлиқ инсон ҳуқуқларининг ички ишлар органлари ходимлари учун аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар тўғрисидаги билимга эга бўлиши зарурати пайдо бўлади.

Инсон ҳуқуқларини ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўрганиш зарурати қуйидаги омиллар билан белгиланади:

**биринчидан,** инсон ҳуқуқлари маданияти ИИО ходимлари касб маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади;

**иккинчидан,** БМТ ҳужжатларига кўра, ИИО ходимлари инсон ҳуқуқларини ўрганиши мажбурий бўлган давлат хизматчилари сирасига киради;

**учинчидан,** ИИО ходимлари томонидан ҳуқуқни амалда қўллаш фаолияти уларнинг ҳуқуқий онгини доимо ошириб боришни талаб қилади, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги билимлар бу жараённинг таркибий қисмидир;

**тўртинчидан,** ИИО ходимларининг барча фаолият турлари (жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, тезкор қидирув фаолияти) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга риоя қилишни талаб қилади;

**бешинчидан,** Ўзбекистон Республикаси бажарилиши давлат учун мажбурий бўлган инсон ҳуқуқлари борасидаги барча асосий шартномаларни ратификация қилган;

**олтинчидан,** инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро шартномаларнинг қоидалари ИИО ходимлари касбий фаолиятига бевосита боғлиқдир.

## 1.3. Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курсининг методлари, тизими ва бошқа фанлар билан алоқаси

Замонавий дунёнинг тараққиёти инсон ҳуқуқлари муаммоларининг ечимини ўзида уйғун равишда мужассам этади. Уларнинг юксак қадриятини тан олиш ва уларга амал қилиш давлатларнинг ички ишлари демократизмининг рамзига айланиб қолди ва бу, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг замонавийлигини англатади. Бу ҳол қонуний ва тушунарлидир. Инсон ҳуқуқлари ўзида сайёрамизнинг глобал муаммоларини, яъни ядровий хавф ва экологик йўқ бўлиб кетиш кабиларни ҳам акс эттиради. Бу тушунчалар умумбашарий «эзгулик», «одиллик», «озодлик», «тенглик», «демократизм», «меҳрибонлик» тушунчаларини акс эттириб, шахснинг давлат билан муносабатларида устувор ўринни эгаллайди.

Ҳуқуқий давлат – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар бўйича яшовчи, тегишли қонунлар, самарали давлат тизими ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида аниқ маълумотга, энг муҳими, шу ҳуқуқларга эҳтиёж сезадиган фуқароларга эга давлатдир. Давлат, унда инсон ҳуқуқлари қанчалик даражада тан олиниши, амал қилиниши ва ҳимоя этилишига қараб, шунчалик ҳуқуқий деб баҳоланиши мумкин.

Бу жиҳатдан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Ушбу курсни ўқитиш фаннинг илмий методларига асосланган бўлиши керак. Шу сабабдан асосларни билиш ва объектив билим олишнинг шарти бўлган методларни тўғри қўллаш муҳимдир. Ўз навбатида, умумий ва хусусий методлар ажратилади. Умумий методлар асосида табиат, фикрлаш ва жамиятнинг умумий ривожланишига доир қонуниятлар ётади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларини ўрганишда эса хусусий методлар ҳам қўлланилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) *тизимли метод*, бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларини ўрганиш бир-бирига боғлиқ шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан иборат бутун бир тизим сифатида қурилади;

2) *тарихий метод*, бунда инсон ҳуқуқлари тарихий ривожланиш орқали ўрганиб чиқилади. Шуни таъкидлаш керакки, тарихийлик бу доимий ривожланишда бўлган ҳодисага баҳо беришдир;

3) *қиёсий метод*, тушунча ва ҳодисаларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир;

4) *социологик метод*, бу маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш методидир. Бундай методда турли сўровномалар (оммавий сўровнома, интервью, эксперт сўровномаси ва бошқ.) ўтказилади. Олинган маълумотни таҳлил қилиш статистик гуруҳлардан фойдаланиш, индекслаш ва бошқалар;

5) *мантиқий метод* – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини мантиқий таҳлил қилишга қаратилгандир. Улар фаннинг ҳар қандай соҳаси учун зарур бўлган шаклларда баён этилади ва инсон ҳуқуқларини ўрганишга ҳам тааллуқлидир.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, бошқа методлардан ҳам фойдаланилади. Кўрсатилган методлар айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари назариясини ўрганишда кенг қўлланади.

Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш курснинг предмет ва вазифаларига, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари учун инсон ҳуқуқларининг аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар, курснинг методлари, тизими ва аҳамияти каби масалалар киради. Унда инсон ҳуқуқлари назариясининг ривожланиш босқичларини кўриб чиқишга қаратилган ҳозирги замон инсон ҳуқуқлари концепциясининг тарихий илдизлари, инсон ҳуқуқлари ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати ва мазмуни, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартлар ва уларнинг тизими Ўзбекистон қонунчилигида ўз аксини қандай топганлиги кенг ўрин олган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, уларнинг таснифи, тушунчаси ва ўзига хос жиҳатлари, шунингдек Ўзбекистонда яратилган инсон ҳуқуқлари кафолатларининг механизмига эътибор қаратилган. Бунинг мантиқий давоми сифатида инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳимоя кафолатлари механизми, жумладан, БМТ ва бошқа халқаро минтақавий ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси тизими ўрганилади.

Ўрганилаётган курсда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга ажратилган ўрин алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятига доир умумий халқаро ҳужжатлар, жамоат тартибини сақлашда мансабдор шахсларга юклатилган юридик қоидаларнинг кучи, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлиги, Қийноққа қарши конвенциянинг ички ишлар ходимлари фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига доир масалалар ҳам батафсил кўриб чиқилади.

Инсон ҳуқуқлари кўп қиррали масала сифатида ижтимоий фанлар томонидан ўрганилади. Чунки инсон ўз фаолиятининг турли қирралари бўйича ижтимоий фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ўқув курси ижтимоий фанлар орасида алоҳида ўринга эга ва ўз моҳиятига кўра юридик фан ҳисобланади, чунки у индивиднинг давлат ва турли ташкилотлар, жумладан халқаро ташкилотлар билан ҳуқуқий муносабатини ўрганади. У инсон ҳуқуқларига тегишли турли ҳуқуқ соҳалари билан боғлиқликда ўрганилади. Бундан ташқари, бу фан фалсафа, сиёсатшунослик, социология, психология, иқтисод ва бошқа фанлар тизимига ҳам киради.

*Инсон ҳуқуқлари ва юридик фанлар.* Ҳуқуқшунослик инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг юридик жиҳатларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, юридик фанлар инсонни у давлат-ҳуқуқий муносабатларга, турли ижтимоий алоқаларга киришганда ўрганади. Уларга моддий ва процессуал ҳуқуқларни киритиш мумкин.

*Инсон ҳуқуқлари ва фалсафа.* Фалсафа – табиат, онг ва жамиятнинг умумий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фандир. У онг ва борлиқнинг умумий принциплари ҳақидаги билимлар тизимидир. Ижтимоий ҳодисалар тизимида инсон ҳуқуқларининг моҳияти, қўлланиши, табиатини ўрганиш, шубҳасиз, фалсафий асосларга ҳам эга.

*Инсон ҳуқуқлари ва сиёсатшунослик.* Сиёсатшунослик сиёсий жараёнлар, сиёсий бирлашмалар, сиёсий ва давлат ҳокимиятига эри-

шишнинг йўллари, шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Сиёсатшунослик инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини сиёсий муносабатлар орқали ўрганади.

*Инсон ҳуқуқлари ва социология.* Социология – глобал (бутун жамият) ва хусусий ижтимоий тизимларнинг ривожланиши, иш юритишига доир қонуниятларни ўрганувчи фандир. Социология турли ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва инсонлар ижтимоий хатти-ҳаракатининг умумий қонуниятларини ўрганади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам социологиянинг объекти ҳисобланади.

*Инсон ҳуқуқлари ва иқтисодий фанлар.* Иқтисодий фанлар ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳалари, меҳнат муаммолари, молия ва бошқаларни ўрганади. Иқтисод ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фаннинг яқин муносабати инсон ҳуқуқлари ва иқтисод ўртасидаги боғлиқликни очиб беришга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси бошқа фан соҳалари томонидан ҳам ўрганилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, «инсон ҳуқуқлари» универсал фан бўлиб, «умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари» нафақат ахлоқий, балки сиёсий ва юридик тушунчадир.

# *2-МАВЗУ.* ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО БИЛЛ

## 2.1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Биллнинг юридик мазмуни ва ҳуқуқий тавсифи

Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқлари муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай ривожланган демократик жамият қуришда уларнинг қиммати жуда юқори. Ҳуқуқий давлат қурилишидаги асосий шартлардан бири бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади.

1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан тарихий аҳамиятга эга муҳим ҳужжат – «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» эълон қилинди. Унинг матни инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигидан иборат инсонпарварона иборалар билан бошланади.

Декларация расман юридик мажбурий ҳужжат ҳисобланмаса-да, аммо аксарият кўпчилик давлатлар томонидан умум эътироф этилганлиги боис, у ҳозирги кунда том маънода шундай ҳужжатга айланди. Кейинчалик БМТ бошчилигида инсон ҳуқуқларига бағишланган ўнлаб ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» (унга тегишли 1966 йилдаги факультатив протоколни ҳам қўшиб) ҳамда «Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» алоҳида аҳамиятига кўра ажралиб туради. Шартномалар сифатидаги бу халқаро ҳужжатлар иштирокчи томонлар учун мажбурий юридик кучга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири расмий равишда мазкур ҳужжатларнинг қоидаларига риоя қилишга рози бўлади.

Юқорида зикр этилган декларация ва пактлар бир ном билан Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билл деб аталади. У ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида индивиднинг энг муҳим ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхатини ўзида акс эттиради ва давлатларнинг шахснинг ҳуқуқий мақомини қонуний мустаҳкамлашига йўналтирилган умумий демократик андоза сифатида хизмат қилади.

Унда яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, қийноқ ҳамда бошқа шафқатсиз муомала ва жазо турларидан озод бўлиш, суд орқали ҳимояланиш, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги, турар жой дахлсизлиги, сўз эркинлиги, виждон ва дин эркинлиги,

тинч йиғилишлар эркинлиги, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, меҳнат, дам олиш, ижтимоий таъминот, билим олиш ва бошқа шу каби ҳуқуқлар тўғрисида сўз юритилади. Айтиш жоизки, «инсон ҳуқуқлари» ва «инсон эркинлиги» тушунчаларининг қўлланиши улар ўртасида қатъий фарқ борлигини билдирмайди. Инсоннинг шахсий ва сиёсий турмуш соҳасидаги айрим қонуний ҳуқуқлари давлатнинг асоссиз аралашувидан ҳимояланиш мақсадида тарихан эркинлик сифатида шаклланган.

Эндиликда дунёдаги аксарият мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларга мосланган инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхати жой олган. Улар давлатлар томонидан юридик мустаҳкамланган бошқа ҳуқуқлар билан биргаликда у ёки бу мамлакат инсон ва фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кўринишида намоён бўлади. Бунда муайян тарихий ва миллий хусусиятлар, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тузилиш, ахлоқий анъана кабилар ҳисобга олинади. Бунда «инсон ҳуқуқлари» ва «фуқаро ҳуқуқлари» тушунчаларининг асослантирилган мутаносиблиги ётади.

«Инсон ҳуқуқлари» ва «фуқаро ҳуқуқлари» ҳозирги тушунчада у ёки бу мамлакатнинг қонунларида мустаҳкамланганлиги, шахснинг фуқаролигидан қатъи назар, умумижтимоий, фалсафий, ахлоқий, табиий равишда вужудга келувчи ва ажралмас қатъий юридик мезон сифатида эътироф этилади. Фуқаро ҳуқуқлари фақат муайян давлатнинг норматив ҳужжатлари асосида ўрнатилади ва бир вақтнинг ўзида унинг муайян фуқаролик мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилади.

Яқин ўтмишда инсон ҳуқуқлари фақат ички давлат органлари доирасида тартибга солинган. Ҳар бир давлат ўз юрисдикциясида бўлган фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмини фақат ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблар эди. Ҳаттоки, БМТ ташкил қилинган илк кунларда ҳам давлат ички органлари бу соҳадаги асосий манбалар ҳисобланар эди.

Ҳуқуқни, айниқса, инсон ҳуқуқларини у ёки бу жамиятда ҳукмронлик қилаётган мафкура, сиёсат ва ахлоқий маданиятдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат инсон ҳуқуқлари масаласини мазкур соҳада юқорида келтирилган асосда тартибга солган ҳамда халқаро органлар, жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича барча уринишларини ўз ички ишига аралашиш деб ҳисоблаган.

Бир қатор мамлакатлар ўзларининг расмий баёнотларида БМТ Уставига асосан, муайян инсон ҳуқуқларига ирқий, жинсий, тил ва диний камситишларсиз риоя қилинишини таъминлашда давлат юрисдикциясини рад қилдилар.

Бошқа бир гуруҳ давлатлар эса, БМТ Уставининг юридик мажбурийлигини тан олган ҳолда, «давлат суверенитети» тушунчасини мутлақлаштириб, инсон ҳуқуқлари соҳаси давлатнинг бутунлай ички ваколати деб ҳисоблашларини билдиришганди[1].

Халқаро ҳуқуқшуносларнинг аксарияти ўз давлатлари мафкурасини акс эттирган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солиш халқаро ҳамжамиятнинг иши эмас, балки давлатнинг мутлақ ички иши, деб ҳисоблар эди.

Бўлиб ўтган жаҳон уруши, ўнлаб минтақавий ва маҳаллий урушлар, ядро уруши хавфи, атроф-муҳит муаммоси ва бошқа глобал муаммоларнинг ечимларини топиш давлатлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун катта-кичик уринишларнинг бошланишига сабаб бўлди. Натижада эса, инсон ҳуқуқлари ҳам ички ҳуқуқ ҳам халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган бўлди. Бунинг далили сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солувчи асосий халқаро принциплар аниқлаштирилди ва ривожлантирилди. Мазкур соҳада давлатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан назорат механизмлари ташкил қилинганди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ ролининг ошишига асосий сабаблардан бири «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар ва мазкур соҳада бошқа халқаро конвенцияларнинг қабул қилинишидир.

Халқаро ҳуқуқшуносларнинг аксарият кўпчилиги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни фуқароларнинг асосий фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини эълон қилинувчи оддий ҳужжат деб ҳисоблаб, унинг роли ва аҳамияти ҳақида узоқ баҳслашдилар. «Ҳаёт» декларациянинг қабул қилиниши қуруқ ишора, шама эмас, балки унда белгиланган ҳуқуқлар халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим халқаро битимларни қабул қилишда мустаҳкам халқаро ҳуқуқий негизи, хатти-ҳаракат кодекси бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатди.

---

[1] Масалан, собиқ Совет иттифоқи мазкур масалада мақбул бўлмаган позицияда турган, бу эса 1948 йили БМТ Бош Ассамблеясида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни қабул қилишда бетараф бўлишининг асосий сабабларидан бири эди.

Тадқиқотлардан бирида таъкидланганидек, «1948 йилдан сўнг қабул қилинган 90 дан ортиқ миллий конституциялар ўзида декларация қоидаларини акс эттиради ва мазкур қоидалар унинг таъсири остида киритилган»[1].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа келишувларнинг қабул қилинишига кенг йўл очиб берди. Ушбу келишувлар ичида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар эгаллайди. Уларнинг қабул қилиниши натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасида принцип ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш янада сифатли босқичга кўтарилди. Инсоният тарихида биринчи марта деярли бир пайтда пактларни имзолаган барча давлатлар учун мажбурий бўлган инсон фуқаролик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини улкан миқёсида тартибга солувчи иккита халқаро ҳужжат қабул қилинди.

Мустақиллигини даъво қилаётган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ушбу пактлар билан тан олингандан сўнг, бу ҳужжатлар руҳан эзилган халқларнинг мустақиллик учун курашдаги кучли қуролига айланди. Миллий озодлик ҳаракатлари таъсирида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги модданинг киритилиши халқаро ҳамжамият томонидан эски халқаро ҳуқуқда фундаментал ўзгариш ясаш, жаҳон халқлари ва миллатлари ўртасидаги муносабатларнинг тенг таъминланишига асос бўлди. Бугунги кунда яшаш ҳуқуқи, адолатли судга бўлган ҳуқуқ, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи ва бошқа қатор асосий ҳуқуқлар кўпгина давлатларнинг конституцияларида мустаҳкам аксини топган.

Инсон ҳуқуқларига оид пактларда биринчи бор индивиднинг бевосита халқаро органлар назорати остида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини берувчи халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби эканлиги белгиланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича пактлар таъсирида давлатларнинг шу қоидалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилувчи муассасаларнинг ташкил қилиниши муҳим ютуқлардан бири бўлди. «Унинг ташкил қилиниши ва фаолият олиб бориши мазкур асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда тартибга солишда сезиларли ютуқлардан биридир»[2]. Халқаро

---

[1] Қаранг: *Jayawic Karama N.* Hong Kong and the international protection of human Rights//Human Rights in Hong Kong, 1992. – P. 160.

[2] Қаранг: *Карташкин В. А.* Права человека в международном и внутреннем праве. – М., 1995. – С. 8.

ҳуқуқда назорат институти янги ҳодиса бўлиб, унинг ташкил топиш жараёни бир қатор давлатлар томонидан кучли қаршиликка учради. Муаммо шунда эдики, «назорат» тушунчаси, ушбу назорат объекти ҳисобланувчи у ёки бу мажбуриятнинг бажарилиш жараёнидаги элементларнинг таъсирини ўз ичига оларди. Бошқача айтганда, назорат ижро жараёнида ўзининг у ёки бу даражадаги аралашувини келтириб чиқаради. Давлатлар халқаро муносабатларга киришар экан, ўзларининг ички ишларидаги суверенитетини сақлайди, халқаро органларнинг назорати эса уларнинг ички ишига аралашуви, деб ҳисобланарди. Бироқ халқаро муносабатларнинг ўзига хослиги ва инсон ҳуқуқларининг катта аҳамияти халқаро ҳамжамиятнинг ушбу масалада мувозанатга келишишига ва давлатларнинг мазкур соҳада мажбуриятларни ўз иродаси билан зиммасига олишига, халқаро назорат органлари эса фақат инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларга тегишли кўмакларни бериб, маслаҳат беришини таъминлади. Ҳозирги шароитда халқаро назорат органларининг роли ошиб бормоқда. Борган сари БМТ ва бошқа халқаро конвенциявий органлар назорат ташкилотларининг фаолиятидаги ваколат ва вазифаларга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, зарур пайтда халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг принцип ва нормаларини амалга оширувчи давлат тизими устидан назорат қилувчи орган йўқ. Шунинг учун давлатлар халқаро назорат механизмини яратиш йўлларини назарда тутганлар. Бундай зарурат эса инсоният тақдирига жиддий хавф туғилганда халқаро ҳуқуқ ижодкорлигини кенгайтириш, халқаро алоқаларни такомиллаштириш, глобал муаммоларнинг пайдо бўлишидан вужудга келади.

## 2.2. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамияти

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, тинчлик, хавфсизлик ва давлатлараро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилган эди. Бу ташкилот инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш унинг фаолиятида муҳим йўналиш ҳисобланади.

БМТнинг дастлабки эришган муҳим ютуқларидан бири Бош Ассамблея томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» бўлди.

Ассамблея декларацияни «барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим» эканини эълон қилди. У бутун дунёдаги

аъзо давлатларни декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилиш ва таъминлашга чақирди. Ҳар йили 10 декабрь бутун дунёда декларация қабул қилинган кун муносабати билан «Инсон ҳуқуқлари куни», деб байрам қилинади. Декларациянинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун дунёда тан олинган ва умумий бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар рўйхатини ўзида мужассамлаштирган биринчи халқаро ҳужжатдир.

*Декларацияда қуйидаги умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг тўлиқ рўйхати келтириб ўтилган:*

***Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар:***

– яшашга бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (3-м.);

– қулликнинг тақиқланиши (4-м.);

– қийноқларнинг тақиқланиши, инсон қадр-қимматини камситувчи ёки ноинсоний муомала ва жазолашларнинг тақиқланиши (5-м.);

– ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий субъект бўла олишининг тан олиниши (6-м.);

– асосий ҳуқуқларнинг бузилишига сабаб бўладиган ҳаракатларга қарши суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ (7-м.);

– ҳуқуқларнинг суд томонидан самарали тикланишига бўлган ҳуқуқ (8-модда);

– ўзбошимчалик билан қамоққа олиш, ушлаб туриш ёки сургун қилишдан ҳимоя қилиш кафолати (9-м.);

– мустақил ва бетараф судга бўлган ҳуқуқ (10-м.);

– айбсизлик презумпцияси, қонуннинг орқага қайтиш кучининг йўқлиги (11-м.).

***Инсоннинг уни ўраб турган гуруҳ ва ташқи дунё билан муносабатлари доирасидаги ҳуқуқлари:***

– шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқ (12-м.);

– эркин кўчиб юришга ва яшаш жойини эркин танлашга бўлган ҳуқуқ (13-модда);

– бошпанага ҳуқуқи (14-м.);

– фуқаролик ҳуқуқи (15-м.);

– никоҳ муносабатларида эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги. Оиланинг жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқ (16-м.); .).

– мулкка индивидуал ва ўзаро эгалик қилиш ҳуқуқи (17-м

***Диний эркинликлар, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар:***

– фикр, виждон ва дин эркинлиги (18-м.);

– эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифодалаш. Маълумотларга эркин эга бўлиш (19-м.);

– тинч йиғилишлар ва ассоциациялар тузиш эркинлиги (20-м.);

– ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи; муайян муддатларда ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи (21-м.).

***Иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлар:***

– ижтимоий таъминотга ва муносиб ҳаёт даражасига бўлган ҳуқуқ (22-м.);

– меҳнат қилиш ҳуқуқи; иш танлаш эркинлиги; тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш;

– касаба уюшмаларига нисбатан эркинлик (23-м.);

– дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқ (24-м.);

– фаровонликка ва соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий муолажа, ижтимоий хизмат кўрсатиш);

– оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ҳуқуқи (25-м.);

– таълим олишга бўлган ҳуқуқ (26-м.);

– маданий ва илмий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, муаллифларнинг маънавий ва моддий манфаатларини ҳимоялашга бўлган ҳуқуқи (27-м.).

Шуни таъкидлаш жоизки, декларациянинг учта моддаси БМТ принциплари ва шахснинг жамиятга нисбатан мажбуриятларига бағишланган:

– ҳар бир шахснинг ижтимоий ва халқаро тартибга бўлган ҳуқуқи. Бунда декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин (28-м.);

– жамият олдидаги мажбуриятлар; бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш. Бу ҳуқуқ ва манфаатларни БМТ мақсадларига мувофиқ амалга ошириш (29-м.);

– декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларни оқлаш учун шарҳланиши мумкин эмас.

Декларация 29-моддасининг 1-бандида шахснинг мажбуриятлари «Ҳар бир шахс жамият олдида мажбуриятларга эга» деб аниқ ўрнатилган. Айнан, ушбу бандда шахс фақат жамиятдагина эркин ва тўлиқ ривожлана олиши тўғрисидаги қоида асослантирилган. Декларациянинг бу қоидаси маънавий моҳият касб этади. Чунки, унга кўра, шахс яшаётган жамиятда умумий юриш-туриш қоидаларини ўрнатади. Декларация 29-моддасининг 1-банди муроса мазмунига эгалиги сабабли, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда бир овоздан қабул қилинган.

Таъкидлаш ўринлики, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да шахснинг давлатга нисбатан мажбуриятлари ва бурчлари батафсил кўрсатилмаган. Шунга кўра, давлатни шахсдан қатъий қўриқлаш зарурати мавжуд эмас.

Шахснинг жамият олдидаги мажбуриятларини белгиловчи халқаро нормалар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 29 ва 30-моддаларида мустаҳкамланган. Дарҳақиқат, ушбу иккита модда қоидалари *биринчидан* «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари», *иккинчидан, «*инсон мажбуриятлари» тушунчаларига аниқлик киритади. Агар 29-модда 1-бандида «шахс ҳуқуқлари» тушунчаси берилган бўлса, 30-моддада уни шарҳлашни белгиловчи универсал қўлланиладиган норма мавжуд. Шундай қилиб, шахснинг барча мажбуриятлари ва ундан келиб чиқувчи муаммолар ушбу икки моддада умумлаштириб мустаҳкамланган.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» БМТ Бош Ассамблеяси томонидан барча давлатлар ва миллатлар учун умумий халқаро стандарт сифатида эълон қилинган. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси эркинлик, тенглик ва биродарлик каби фундаментал принципларга асосланади. Уларга декларациянинг «Муқаддима»си, шунингдек 1 ва 2-моддалари бағишланган. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни тавсифлар эканмиз, унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмаганлигига эътибор қаратиш зарур. Бу кўпроқ «ҳар қайси халқ ва барча давлатлар бажаришга ҳаракат қилиши лозим бўлган вазифа сифатида» маънавий императивликдир.

Ҳар кимнинг яшаш ҳуқуқининг даҳшатли ва оммавий равишда бузилишига олиб келган Иккинчи жаҳон уруши мазкур соҳада инсон ҳуқуқлари, борасида давлатлар ва халқларнинг ўзаро кенг ҳамкорлик ўрнатишига сабаб бўлиб, инсон ҳуқуқларининг байналмилаллашувида кескин бурилиш ясади. 1945 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузишдан асосий мақсад инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари унинг ирқи, жинси, тили ва эътиқодидан қатъи назар, ҳамма учун бир хилда ҳурмат қилинишини рағбатлантириш ва ривожлантириш эканлиги эди (БМТ Уставининг 1-м.).

Ҳар қандай давлат табиий ҳуқуқларни тан олмай, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилиб, объектив асосланган чеклаш, тақиқлаш киритишга интилиб, уларни ҳуқуқий меъёрласа, у ноқонуний ҳаракат қилган бўлади. Агар инсон ҳуқуқлари ҳатто умуман миллий қонунчиликда мустаҳкамланмаган бўлса ҳам, улар юридик кучидан, юксак

маънавий салоҳиятидан маҳрум бўлмайди. Халқаро ҳуқуқда эътироф этилганидек, уларсиз индивид умуман мукаммал ҳаёт кечира олмайди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги чеклаш ҳақида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 29-моддасида умумий тартибда қуйидагилар келтирилган:

1) ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин;

2) ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгалар ҳуқуқ ва эркинликларининг демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак;

3) ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига асло зид бўлмаслиги керак.

Шу тарзда хулоса қилинса, барча ҳуқуқ соҳаларига қараганда инсон ҳуқуқлари алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда бутун инсониятнинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, шахсий мустақиллиги каби асосий қадриятлар алоҳида тўлиқ мужассамлашади. Ушбу қадриятлар инсон ҳуқуқларида ўзининг норматив мустаҳкамланган аксини топиб, ҳуқуқий воситалар ва институтлар кўмагида амалга оширилиши кафолатланади. Аммо инсон ҳуқуқлари концепциясининг мазмуни ва мақсади фақат қонуний тартибга солишнинг тор доираси билан чекланиб қолмайди. Цивилизациялашган жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий усуллари стандартлар ва умумий ҳаёт нормасидаги муаммоларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа қўшимча ҳуқуқий кафолатлар бошқа меъёрий қадриятлар тизимларида ва энг аввало, ахлоқий тизимда акс этади.

Айни пайтда, декларация инсон асосий ҳуқуқларини қамраб олган БМТ Уставини талқин қилишдаги энг муҳим актдир. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» – халқаро шартномадир. Расмий юридик нуқтаи назардан у мажбурий кучга эга эмас, чунки БМТ Уставининг 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари фақат тавсиявий хусусият касб этади. Шундай бўлишига қарамасдан, декларация давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларининг асосий манбаларидан бирига айланди. БМТ Уставини шарҳлашда муҳим восита сифатида қараладиган декларация нормаларининг катта қисми ҳозирги замон дунё мамлакатларини боғлаб турувчи халқаро одат ҳуқуқининг муҳим мезонидир.

## 2.3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Пактлар

1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг Факультатив протоколи бир овоздан қабул қилинган. Бу ҳужжатлар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» ва 1989 йилда қабул қилинган Иккинчи Факультатив протокол билан биргаликда, «Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билл» деб номланади.

Пактлар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га асосланса-да, уларда мустаҳкамланган ҳуқуқлар бир хил эмас. Иккала пактда ҳам мустаҳкамланган, декларацияга киритилмаган энг муҳим ҳуқуқ – табиий бойликлар ва ресурслардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир.

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» 1976 йил 3 январда кучга кирган.

Пакт қуйидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда кўмаклашишни назарда тутади:

– эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқлар;

– адолатли ва қулай шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқи;

– ижтимоий ҳимоя, ҳаёт кечириш учун етарли шароитлар ва мумкин қадар юқори даражадаги жисмоний ва ақлий соғломлик шароитларига бўлган ҳуқуқ;

– таълим олиш ҳамда маданий эркинлик ва илмий тараққиёт неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқи;

– касаба уюшмалари ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш ҳуқуқи;

– оилани қўриқлаш ва оилага кўмаклашиш;

– маданий ҳаётда қатнашиш ва илмий тараққиёт натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқи;

– етарли ҳаёт даражасига бўлган ҳуқуқ;

– ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқ.

Пакт ушбу ҳуқуқларнинг ҳеч қандай камситишларсиз амалга оширилишини назарда тутади. Пакт қатнашчилари – давлатлар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС)га даврий ҳисоботлар тақдим қиладилар. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита 18 та мустақил экспертдан иборат. У Пактни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида Кенгаш томонидан ташкил қилинган орган бўлиб, ҳисоботларни ўрганади ва манфаатдор ҳукуматлар вакиллари билан муҳокама қилади. Унинг изоҳлари пактга алоқадор масалалар ораси-

да унда мустаҳкамланган ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этишда иштирокчи давлатларга ёрдам бериш, ҳисоботдаги камчиликлар ва ҳисобот тайёрлаш жараёнига эътиборни кучайтиришни назарда тутади. Бундан ташқари, Қўмита алоҳида ҳисоботлар, натижалар юзасидан Кенгашга тавсиялар бериши мумкин.

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг қуйидаги асосий жиҳатлари муҳимлигини ажратиб кўрсатиш мумкин:

*биринчидан,* давлатлар учун мажбурий бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг аниқ рўйхати берилган;

*иккинчидан,* халқаро стандартдаги ҳуқуқларнинг ҳар бири давлатларнинг тегишли қонунчилигида ўз аксини топиши зарурлиги шакллантирилгани;

*учинчидан,* давлатларнинг эълон қилинган ҳуқуқларни тан олиши ва таъминлаш мажбурияти ўрнатилгани;

*тўртинчидан,* пактда эълон қилинган ҳуқуқларни амалга оширишнинг механизмларининг мустаҳкамлангани.

«Фуқароликнинг ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва унинг биринчи Факультатив протоколи 1976 йил 23 мартда кучга кирган. Мазкур Пактнинг қабул қилиниши унда кўрсатилган ҳуқуқларнинг табиий хусусият касб этиши, ҳаёт, шаън, инсон қадр-қиммати, шахсий дахлсизлик, эътиқод эркинлиги ва шахсий ҳаёт каби юксак қадриятларга алоқадорлиги билан асосланади. Инсон ҳуқуқлари назариясида бу ҳуқуқлар биринчи авлод ҳуқуқлари ҳисобланади ва «негатив ҳуқуқлар» деб номланади, чунки, у айнан давлат ҳокимияти томонидаги тажовузлардан алоҳида ҳимояга муҳтождир. Ушбу пактга бирлашиш эркинлиги, сўз эркинлиги, давлат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи каби биринчи авлод ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон шахси ривожланиши, унинг давлат билан ўзаро муносабатига боғлиқлиги сабабли ўта муҳим саналадиган сиёсий ҳуқуқлар киритилган.

*«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» юридик таркибининг ўзига хослиги шундаки*, унинг моддаларида белгилаб берилган ҳар бир ҳуқуқ мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг аниқ механизмини қамраб олган. Қонунчиликда бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун маъмурий ва бошқа чораларни кўриш ҳар бир давлатнинг мажбурияти ҳисобланади.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» кучга кириши билан халқаро инсон ҳуқуқлари тараққиёти янги босқичга

кўтарилди. Халқаро ҳуқуқ тарихида биринчи марта индивид ўз ҳуқуқларининг ҳимояси учун БМТ халқаро органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»га асосланувчи бундай орган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита бўлиб, у нафақат индивидуал мурожаатлар, балки миллий ҳисоботлар асосида ҳам Пактга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Пактнинг бу хусусиятлари уни нафақат инсон ҳуқуқлари соҳасида, балки бутун халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатга айлантиради.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» муқаддима ва олти қисмдан иборат. I қисм халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига бағишланган битта моддадан иборат.

II қисм 2–5-моддаларни қамраб олади. Бу моддалар давлатларга пактда кўрсатилган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва ҳеч қандай камситишларсиз таъминлаш мажбуриятини юклайди. 2-модданинг 3-қисми бевосита давлатларга ваколатли суд, маъмурий ёки қонунчилик ҳокимияти томонидан суд ҳимояси имкониятларини кенгайтириб, ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ўрнатиш мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, 3-модда давлатларга эркак ва аёлларга тенг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш мажбуриятини юклайди. Ушбу қисм фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бундай вазиятларда инсон ҳуқуқлари чекланишларини тартибга солувчи норма киритилган.

III қисм 22 та модда (6–27-м.)дан иборат, у пактнинг энг катта қисми ҳисобланади. Унда бевосита шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар, уларни амалга ошириш механизмлари белгиланган. 6-модда шахснинг ажралмас ҳуқуқи сифатида яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Модда олтитта банддан иборат бўлиб, мамлакатда ўлим жазоси мавжуд бўлса, уни энг оғир жиноятлар учун қўллашни, ўлим жазоси белгиланганда афв этишни сўраш ёки ҳукмни енгиллаштиришни сўраш ҳуқуқини, ўлим жазосини 18 ёшга тўлмаган шахс ва ҳомиладор аёлларга нисбатан қўлламасликни назарда тутади. Пакт ўлим жазосини тўлиқ бекор қилишни назарда тутмаганлиги боис «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»га Иккинчи Факультатив протокол қабул қилинган бўлиб, ушбу протокол иштирокчи давлатларга ўлим жазосидан воз кечиш мажбуриятини юклайди.

Пактнинг бу қисми қийноқлар (7-м.), қуллик, қуллар савдоси ва мажбурий меҳнатни (8-м.) бутунлай тақиқлашни назарда тутади.

Пактда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги ҳамда улар билан муомалада бўлиш, ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш ёки ушлаб туришни тақиқлаш, озодликдан махрум қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши (9,10-м.)га алоҳида эътибор қаратилади.

Пакт бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш эркинлиги ва эркин яшаш жойини танлаш ҳуқуқини ҳам назарда тутади. Шу билан бирга, бу ҳуқуқни тартибга солувчи 12-модда давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиғи ва ахлоқ қоидалари, бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ҳолларда, бу ҳуқуқ чекланиши мумкинлигини мустаҳкамлайди. Бу турдаги чекловлар намойишлар ўтказиш, эркин фикр билдириш, эркин фикрлаш, дин ва эътиқод эркинлиги, тинч йиғилишларга бўлган ҳуқуқларга ҳам татбиқ қилинади.

Пактнинг 14, 15 ва 26-моддалари айбсизлик презумпцияси, адолатли судлов, жиноят процессининг барча босқичларида айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонун ва суд олдида тенгликни таъминлашни назарда тутади.

Алоҳида модда билан ҳар бир шахс ҳуқуқ субъектлилигининг тан олинишига бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланган (16-м.).

Пакт шахсий ва оилавий ҳаётга ўзбошимчалик билан ҳамда ноқонуний аралашувларни тақиқлайди. Уй-жой дахлсизлиги ва ёзишмалар сирини муҳофаза этади (17-м.).

Пактнинг 18–19-моддаларида фикр эркинлиги, дин ва эътиқод эркинлиги, шунингдек тўсқинликларсиз ўз фикрини қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Шу билан бирга, ҳар қандай урушни тарғиб қилиш, миллий, ирқий ёки диний адоватни қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Пактда тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи ва бирлашиш эркинлиги тўғрисидаги модда мавжуд (21–22-м.).

Пактда жамият ва давлат томонидан оилани ҳимоя қилиш, бола ҳуқуқларига оид алоҳида моддалар назарда тутилган (23–24-м.). Таъкидлаш жоизки, айнан Пактнинг ушбу қоидалари кейинчалик «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция», «Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенцияда» аксини топган.

Пактнинг 25-моддаси давлат ишларини олиб боришда иштирок этиш ҳуқуқи, овоз бериш ва сайланиш, шунингдек тенг асосларда давлат хизматига ёлланиш каби сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишга бағишланган.

Пактда, этник ва диний озчиликларнинг бошқа аъзолар билан бирга ўзининг маданиятидан фойдаланиш, ўз динига эътиқод қилиш ҳамда она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Пактнинг IV қисми (28−45-м.)да Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг таркиби, функциялари ва ваколатлари, бу органга иштирокчи давлатларнинг ҳисобот топшириш мажбуриятлари, давлатлараро хабарларни тақдим қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби белгилаб берилган.

Пактнинг V ва VI қисмлари якуний қоидалар ҳамда мазкур пактни имзолаш, ратификация қилиш ва амал қилиши тўғрисидадир.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»га Иккинчи Факультатив протокол ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул қилинган. 2010 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, 26 та мамлакат Иккинчи Протоколда белгиланган мажбуриятларни олишга розилик билдирган. Бу мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита амалга оширади.

Шундай қилиб, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» кенг аҳамиятли ҳужжат бўлиб, унда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг барча турлари бўйича халқаро стандартлар батафсил мустаҳкамланган. Шунга қарамасдан, ушбу қоидаларнинг кўпчилиги кейинчалик такомиллаштирилиб ва аниқлик киритилиб, « Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция», «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция», «Қийноқларга қарши конвенция» каби инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган.

## *3-мавзу.* ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

### 3.1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандарт тушунчаси халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган мажбурий талаблар ва нормаларни англатади. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» юридик мажбурий ҳужжат ҳисобланмайди, бироқ унда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари стандартларнинг ёрқин мисолидир. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»даги стандартлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ҳамда миллий тизимни яратиш учун асосдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатлар қайси халқаро ташкилот миқёсида қабул қилинганлигига қараб, универсал ташкилотлар – БМТ миқёсида қабул қилинган универсал стандартларга ва минтақавий стандартларга (масалан, Европа Кенгаши миқёсида қабул қилинган – Европа Кенгаши стандартларига) бўлинади. Универсал ва минтақавий стандартлар ўртасида тафовутлар йўқ. Минтақавий стандартлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалардаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни ҳамда уларни ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим. Минтақавий стандартлар маҳаллий бўлиб, минтақадаги мамлакатларнинг тарихий анъаналари, маданияти, ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, универсал стандартларга нисбатан янада аниқроқ ва юксакроқ нормаларни ўрнатади.

Миллий қонунчиликнинг инсон ҳуқуқлари орасидаги халқаро стандартларга мувофиқ келиши инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома иштирокчилари учун энг қаттиқ талаблардан биридир.

Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқи[1] (инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар) барча давлатлар, уларнинг мансабдор шахслари – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ҳам қамраб олувчи ушбу давлатларнинг вакиллари учун юридик мажбурий ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг институтларидан бири бўлиб, у инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий, умум эътироф этилган стандартларни белгилаб беради.

---

[1] Қаранг: *Саидов А. Х.* Международное право по правам человека / Отв. ред. Б. Н. Топорнин. − М., 2004.

Маълумки, халқаро ҳамжамият ўз тарихига, ҳуқуқий анъаналарига ва маданий қадриятларига эга турли хил давлатлардан ташкил топган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва унга бўлган қарашлар кўпроқ юқоридаги омилларга боғлиқ.

Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни ўрнатиш ҳозирги замон шароитида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳақиқий таъминлаб беришдек ўта муҳим вазифалардандир. Инсон ҳуқуқлари бўйича умум эътироф этилган стандартлар доктринаси инсон ҳуқуқлари ҳамма жойда бир хил бўлиши, яъни, *биринчидан,* бу ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилган моддий ҳуқуқ нормалари, *иккинчидан,* бу нормаларни қўллаш бир хилда бўлиши лозимлигига асосланади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар фақат ғарб цивилизацияси маҳсули эмас, балки у бутун инсониятга тегишлидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни тушунтиришда *инсон ҳуқуқларининг универсаллиги* (universality of human rights) ва *инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсализм* (universalism in human rights)ни фарқлаш зарур.

*Инсон ҳуқуқларининг универсаллиги* деганда, инсон ҳуқуқлари ғоясининг ҳарёқламалиги, ҳаммабоплигини эътироф этиш тушунилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсализм эса, инсон ҳуқуқлари ғояларини шарҳлаш ва қўллашга тааллуқлидир. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларининг универсаллигига «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинганидан бир неча йилдан сўнг эришилган бўлса-да, бирорта ҳам давлат уни инкор этмаётганлиги айни ҳақиқат. Инсон ҳуқуқлари ғояси барча давлатлар томонидан эътироф этилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсализмга эса, бугунги кунда эришилгани йўқ. Универсализм инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни шарҳлаш ва уни қўллашга нисбатан ялпи розиликни назарда тутади. Бундай ялпи розиликнинг йўқлиги БМТ доирасида инсон ҳуқуқларига доир масалаларни кўриб чиқишда универсализм муҳокама предмети сифатида давом этаётганлиги билан изоҳланади[1].

Шу билан боғлиқ 1993 йилги Вена декларацияси ва Ҳаракат дастуридаги мавжуд қоидага эътиборни қаратиш лозим бўлади. Унда таъкидланишича, «барча инсон ҳуқуқлари универсал, бўлинмас, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқада, бироқ миллий ва диний хусусиятлар ҳамда турли тарихий, маданий ва диний ўзига хосликларнинг аҳамия-

---

[1] Қаранг: *Baderin M. A.* International Human Rights and Islamic Law. – Oxford: Oxford University Press, 2003. – P. 23–24.

тини эътиборга олиш керак бўлса-да, давлат ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тизими қандай бўлишидан қатъи назар, барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва уларни ҳимоя қилиш мажбуриятини зиммасига олади».

Мазкур ҳолатда инсон ҳуқуқларининг универсаллиги тўғрисида (универсализм тўғрисида эмас) гап бормоқда. Бошқача айтганда, инсон ҳуқуқларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқий нормалар универсал бўлиши лозим, бироқ бу барча ҳолатларда ҳам улар мутлақ бир хил шарҳланиши зарур, дегани эмас. Акс ҳолда, 1993 йилги Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурига миллий минтақавий хусусиятни ва турли тарихий, маданий ва диний ўзига хосликларни ҳисобга олишнинг зарурати тўғрисидаги қоидани киритишнинг маъноси бўлмас эди.

Турли тарихий, маданий ва диний ўзига хосликларни ҳисобга олиб, инсон ҳуқуқларининг универсаллигини талқин қилиш мақсадида, халқаро шартномаларнинг у ёки бу қоидаларини жамиятнинг ахлоқий қадриятлари билан боғлиқ равишда тушунтиришгача бўлган даражада давлатнинг ҳаракат қила олиш эркинлигини назарда тутувчи ўз ихтиёрига кўра иш тута олиш эркинлигининг чегарасигача бўлган доктринадан фойдаланиши мумкин бўлар эди. Халқаро шартномалардаги кўплаб қоидалар жуда мавҳум шакллантирилганлиги уларни маҳаллий ахлоқий ва маданий стандартлар нуқтаи назардан тушунтириш имконини беради.

Халқаро ва миллий (давлатнинг ички) ҳуқуқнинг нисбати ва ўзаро таъсири муаммоси юриспруденциянинг бугунги энг муҳим ва мураккаб муаммоларидан биридир. Унинг амалий аҳамияти давлат органлари, ҳар бир инсон учун ҳам ошиб бормоқда. Инсон асосий ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланишининг ўзи етарлидир.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши, унинг миллий ҳуқуқ билан ўзаро таъсирининг чуқурлашиб бориши ижтимоий ҳаётнинг байналмилаллашуви билан ҳам белгиланмоқда. Дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ва ягоналиги миллий сиёсий-ҳуқуқий тизимлар ягона глобал тизимнинг қисмлари сифатида бир-бири билан, шунингдек бутун халқаро муносабатлар тизими билан ҳам ўзаро алоқадорлигини англатади. Ички вазифаларни ҳал этиш ўсиб бораётган ташқи муҳитнинг таъсирига боғлиқ.

Ҳар бир давлат давлатларнинг суверен тенглиги принципига мувофиқ, ўзининг ҳуқуқий тизимини ўзи эркин танлаши ва ўз ҳуқуқий тизимининг халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсир қилиш тартибини белгилаши мумкин. Шу билан бир қаторда, суверен тенглик принципи

ҳар бир давлатнинг ўз халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва виждонан бажариш мажбуриятини ҳам белгилаб беради.

Мазкур қоидаларда эътироф этилган қоида ҳам ўз аксини топган. Унга кўра, халқаро ҳуқуқ давлатга мажбурият юклайди, уларни мамлакат ичида рўёбга чиқариш тартиби эса, агар халқаро ҳуқуқий нормаларда бошқача келишилмаган бўлса, миллий ҳуқуқ билан белгиланади.

Миллий даражада амалга ошириладиган нормалар сонининг ошиб бориши билан бирга, янги ҳолатлар ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, жиноятларнинг айрим турлари тўғрисидаги халқаро нормаларни тегишли қонунларни қабул қилмасдан амалга ошириб бўлмайди. Натижада давлат бундай нормаларга қўшилар экан, тегишли қонунларни қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Умуман олганда, давлат ўз ҳуқуқий тизимини ўзи яратиши ва халқаро мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаши лозим. Давлатда инсон ҳуқуқлари ва қонун ҳукмронлигига ҳурматга асосланган демократик бошқарув ўрнатиладиган шароитдагина тинчлик ва халқаро ҳуқуқий тартибот ишончли равишда таъминланиши мумкин. Халқаро ҳаётдаги демократия ва қонунийликка давлат ичидаги демократия ва қонунийликсиз эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган, юридик кучга кирган ва давлатнинг олий қонунчилик органи томонидан ратификация қилиниб, унга мувофиқ миллий қонунчиликда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган қоидалар ҳисобланади.

## 3.2. Адолатли судловни амалга ошириш соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси

XX ва XXI асрларда халқаро ҳуқуқни у ёки бу даражада тартибга солувчи масалалар кўламининг мунтазам кенгайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Профессор И. И. Лукашукнинг қайд этишича, «халқаро ва ички қонунчиликнинг бирлиги ҳақиқатга айланмоқда». Анъанага кўра ички ҳуқуқий нормаларга истисносиз бўйсунган, аммо ҳозирги кунда халқаро стандартларга мувофиқ равишда тартибга солиш омиллари қаторига адолатли судловни амалга ошириш принциплари ва нормалари ҳам киради. Шу муносабат билан, аввало, адолатли судловни амалга ошириш соҳасидаги халқаро стандартларнинг нималигига ойдинлик киритиб олиш зарур.

Ҳуқуқий тартиботнинг у ёки бу соҳасига, хусусан, адолатли судловни амалга ошириш соҳасига тегишли умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари **халқаро стандартлар** деб аталади. Халқаро ҳуқуқ принциплари халқаро муносабат қатнашчилари хулқ-атворининг энг умумий қоидалари сифатида хулқ-атворнинг янада аниқроқ қоидаларини акс эттирувчи халқаро ҳуқуқий нормаларни ўрнатишга маълум даражада таъсир кўрсатади. У ёки бу принцип хулқ-атвор қоидаларининг янада аниқроқ пайдо бўлишини олдиндан белгилаб берибгина қолмай, ўз навбатида, уларни ўзига бўйсундиради ва бу хулқ-атвор қоидаларининг ўзаро мувофиқлашишида ва айни пайтда, уларнинг умумийроқ хулқ-атвор қоидаси принципига мос келишида намоён бўлади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари нафақат принципларни, балки муайян хулқ-атвор қоидаларини ҳам мустаҳкамламайди. Ҳуқуқ принципларини нормалардан ажратиб бўлмайди, нормаларни эса, принциплардан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас. Бунда муайян хулқ-атвор қоидалари доим халқаро ҳуқуқий актлар ва одатлар кўринишида расмийлаштирилади. Ҳар қайси принцип эса, у ёки бу халқаро актда бирор-бир норма кўринишида ифодаланиши мумкин, бироқ у ўзининг аниқ таърифини топмасдан, нормалар йиғиндиси сифатида намоён бўлиши мумкин. Уларнинг муайян принципга мувофиқ келиши тўғрисида фикр юритишга яхлит ҳолда ўрганиш имкон беради. Айнан шунинг учун ҳам принципларнинг бевосита нормаларда акс этиши ёки нормаларнинг у ёки бу принципдан келиб чиқадиган қоидаларга бўйсунишига қарамасдан, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари фарқланади.

Халқаро ҳуқуқнинг мажбурий кучга кириши учун давлатларнинг халқаро мулоқотнинг маълум тарихий даври халқларининг ҳуқуқий онгига мос келувчи қоидаларини ўрнатиш ёки тан олиш тўғрисидаги ихтиёрий, аниқ ифодаланган ёки сўзсиз қабул қилинган умумий ёки алоҳида шартномаси асос бўлади. Давлатларнинг ушбу келишуви бирор-бир расман белгиланган ёзма ёки оғзаки шартнома ишлаб чиқиладими ёки бир хил кўринишдаги амалиётдан келиб чиқадиган ҳуқуқий одат пайдо бўладими, бундан қатъи назар, улар ўртасидаги келишув ҳисобланади. Бу каби келишувга зарурат унинг томонидан ўрнатилган муайян нормаларга риоя этиш зарурати каби ижтимоий тараққиётнинг турли халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабидан келиб чиқадиган объектив қонуниятлари билан белгиланади.

Шунинг учун халқаро ҳуқуқий актлардаги ҳолатларнинг ижроси давлатларнинг уларни қўллашга ихтиёрий равишда розилик билдиришларига асосланади. Бунда нафақат мажбурий, балки тавсиявий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бажарилиши шарт нормалар икки ва кўп томонлама халқаро шартномалардан (улар шартнома, битим, пакт, конвенция каби турли номлар билан аталиши мумкин) ва халқаро ҳуқуқий одатга айланади. Халқаро шартномалар асосида тузиладиган муайян органлар, шу жумладан, баъзи халқаро ташкилотларнинг алоҳида органлари томонидан чиқарилган актларда баён этилган кўрсатмаларнинг бажарилиши ҳам мажбурий бўлиши мумкин (масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси).

Тавсиявий актлар турли халқаро конференциялар ва бошқа форумларда, халқаро ташкилотлар негизида тузиладиган органлар, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг органлари томонидан қабул қилинади. Масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари тавсиявий хусусиятга эга. Тавсиявий актлар фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактлар, ирқий камситишнинг барча шаклларини йўқ қилиш, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ва баъзи бир бошқа кўп томонлама халқаро шартномаларга мувофиқ равишда ташкил этиладиган БМТ шартнома қўмиталари томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин.

Халқаро тавсиявий актларнинг расман мажбурий юридик кучга эга эмаслигига қарамай, давлатлар уларда акс эттирилган ҳолатларни буткул рад эта олмайдилар.Чунки уларнинг ўзлари ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва бирор бир халқаро конференция ёки бошқа турдаги форумда қабул қилишда бевосита қатнашадилар ёхуд у ёки бу масала бўйича тавсиявий қарорларни қабул қилишга лаёқатли органларни тузишни назарда тутувчи халқаро шартномадаги томонлар бўладилар.

Турли давлатларнинг судлари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг тавсиявий қоидаларини ўз қарорларини асослаш учун қўшимча манба сифатида қўллаган вақтлар ҳам бўлган. Агар давлат анча узоқ муддат давомида у ёки бу тавсиявий қарорлардаги қоидаларга амал қилиб келса, бундай қоидалар халқаро ҳуқуқий одат нормаларига айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Давлатларнинг муайян хулқ-атвор стандартларини акс эттирувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда у ёки бу даражада иштирок этишлари эътиборга олинса, уларни қандайдир ташқаридан зўрлаб киритилган стандартлар деб баҳолаш мумкин

эмас. Бундай халқаро стандартларнинг айнан турли давлатлар нуқтаи назарларини мувофиқлаштириш натижасида ишлаб чиқилиши сабабли мазкур стандартлар уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этган мамлакатлар томонидан риоя этилишига розилик билдирилган хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндисидан иборат бўлади.

Тарихий тараққиёт натижасида ҳуқуқий онг нуқтаи назаридан бир-бирига яқин бўлиб қолган давлатлар учун бир хил ва батафсил баён этилган хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқиш, табиийки, қийинчилик туғдирмайди. Шунинг учун универсал стандартлар, яъни турли қитъаларда жойлашган давлатлар қўшилган ва қолган бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкин бўлган ҳужжатларда қайд этилган стандартлар, одатда, ҳудудий халқаро стандартлар, яъни у ёки бу географик ҳудуд, масалан, Европа, Америка ёки Африка чегарасида жойлашган давлатлар қўшилган ҳужжатларда акс эттирилган стандартларга қараганда, умумийроқ табиатга эга бўлади.

Баъзи халқаро стандартларнинг барча давлатлар томонидан қўлланиши мумкин бўлса, бошқаларини айрим давлатлар ўз миллий ҳуқуқий тизимлари амалиётига қўллаш арафасида турибдилар. Аксарият стандартлар эса, муайян давлатлар учун босиб ўтилган босқич ҳисобланади ва улар ўз умуммиллий даражаларида янада юқорироқ андозаларга амал қиладилар. Масалан, айрим институтлар тарихан пайдо бўлгач, бошқа мамлакатларга ёйилиб, халқаро тан олинган стандартларга айлангунга қадар маълум муддат чекланган миқдордаги давлатлар доирасида фаолият кўрсатган. Шу муносабат билан, албатта халқаро стандартларни ҳар бир алоҳида давлатда амал қилувчи ҳар қандай қоидадан беқиёс устун турувчи деб қабул қилиш мумкин эмас. Шу билан бир қаторда, халқаро стандартлар мамлакат ичидаги турли институтларнинг, хусусан, адолатли судловни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиботини ривожлантиришнинг йўналишларини белгилашда маёқ вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Муқаддима»сида умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунлардан устунлиги қайд этилган. Ушбу конституциявий қоидадан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг амалдаги барча кодекслари ва қонунларида, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида тегишли қонунда назарда тутилган қоидалардан ўзга қоидалар ўрнатилган бўлса, халқаро шартнома қоидаларининг қўлланиши кўрсатиб ўтилган.

## 3.3. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар имплементацияси

*Имплементация (ингл. «implementation»)* – халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунларга ва қонуности ҳужжатларига трансформация қилиш йўли билан халқаро мажбуриятларни давлат ичида амалга ошириш. Айрим давлатларда ратификация қилинган халқаро шартномалар автоматик тарзда миллий қонунчиликнинг қисмига айланади.

Агар халқаро шартномада қонунда назарда тутилганидан бошқа қоида ўрнатилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаси қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Муқаддима»сида умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги кўрсатиб ўтилган. Конституциянинг 17-моддасида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади».

Миллий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсир масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратиб келмоқда. Шунингдек, у халқаро мажбуриятларни миллий даражада рўёбга чиқариш усулларини аниқ қилиб олиш давлатнинг ваколатига киради, деган тушунчага таянади.

Халқаро ҳамкорлик қилишнинг асоси конституциявий ҳуқуқ билан белгиланади. Мазкур ҳуқуқ ҳамда уни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш шуни тасдиқламоқдаки, халқаро ҳуқуқ давлат ички муносабатларини тартибга солишга ярамаганидек, миллий ҳуқуқнинг ҳаракат механизми ҳам халқаро муносабатларни тартибга солиш учун ярамайди.

Шунинг учун ҳам «халқаро ҳуқуқ нормаларининг бевосита амал қилиши» деган тушунча шартли хусусият касб этади ва бу нормаларга миллий ҳуқуқ билан тегишли юридик куч берилганидан кейин бевосита қўлланишини билдиради.

Айрим мамлакатларнинг конституциялари, масалан, Франция конституциясида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги ва халқаро ҳуқуқнинг бевосита таъсир кўрсатиши эътироф этилади, деган фикрлар билдирилади. Конституциялар мавжуд халқаро ҳуқуқни эътироф эт-

маган ҳолда, уларни ўзи ўрнатган. Бошқача айтганда, мазкур масалани ҳал қилиш – миллий ҳуқуқнинг ваколатидир.

Халқаро ҳуқуқ, ҳаттоки, инсон ҳуқуқлари соҳасида фақат давлатлараро муносабатларни тартибга солишни БМТнинг Устави ҳам тасдиқлайди. Унда инсон ҳуқуқларини рағбатлантиришда халқаро ҳамкорлик тўғрисида сўз боради (1-модда, 3-қисм). Бош Ассамблея инсон ҳуқуқларини амалга оширишга «халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш» мақсадида тавсиялар қилиши мумкин (13-модда, 1.а қисм).

Шундай қилиб, жисмоний ва юридик шахслар иштироки билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга лаёқатли бўлиш учун халқаро ҳуқуқдаги мавжуд қоидада белгиланган тартибда мамлакатнинг ҳуқуқий тизимига киришиш лозим. Одатда, бу жараён *трансформация* деб номланиб, унда халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларига айланиши назарда тутилади. Ҳақиқатда эса, халқаро ҳуқуқ нормаси ўзгармаган ҳолда ўз мақомини сақлаб қолади. Унинг мазмуни, қоидасига эса миллий ҳуқуқ нормаси мақоми берилади. Аслида ҳам, гап халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ ёрдамидаги имплементацияси тўғрисида бормоқда.

*Шартномани ратификация қилиш* – халқаро шартноманинг мазкур давлат учун мажбурий эканлигини тасдиқлаб берадиган, унинг ички ҳуқуқига мувофиқ қабул қилинувчи давлат олий ҳокимиятининг ҳужжатидир. Ратификация ёки давлат бошлиғининг ўзи томонидан ёки давлатнинг олий қонун чиқарувчи органи (парламент ёки бошқа унинг ўрнини босувчи орган) томонидан биргаликда амалга оширилади. Шартномани қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилиш ҳужжатлари тузилиб бўлинган бўлиб, бундай ҳаракатларни амалга ошириш орқали уларда иштирок этишга рухсат берувчи шартномаларга тааллуқлидир. Улар асосида ратификация ҳужжати мавжуд бўлиб, тегишли ҳужжатлар алмашилгандан ёки уларни депозитарияда сақлаш учун топширилгандан сўнг, юқорида кўрсатиб ўтилганидек номланади.

2012 йилнинг бошига келиб, Ўзбекистон Республикаси 5000 дан ортиқ кўп ва икки томонлама шартномалар ва келишувларни тузган, 200 га яқин муҳим халқаро конвенциялар ва шартномаларга, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида 70 дан ортиқ шартномаларга қўшилган.

Миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқни миллий ҳуқуқда мустаҳкамлаш ва амалга ошириш соҳасидаги таҳлили республиканинг соҳавий қонунчилиги асосан халқаро шартнома, нормаларининг миллий қонунларга нисбатан устуворлигини эътироф этиши нуқтаи наза-

ридан келиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ҳамда мазкур Кодексдан иборатдир.

Императив шаклда Жиноят-ижроия кодексининг 4-моддаси қуйидагича баён этилган: «Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплари ва нормаларини инобатга олади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа инсонийликка зид ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади».

Кўпинча халқаро ҳуқуқ нормаларига бутунлай ҳавола этувчи таҳрир ишлатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 9-моддаси варианти кўпроқ учрайди: «Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади».

Бу ерда фақат қўллашнинг устуворлиги тўғрисида гап кетмоқда, яъни шартнома қонун-қоидаси бутун ҳаракатга таъсир этмасдан, фақат аниқ бир ҳолатга нисбатан «бошқача қоида»ни ўрнатмоқда, аниқ бир ҳолат учун истисно қилмоқда. Бу ҳолатда шартнома қонун устидан устуворликка эга эмас, балки устуворликни аниқ бир ҳолатга қўллаш тўғрисидагина гап бормоқда. Бу эса, қонун қоидасини бекор қилиши ёки ўзгартиши мумкин бўлган «бошқача қоида» борлигини назарда тутишга асос борлигини англатмоқда, аммо аниқ бир ҳолат учун истисно қилмаяпти.

Меҳнат, Ер кодексда муайян ҳолатлар учун халқаро шартномаларни қўллашнинг устуворлиги аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. 1995 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонунга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси томонидан сўзсиз ва мажбурий амал қилинади».

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизимида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларининг миллий қонунчиликдан устуворлиги эътироф этилади. Шу билан

бирга, халқаро шартнома унинг ижро этилиши учун миллий қонунчилик томонидан имплементация қилиниши лозим, яъни ички норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши керак. Халқаро стандарт имплементация қилинганидан сўнг ички қонунчиликнинг қисмига айланади ва мажбурий бажарилиши лозим бўлади. У ёки бу халқаро шартномага тўғридан-тўғри ҳавола этиш амалиётидан фойдаланиш эса Ўзбекистоннинг судлов органлари учун хос эмас ва жуда ҳам кам ҳоллардагина қўлланилади.

## 3.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро стандартларининг мустаҳкамланиши

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилаб олди. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти суверенитетини мустаҳкамлаш ва қонун устунлигининг тасдиқланиши ҳуқуқий давлатчиликнинг ўзаро алоқадорлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз давлат мустақиллигини эълон қилар экан, давлат ҳокимияти ваколатларининг қонунчилик, ижроия ва суд тармоқларига бўлиниши принципи асосида асосий давлат институтларини шакллантиришга киришди. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича миллий тизимни халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришнинг зарурати вужудга келди. Бунга қуйидаги омиллар ёрдам берди:

**биринчидан,** Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлини танлаб олиши;

**иккинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотларига ўхшаш универсал халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириши, шунингдек, етакчи минтақавий халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиши;

**учинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатларга, аввал, БМТнинг олтита асосий халқаро шартномаларига қўшилиши.

Қайд этиш керакки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимлар ва механизмларни ривожлантириш бирор-бир давлат ёки халқаро ташкилотга ёқиш учун амалга оширилгани йўқ. Мустақил

Ўзбекистоннинг бош вазифаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга сўзсиз амал қилиш ва демократик ҳуқуқий давлат қуришдир.

*Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тизими шаклланган бўлиб, унга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар киради.*

*Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг ядроси ва асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир.*

Ўзбек парламенти Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни биринчи халқаро шартнома сифатида ратификация қилди ва шу билан ўзининг ички ва ташқи сиёсатида устувор йўналиш сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг халқаро каталогини мустаҳкамлаб қўйди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган биринчи Конституцияси мамлакатимизда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Суверен, демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат, инсон ҳуқуқлари бўйича умум эътироф этилган халқаро принциплар ва нормаларга содиқ давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда ўз Конституцияси нормаларининг учдан бир қисмидан кўпини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш масалаларига бағишлаб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини конституциявий даражада мустаҳкамлади ва аввалги тузумда шаклланган инсон ҳуқуқлари устидан давлат манфаатлари устунлигини бартараф этди.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади. Биз учун Конституция жинси, ирқи, миллати, дини, сиёсий ва диний эътиқоди, мулкий ва мансаб мавқеи, яшаш жойи, жамоат бирлашмаларига аъзолиги ва бошқа шахсий ёки ижтимоий шарт-шароитлари ва ҳолатларидан қатъи назар, барчанинг қонун ва суд олдидаги, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларда тенглигини кафолатлаши энг муҳимдир.

Хусусий мулкнинг конституциявий мустаҳкамлаб қўйилиши алоҳида аҳамият касб этади. Аввал инкор этиб келинган хусусий мулк, энди Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ажралмас ҳуқуқи, унинг фаровонлиги, ишбилармонлиги ва ижодий фаоллигининг табиий манбаи сифатида эътироф этилади ва кафолатланади, унинг иқтисодий ва

шахсий дахлсизлигининг кафолати ҳисобланди. Мулк дахлсиздир ва ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас, мулк фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина (ҳуқуқбузарлик қуроли ва воситаси сифатида) мусодара қилиниши мумкин. Ўзбекистон Конституцияси хусусий мулкни эътироф этиш ва уни давлат мулки шакли билан бир қаторда тенг равишда ҳимоя қилиш тўғрисидаги принципиал янги ва муҳим ҳуқуқий нормани ўрнатди. Ҳар ким мулкка эга бўлиши, мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мумкинлиги ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди.

Меҳнат эркинлигига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаб, Конституция фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб этишни тақиқлаб қўйди, ҳар ким эркин касб танлаш ҳуқуқига эга.

Аёлларнинг сиёсатда иштирок этишга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги замонавий қонунчилик базаси уларнинг мавқеини эркаклар билан тенг қўяди. Бугунги кунда парламент ҳам ҳокимлар, вазирликларда юқори лавозимларда хотин-қизлар бор, 200 дан ортиқ аёллар нодавлат ташкилотларида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат сиёсати миллатчиликни, ирқчиликни, геноцидни, халқларни зўрлик билан ҳайдаб чиқариш ёки кўчиришни, бошқа халқларни камситишни ва ассимиляция қилувчи сиёсатни тўла инкор этади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий ва зарурий қонунчилик асослари яратилган. Конституция қоидалари асосида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг қуйидаги усуллари ривожланиб бормоқда:

**биринчидан,** тегишли давлат органларига шикоят билан мурожаат қилиш, фуқаро шикоятини ўрнатилган тартибда қабул қилиш, кўриб чиқиш ва мурожаат қилувчининг далилларини текшириш ҳамда мурожаат қилувчининг ҳуқуқларини тиклаш учун унга текшириш йўли билан қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида ёзма жавоб йўллаш орқали амалга оширилади;

**иккинчидан,** давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судга ариза билан мурожаат қилиш (суд ҳимояси);

**учинчидан,** агар фуқаро томонидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юқорида кўрсатилган восита ва усулларидан фойдаланиб бўлинган тақдирда, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(омбудсман)га фуқаронинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари юзасидан шикоят билан мурожаат қилиш (суддан ташқари ҳимоя). Омбудсман Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва унинг ҳудудидаги чет эл фуқароларидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан келиб тушадиган шикоятларни кўриб чиқиш ва шикоят бўйича ўз текширувларини ўтказишга ҳақлидир. Омбудсман суднинг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқмайди. Мурожаат қилувчининг важларини текшириб бўлгандан сўнг, Омбудсман мурожаат қилувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича тавсияларини ўз ичига олган хулосасини тегишли давлат органига жўнатади;

**тўртинчидан,** вазирликлар ва идоралар, муассасалар ва ташкилотлар, ҳокимларнинг қонунларни ижро этиши устидан назорат қилувчи, шунингдек жиноятни дастлабки тергов қилиш, жазони ижро этиш жойларида озодликдан маҳрум этилганларни сақлаш устидан назорат қилувчи прокуратура органларига мурожаат қилиш. Прокуратура органлари фуқароларнинг аризалари ва шикоятларини кўриб чиқади ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

**бешинчидан,** фуқароларнинг бузилган конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини холисона ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, улар орасида қонунчиликка мувофиқ чора-тадбирлар кўриш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаб беришга ваколатли бўлган адлия органларига мурожаат қилиш;

**олтинчидан,** адвокатнинг мустақиллиги, профессионал этикага қатъий амал қилиши, адвокатлик сири принциплари асосида, қонунчилик билан тақиқланмаган ҳимоя усуллари ва воситаларини қўллаб, жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган адвокатура органларига мурожаат қилиш;

**еттинчидан,** Низомларига мос равишда ўз аъзолари (иштирокчилари)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳақли нодавлат ташкилотларга мурожаат қилиш. Масалан, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг вазифаларига ННТларга ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларнинг Низом фаолиятига, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг ролини оширишга кўмаклашиш киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлатчилик қурилишида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устувор, деб ҳисобланган ўзининг миллий қонунчилигини юксалтирмоқда.

# 4-МАВЗУ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАРИ

## 4.1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунда мустаҳкамланган бўлиши керак. Уни самарали амалга ошириш учун давлат томонидан миллий ва халқаро кафолатлар таъминланиши зарур. Конституцияда «кафолат» атамасини қўллаб, бунинг таъминоти ҳақида сўз юритса-да, ҳуқуқларнинг ҳақиқий амалга жорий этилиши учун давлат органлари ва фуқароларнинг ўзлари ҳам анчагина тер тўкишлари талаб этилади. Энг аввало, бундай таъминотнинг чоралари ишлаб чиқилган бўлиши керак. Бу адабиётларда, одатда, кафолатлар деб юритилади. **Кафолат** – кафиллик, таъмин этиш, гаровга жавоб бериш. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари кафолатлари – Конституция ва бошқа қонунлар билан ўрнатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини яратувчи чора ва шарт-шароитдир.

Инсон ҳуқуқлари кафолатлари механизми инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг бир-бири билан боғлиқ шартлари тизимидан иборатдир.

Инсон ҳуқуқлари таъминотининг миллий механизми қуйидаги кафолат турларидан иборат:

– иқтисодий;
– ижтимоий;
– мафкуравий;
– сиёсий;
– ҳуқуқий;
– моддий кафолатлар.

Ҳуқуқий кафолатлар – фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг ҳуқуқий чора-тадбирларидир.

Кафолатларнинг бир нечта турлари ажратилади. Кўп ҳолларда сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар тилга олинади. Иқтисодий кафолат турларига таъминотнинг моддий чоралари ҳам тааллуқли бўлади (ҳимоя воситалари, махсус кийимлар ва бошқ.).

Кафолатлардан мақсад, *аввало,* ҳуқуқларни амалга оширишда тўсиқлар бўлишига йўл қўймаслик ва агарда бундай тўсиқлар пайдо бўлса, уларни бартараф этиш, *иккинчидан,* бу ҳуқуқлар билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

Ушбу тамойилга асосан инсонга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилишидан қатъи назар, инсон ўз

ҳуқуқларини қонунда тақиқланмаган бошқа чоралар билан ҳам ҳимоя қилиши мумкинлигини англатади. Бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, улар бузилган тақдирда, уларнинг қўлланишига имкон беради.

Маълумки, ҳуқуқ фақат давлат ёки бошқа шахс (орган) уни таъминлаш мажбуриятини олсагина амалга ошиши мумкин. Кафолатлар ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳаётга тўлиқ жорий этилиши учун зарурдир. Улар шундай шароитни яратиши лозимки, бунда Конституция ва бошқа қонунларда қайд этилган шахснинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қоидалар амалда ҳар бир кишига тегишли бўлиши лозим.

*Кенг маънода инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тушунчаси фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ амалга оширилиши ва ҳимоясига қаратилган барча объектив ва субъектив омилларни қамраб олади.*

Ҳуқуқий кафолатлар деганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятларининг ҳуқуқ нормасида қайд этилиши, давлат ва халқаро ҳамжамият институтларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти орқали уларнинг таъминланиши, сақланиши ва ҳимоясини тушуниш мумкин. Қонунда шуларни таъминлашга қаратилган чоралар ҳуқуқий кафолатдир.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ривожланиши у ёки бу ҳуқуқларнинг кафолатларини мустаҳкамлаган бир қатор қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ.

«Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида», «Журналистлик фаолияти кафолатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси судда иш юритишнинг демократик тамойилларини, суд тартибида қонуний жавобгарликка тортилаётган шахсларга нисбатан инсоний муносабатни кафолатлайди. Ҳуқуқий кафолатлар фуқаро ва инсон ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаб берувчи, амалдаги қонунчиликда ўз аксини топадиган, кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни аниқлаштириб берадиган барча чораларни қамраб олади. Ҳуқуқий кафолатларнинг бошқа кафолат турларидан фарқи шундаки, агар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий кафолатлар фуқаро ва инсон ҳуқуқларини амалга оширишда илк қадам бўлса, ҳуқуқий кафолатлар шахс ҳуқуқларини аниқ амалга ошириш ва бу ҳуқуқларни тажовузлардан ҳимоя этишга қаратилгандир.

Инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳуқуқ ва эркинликлар таъминотининг ҳуқуқий чоралари катта қизиқиш уйғотади. Баъзи муаллифлар ҳуқуқий кафолатлар деганда, кенг институтлар, моддий ва процессуал моддалар тизимини тушунадилар. Улар субъектив ҳуқуқларни таъминлаш тизими фақат ҳуқуқ ўрнатувчи ва ҳуқуқни тақиқловчи нормалардан иборат ҳуқуқий кафолатлар орқалигина ишлаши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Айнан давлат ҳуқуқ мажмуи қисмларининг биргаликда хизмат қилиши орқали ҳуқуқий кафолатларнинг алоҳида қисмлари, тузилмалари ўзининг ҳимоявий вазифасини амалда бажариши мумкин.

Маъмурий ва суд тартибида мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби мавжуд бўлиб, бу тартиб ва у билан боғлиқ жараёнлар қонунларда мустаҳкамланган. Бундан ташқари, институционал даражада ушбу механизмнинг ишлашини таъминловчи органлар ва муассасалар ҳам бор. Фуқаро ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун юқори турувчи органга, мансабдор шахс ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

Барча нормалар инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари ҳисобланмайди, фақат ўзида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва улар бузилган тақдирда тиклаш чора-тадбирларини назарда тутувчи нормаларгина ҳуқуқий кафолатлардир. Қонунчилик фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг турғун элементларини кафолатлар тизими билан ўз нормаларида акс эттиради. Ушбу механизмнинг самарали фаолияти давлат ҳокимияти органларининг машаққатли ишлаши, амалдорларнинг ўз мансаб вазифаларини бажариш чоғида ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни ошириш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалишига боғлиқдир.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқ, эркинликларининг давлат кафолатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**биринчидан,** конституция ва қонуннинг устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва конституциявий тузилмага эга демократик ҳуқуқий давлатчилик институтлари тизимини шакллантириш;

**иккинчидан,** инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита, тўғридан-тўғри амалга оширилиши принципининг изчил жорий этилиши;

**учинчидан,** инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асосини яратиш, яъни инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тизимини ташкил этувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш;

**тўртинчидан,** инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини ташкил этиш (Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари миллий маркази);

**бешинчидан,** инсон ҳуқуқлари бўйича мақсадли ва кўп даражали таълим тизимини яратиш ҳамда кенг аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш;

**олтинчидан,** мамлакатда фуқаролик институтлари (нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари), ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракатини ривожлантириш;

**еттинчидан,** инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга қўшилиш ва улар бўйича мажбуриятларни бажариш.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жаҳон конституциявий тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидагилар белгиланган:*

– инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг кенг доираси белгиланган;

– бу асосий ҳуқуқ ва эркинликлар бошқа ҳамма конституциявий институтлар билан уйғунлаштирилган, уларнинг хўжалик юритиш, давлат бошқаруви, конституциявий тузилма билан ўзаро боғлиқлигига эришилган;

– инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилиши учун зарур бўлган механизмлар, жараёнлар, тузилмаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

## 4.2. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари миллий механизмининг шаклланиши

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида режали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бир қатор қонунчилик ҳужжатлари тизими ишлаб чиқилиб қабул қилинган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий институтлари ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида қилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида: «… биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳам-

жамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир»[1] деб таъкидлаган эди.

Буюк йўлбошчимиз инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва уларни ҳимоя қилиш, жамиятни барқарор демократик ривожлантиришга қаратилган стратегик йўналишларни қайд этиб, мамлакатда инсон ҳуқуқлари кафолатининг амалий хизмат қилувчи механизмини яратиш асосий вазифалардан бири эканлигига бир неча бор тўхталган эдилар. Бу борада жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг роли ва аҳамиятини эса вақтнинг ўзи кўрсатиб, ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Маҳаллий ва марказий давлат ҳокимияти органлари мазкур жараёнга тўсқинлик қилмаслиги, аксинча инсонларни янада кўпроқ ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳамда фуқаролик жамиятини қуришда фаол иштирок этишлари учун янги демократик ва жамоатчилик тузилмаларнинг шаклланишига ҳар томонлама кўмак беришлари ва рағбатлантириши лозим. Шундагина инсон ҳуқуқлари ҳақиқатан кафолатланган бўлади ва мазкур ҳуқуқ, эркинликларни таъминлаш механизми самарали ишлай бошлайди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий механизмлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари демократик институтларни такомиллаштириш, барчани демократик жамият қуришга жалб этиш, шу орқали уларнинг ўз тақдири, келажагининг тўла ҳуқуқли хўжайинига айланишида кўринади. Кафолатларни таснифлаш бўлса конституциявий кафолатларни яхшироқ ва чуқурроқ англаш орқали, уларнинг мазмунини очиш, қиммати ва камчилигини кўрсатиб бериш, тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради.

Ҳуқуқ фанида умумий ва махсус (ҳуқуқий) кафолатларни фарқлаш қабул қилинган. Умумий кафолатлар – ҳуқуқни рўёбга чиқарувчи иқтисодий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Умумий кафолатларга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий (маънавий) кафолатлар, махсус кафолатларга эса, қонунлар ва бошқа меъёрий манбалардан мустаҳкамланган ҳуқуқий (юридик) кафолатлар киради.

**Ижтимоий-иқтисодий** кафолатлар ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишни таъминлаб берувчи (ижтимоий барқарорлик, ривожланаётган иқтисодиёт, тегишлича ишлаб чиқаришнинг кучи) махсус

---

[1] *Каримов И. А.* Демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т., 2011. – Б. 35.

муҳитни ва моддий асосни назарда тутади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатга қонуний иқтисодий фаолият ҳамда рақобатни қўллаб-қувватлашни таъминлаб беришни, монополлаштириш ва ғирром рақобатни тақиқлаб, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва уларни тенг ҳимоя қилишни эълон қилиш мажбуриятини юклайди.

**Сиёсий кафолатлар:** инсонга мақбул ҳаёт ва эркин ривожланишни таъминлаб берувчи шароитларни вужудга келтиришни; жамиятдаги барқарорликни бузишга йўл қўймайдиган фуқаровий тотувликка эришиш қобилиятини билдирувчи фуқаролар сиёсий маданиятининг керакли даражасини таъминлаб берувчи сиёсий тузилмаларнинг барқарорлигига эришишни; давлат аппаратининг бюрократлигига, унда порахўрликка қарши кураш ва бошқа сиёсий-ташкилий омилларни кўзда тутувчи давлатнинг тегишли равишда, аниқ йўналтирилган сиёсатини амалга оширишни назарда тутади. *Сиёсий кафолатлар* – ҳар томонлама ривожланиш ва жамиятнинг сиёсий тизимини, назарияда энг муҳим ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш ғоясининг асосини ташкил этувчи демократиянинг бутун тизимини такомиллаштиришдир.

**Мафкуравий кафолатлар** – давлат ва жамиятнинг, шахс дунёқарашининг эркинлигини шакллантирадиган шароитларни яратишга (қўллаб-қувватлашга), маънавий ва ахлоқий йўналишларни танлаб олишга қаратилган фаолиятдир.

**Ҳуқуқий кафолатлар** инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган барча ҳуқуқий воситаларни ўзига қамраб олиб, жорий қонунчилик нормаларида акс этади, кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг мазмунини очиб беради ва аниқлаштиради.

Айрим муаллифлар ҳуқуқий кафолатлар деганда, моддий ва процессуал ҳуқуқ институтлари ва нормаларининг кенг тармоғини тушунадилар. Субъектив ҳуқуқларни таъминлаш – шахснинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ҳуқуқ ўрнатувчи ва қайта тикловчи нормалардан иборат ҳуқуқий кафолатлар орқалигина ишлайди, деб фикрлайдилар.

*Ҳуқуқий кафолатларни аслида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқ нормалари орқали мустаҳкамлаб қўйиш, уларни давлатнинг бутун ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти орқали ҳимоя қилиш деб тушуниш лозим.* Қонунда белгиланган воситалар бевосита инсон ҳуқуқларини жамиятда ҳуқуқий жиҳатдан тўғри амалга ошириш ва уларни муҳофаза қилиш имкониятини таъминлайди. Бу мазкур ҳуқуқларнинг кафолатидир.

1. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш мумкин бўлиб, ҳуқуқий нормаларда белгиланган бундай ҳаракатларни тақиқлаш ва чеклашлар:

– ирқий ва миллий келиб чиқиши аломатларига қараб камситишни тақиқлаш (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-м.);

– қамоққа олиш ва ушлаб туришнинг фақат суд қарорига асосан амалга оширилиши (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-м.);

– фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига қарши чиқувчи сиёсий партиялар ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини тақиқлаш (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-м.);

– мажбурий меҳнатни тақиқлаш (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-м.);

– инсонларга қийноқ, зўравонлик ёки шафқатсиз муомалада бўлишни тақиқлаш.

2. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўсқинликларсиз амалга оширишларини таъминлаш бўйича давлат органлари, мансабдор шахслар ва бошқа субъектларнинг мажбуриятлари (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 43- м.).

3. Фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун махсус мўлжалланган ҳуқуқлари мустаҳкамланган нормалар (шикоят қилиш ҳуқуқи, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ва бошқ.)

4. Фуқаро ҳуқуқларининг бузилиши учун юридик жавобгарлик.

5. Тегишли давлат ва жамоат органлари, мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишга қаратилган ҳамда ҳуқуқий аҳамиятга эга фаолияти:

– қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш (прокуратура);

– инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш (суд).

Дунёнинг турли мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг турли хил механизмлари мавжуд. Ҳозирги кунда дунёда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро тизими шаклланган бўлишига қарамасдан, бундай ҳимоянинг самарадорлиги, аввало, давлатнинг ички механизми қай тарзда қурилганлиги ва ишлаши билан белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳуқуқий кафолатларнинг ташкилий қисмлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, фуқаронинг ҳуқуқий мақомини таъминлашга қаратилган ягона тизимни ташкил этади. Ҳар бир воситанинг самарадорлиги маълум даражада уларнинг ўзаро таъсирига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадларида фаол ишлатилишига боғлиқдир. Албатта, бу тизимда ҳаммаси

ҳам мукаммал эмас. Ҳуқуқий негизни янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар фаолиятининг профессионализмини янада ошириш лозим. Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикасида қонунийликка ва фуқаролар ҳуқуқларига риоя этиш устидан назоратни таъминлаб берувчи давлат органларининг бутун тизими инсон ҳуқуқлари бўйича миллий, давлатнинг ички муассасалари билан тўлдирилди.

## 4.3. Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида Вена декларацияси ҳамда Ҳаракат дастури асосида инсон ҳуқуқлари бўйича қуйидаги миллий институтлар ташкил этилди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқ ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) инсон ҳуқуқларига оид мавжуд қонунчилик устидан унинг бажарилиши борасида назорат функцияларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди ҳамда ўзига берилган ваколатлар ва воситалар асосида нафақат бузилган ҳуқуқларни тиклайди, балки шу соҳадаги қонунчиликнинг такомиллашишига ҳам ҳиссасини қўшади.

Ушбу органнинг устувор вазифаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла ҳимоялаш ва самарадорлигини ошириш, давлат органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида юзага келган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳисобланади.

Ҳозирги даврда дунёдаги кўплаб мамлакатларда 100 дан ортиқ омбудсманлар фаолият олиб бормоқда. Баъзи мамлакатларда омбудсман, айримларида воситачилар (медиаторлар), бошқаларида парламент қошидаги вакил, Ўзбекистонда эса инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) деб номланади.

Хорижий мамлакатлар тарихи ва амалиётида омбудсманнинг икки тури мавжуд: парламент омбудсмани (Швеция, Буюк Британия ) ва ижроия ҳокимият омбудсмани (АҚШ, Франция, Канада).

Кўплаб мамлакатларда ижтимоий ночор аҳоли қатламларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бола ҳуқуқлари, ҳарбийлар, касаллар масаласи бўйича ихтисослашган омбудсманлар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатга эга орган (омбудсман) инсон ҳуқуқлари бўйича холис ёрдам берувчи яъни: норасмий, тезкор, бепул ҳаракат қила оладиган малакали орган сифатида фаолият олиб борувчи мансабдор шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси омбудсманининг асосий вазифаси давлат органлари маъмурияти фаолиятининг тўғри ва адолатли ҳаракат қилишини таъминлашдан иборат. Омбудсман фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади ва уларнинг қонун ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳимоя қилиниши, тегишли давлат органларида кўриб чиқилишига ҳаракат қилади.

*Ўзбекистон Республикаси омбудсманининг фаолияти, ваколати ва ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинган.*

*1996 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилди.*

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида умум эътироф этилган принциплари ва меъёрларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат сиёсатини амалга ошириш борасида давлатга қарашли таҳлилий, маслаҳат берувчи, идоралараро мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Ушбу Марказ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоқадор бўлган барча давлат ва нодавлат органларининг фаолиятини тартибга солиш мақсадида ташкил этилган.

Марказ инсон ҳуқуқларининг миллий ва халқаро ҳимоя қилиниши ҳамда таъминланишининг турли нуқтаи назарларини ўрганади. БМТнинг конвенциявий органларига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида миллий маърузалар тайёрлайди. Илмий ташрифлар, семинарлар, маърузаларни ташкиллаштиради. Инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув дастурлари яратилишида ва унинг амалга оширилишида ўз ҳиссасини қўшади. Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва тарқатади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

ташкилотлар ва халқаро марказлар билан техник ҳамкорлик ва ахборот алмашувини ривожлантиришда кўмаклашади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминлашда ҳамда жамиятни демократлаштиришда техник масалаларга ёрдам берувчи халқаро агентликларнинг фаолиятини тартибга солади. Инсон ҳуқуқлари бузилиши масалалари борасида аҳолидан мурожаат ва шикоятларни қабул қилади ва кўриб чиқади.

Марказнинг асосий мақсади – ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш кўп тармоқли тизимининг комплекс тартибда биринчи даражали масалаларини ҳал этиш – инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий дастур ишлаб чиқиш ва татбиқ этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти қонунчилик устидан мониторинг олиб борувчи, қабул қилиниши керак бўлган қонунларни экспертизадан ўтказувчи илмий-экспертиза ҳамда тадқиқот олиб борадиган тизим ҳисобланиб, давлат раҳбарининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашади. Ушбу институт фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотлар жараёнини, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципининг ҳаётга изчил татбиқ этилишини тизимли таҳлил қилиш, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг мустақиллиги ва эркинлигини кучайтириш, уларнинг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини, улар ўртасида мувозанатни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғини ислоҳ қилиш ва демократлаштириш масалаларини комплекс ўрганиш, айрим ҳокимият ваколатлари ва функцияларини марказий давлат ҳокимияти органларидан, ҳукуматдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари, жойлардаги депутатлик гуруҳларининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини чуқур ўрганиш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришдаги, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан самарали парламент, депутатлик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– жамиятда демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омили сифатида суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш жараёнларини комплекс таҳлил қилиш, судни инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза ва ҳимоя этишга хизмат қиладиган давлатнинг том маънодаги мустақил институтига айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг самарали тарзда, келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини тизимли ўрганиш, ушбу тажрибадан глобаллашув шароитида жаҳонда рўй бераётган демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат қурилиши тизимида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида ихтисослашган органдир. Бошқарманинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

инсон ҳуқуқлари ва унга амал қилиш соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд қонунчиликни мукаммаллаштириш;

Конституция ва қонунлар билан белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари бўйича қонунларга амал қилишни таъминлаш.

Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бошқармаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишда турли тадбирларни ишлаб чиқади. Жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташвиқотлар олиб боради. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда қатнашувчи адвокатлик тизимининг ролини кучайтиришга кўмаклашади ҳамда фуқаролик жамияти институтларини тузишга ва уларнинг ҳуқуқий асосини кучайтиришга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда иш олиб боради.

2008 йилда эса Ички ишлар вазирининг буйруғи асосида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ташкил қилинган.

*Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:*

– инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

– ички ишлар органларида давлат ҳуқуқий сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

– ички ишлар органлари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, ҳисобини юритиш;

– оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда Ички ишлар вазирлиги ва тизимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижобий фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш.

Ўзбекистондаги ижтимоий ночор болалар масаласи бўйича Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил топган бўлиб, у болаларнинг ижтимоий ҳимоясини баҳолаш ва мониторинг қилиш, ижтимоий ночор болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва таҳлил этиш билан шуғулланади.

Мамлакатда давлат органлари билан яқин алоқада бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг алоҳида турларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича бир қатор нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази нодавлат муассаса бўлиб, омма фикрини ўрганиш билан биргаликда, уларнинг республиканинг сиёсий ва маданий ривожланиши, фуқароларнинг ижроия, суд ҳокимияти ҳамда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида тузилган янги тузилмаларга нисбатан муносабатини ўрганади.

Кўп миллатли мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги 10-сонли қарори асосида Республика байналмилал маданий маркази ташкил этилди. Марказ барча маданий марказларга амалий ва методик жиҳатдан ёрдам бериш билан биргаликда, мамлакатда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар вакилларининг эҳтиёжларини қондиришда ўз кўмагини кўрсатади. Марказда 33 нафар ходим фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида ваколатга эга бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича орган (омбудсман), Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ вазифалари ва мақомидаги тафовутларнинг таҳлили бир-бирининг мустақил, шу билан бирга, бир-бирини тўлдириб борувчи

фаолияти уларнинг ҳақиқий шерик эканлигини кўрсатади. Уларнинг барчаси кенг маънода инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда иштирок этади. Ўз фаолияти билан улар жамиятдаги бирдамликни сақлаб қолишга, давлатдаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга ёрдам берадилар ва шу билан инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга ҳамда уларни ҳимоя қилиш орқали миллий тараққиётга ўз ҳиссасини қўшади.

## 4.4. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмининг умумий таснифи

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларининг халқаро механизми негизида, инсон мазкур соҳада давлатлараро тадбирлар муносабатларини ўз ичига олади. Улар инсон ҳуқуқларининг бузилиши бўйича келиб тушган хабар, мурожаатлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби, усуллари, текширув ўтказиш ҳамда қабул қилинган қарорлар тўғрисида тавсиялар беришдан иборатдир. Халқаро механизм инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнини назорат қилувчи муайян ташкилий тузилмалар (инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро судлар, қўмиталар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар, махсус маърузачилардан иборат халқаро ташкилотлар)ни ўз ичига олади. Бир назорат қилувчи орган доирасида турли процедуралардан фойдаланиш мумкин. У ёки бу назорат қилувчи орган таркибига кирувчи шахслар муайян давлат вакили бўлиши мумкин, аммо кўпинча мустақил шахс сифатида фаолият юритадилар, яъни улар (судьялар, махсус маърузачилар, экспертлар) ўз давлатларидан топшириқ олмайдилар ва фаолиятлари бўйича давлатлари олдида жавобгар эмасдирлар.

*Инсон ҳуқуқлари ва шахсий ҳаётни муҳофаза қилиш бўйича халқаро процедураларни ахборот тўплаш услублари ва манбаларига кўра қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:*

**биринчидан,** давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маърузаларини халқаро ташкилот ёки бошқа органларда кўриб чиқиш;

**иккинчидан,** давлатларнинг бир-бирига нисбатан бундай мажбуриятларининг бузилиши бўйича тушган ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

**учинчидан,** у ёки бу давлат томонидан индивидуал тартибдаги шикоятлар, алоҳида шахслар, гуруҳлар ва нодавлат ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилиши борасида берилган аризаларни кўриб чиқиш;

**тўртинчидан,** инсон ҳуқуқлари ва шахсий ҳаётни муҳофаза қилиши бўйича юз бериши мумкин бўлган қонунбузарликларни ўрганиб чиқиш.

Халқаро назорат механизмлари, одатда, консенсус ёки кўпчилик овоз бериш йўли билан ўз қарорларини қабул қилувчи жамоавий органлардан иборат. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа суди қарорлари мажбурий хусусиятга эга бўлса, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг Конвенция ва тавсиялар қўмитаси қарорлари тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, бу қарорлар ҳам Ижроия Кенгаши томонидан маъқулланиши талаб этилади.

*Универсал халқаро ташкилотлар ичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ ва унинг органлари алоҳида ўрин эгаллайди.* БМТ Бош Ассамблеяси бир неча маротаба бу борада резолюциялар қабул қилган, унинг роли «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни қабул қилишда, 1966 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича пактларни ишлаб чиқишда, айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шахсий ҳаётни муҳофаза қилиш масаласи Бош Ассамблеянинг Гуманитар масалалар бўйича резолюциялар лойиҳасини тайёрловчи Учинчи қўмитасининг ваколатига киради. БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича кенгаши ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилади.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар бир ижтимоий соҳада қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи ихтисослашган муассасалари (ХМТ, ЮНИСЕФ, ХССТ, ЮНЕСКО)нинг фаолияти ва ҳужжатлар»ини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартларни тасдиқловчи минтақавий ташкилот Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳужжатларига биноан ҳар бир давлат «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаши ва ривожлантириш ҳуқуқига эга, улар қабул қилган қонунлар, маъмурий қоидалар ва сиёсати уларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ келиши керак».

Ниҳоят, ЕХҲТнинг 1991 йилги Инсонийлик мезонлари бўйича Москва конференцияси ҳужжатида қуйидагилар белгилаб қўйилган: «инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия, қонун устувор-

лигига тааллуқли масалалар халқаро хусусият касб этади... ва бу тегишли давлатларнинг фақатгина ички ишлари бўлиб қолмайди». Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш институти легаллаштирилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва давлат ички ҳимоя қилиш функциялари қуйидагича фарқланади: инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар халқаро даражада ишлаб чиқилади ва назорат органлари уларга риоя этилиши устидан фаолият юритади, давлат миллий даражада эса, ўзининг қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштиради ва уларнинг бажарилишини кафолатлайди.

1965 йилда БМТнинг Ирқий камситишларнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенцияси қабул қилингандан бошлаб, халқаро назорат органлари инсон ҳуқуқлари бўйича универсал конвенцияларда зарурий таркибий тузилмаларга айланди. Конвенциялар базасида ташкил этилган халқаро назорат органлари (Ирқий камситишларни тугатиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Қийноққа қарши қўмита, Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита)га давлатлардан уларнинг қонунчилиги конвенция қоидаларига мувофиқ келиши тўғрисида ахборотларни даврий равишда тақдим этилишини талаб этиш ваколати берилди. Айримларига эса конвенцияларда кўзда тутилган давлатнинг давлатга нисбатан инсон ҳуқуқларини бузиши, фуқаронинг давлатга нисбатан индивидуал шикоятини кўриб чиқиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича давлатларга тавсияномалар ишлаб чиқиш ваколатига эга бўладилар.

Минтақавий конвенцияларда, конвенция қоидалари бузилган тақдирда, давлатнинг давлатга нисбатан ва индивиднинг давлат устидан берадиган шикоятини кўриш ҳуқуқи бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича судни ташкил этишни назарда тутиб, янада самаралироқ механизм яратилди. Қайд этиш кераки, ушбу суднинг қарорлари давлат учун мажбурий ҳисобланади.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизми мавжудлиги давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қўшимча кафолатларни яратишга қаратилгандир.

Умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича халқаро механизмнинг яратилиши бу соҳада халқаро тартибга солишда эришилган энг катта ютуқлардан биридир.

## 4.5. Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш механизми бўйича БМТ таркиби

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ тизимига нафақат унинг Низомида кўрсатилган асосий ва ёрдамчи органлар, балки улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ҳам киради.

Халқаро органлар фаолияти ва уларни мувофиқлаштириш БМТ тизими умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида ҳамкорлик қилишда катта аҳамиятга эга. Бу шуниси билан ҳам муҳимки, мазкур муаммонинг кўп жиҳатлари халқаро ҳуқуқ ва давлат ички (миллий) ҳуқуқининг ўзаро тўқнашувида жойлашиб ҳуқуқнинг турли соҳаларига тегишли бўлади.

БМТ тизимида умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва халқаро ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи бўлинмаларнинг тармоқлашиб кетган тузилмаси шаклланган ва фаолият кўрсатмоқда. Умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича БМТ тизимидаги орган ва ташкилотларнинг вазифалари ҳамда ваколатларига қуйидагилар киради:

**биринчидан,** инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

**иккинчидан,** инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлар қабул қилган ўз мажбуриятларини амалиётда қўллаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш;

**учинчидан,** инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиш ва ахборот етказиш.

БМТ тизимидаги барча органлар − Низомида назарда тутилган ёки ёрдамчи органлар инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар билан у ёки бу доирада шуғулланади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи алоҳида органларини батафсил кўриб чиқамиз.

*Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизми қуйидагиларни ўз ичига олади.*

− БМТ Уставида кўрсатиб ўтилган органлар;

− БМТнинг конвенциявий органлари;

− махсус процедуралар;

− БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари.

*БМТ Уставида назарда тутилган органларга:*

− БМТ Бош Ассамблеяси;

− Хавфсизлик Кенгаши;

– Бош Ассамблеянинг Гуманитар ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи Учинчи қўмитаси;

– Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш;

– БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашини киритиш мумкин.

БМТ Уставининг 13-моддасига мувофиқ, Бош Ассамблеянинг асосий функцияларидан бири «иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро ҳамкорликка ва ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам бериш»дан иборатдир. Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларнинг катта қисмини гуманитар ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи Учинчи қўмита кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Бош Ассамблея ваколатлари «ratione vateriae», яъни деярли чекланмагандир. БМТ Уставининг 10-моддасига мувофиқ, Бош Ассамблеянинг ваколатига «мазкур Низом доирасида ҳар қандай масала ёки ишни муҳокама қилиш» ва бу борада аъзо давлатларга таклифлар бериш киради.

Ҳуқуқий жиҳатдан Бош Ассамблея томонидан инсон ҳуқуқлари ва бошқа соҳаларда қабул қилинадиган тавсияномалар БМТ Уставига биноан, Ташкилотнинг аъзо давлатлари учун юридик мажбурий ҳисобланмайди. Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, Бош Ассамблея резолюциялари БМТ Уставининг 55 ва 56-моддаларига биноан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилишда аъзо давлатларнинг умумий мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда катта нуфузга эга. Бош Ассамблея тавсияномалари, айниқса, агар бу тавсиянома бир овоз билан консенсус асосида ёки «қарши» овозсиз қабул қилинса, ўта таъсирчан бўлади. Бош Ассамблеянинг резолюциялари, барча давлатлар учун мажбурий инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг муайян принциплари ва нормалари мавжуд эканлигидан гувоҳлик беради. БМТ фаолиятини бошлагандан буён 1948 йилги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» эълон қилинганлиги тўғрисидаги резолюция билан биргаликда кўплаб резолюциялар қабул қилган.

Шунингдек, Бош Ассамблеянинг резолюциялари эркаклар ва аёлларнинг айниқса, сиёсий ҳуқуқлари борасида тенглиги, касаба уюшмалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш масалаларига дахлдордир. Охирги икки масала Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг ваколатига тааллуқли ҳисобланиб, Бош Ассамблея уларни БМТ ихтисослашган ташкилотининг илтимосига кўра ва у билан ҳамкорликда кўриб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз функцияларини амалга ошириш учун Бош Ассамблея БМТ Уставининг 22-моддасига мувофиқ, заруратга қараб, турли ёрдамчи органлар тузиши мумкин. Улардан айримлари **ad hoc** шаклида тузилиб, бошқалари эса ўз хусусиятига қараб, доимий равишда тузилади ёки узоқ муддат фаолият кўрсатади.

Бош Ассамблея 1993 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги резолюциясини қабул қилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бош котиб томонидан тайинланади ва унинг ўринбосари ҳисобланади.

Хавфсизлик Кенгаши – БМТнинг шундай органики, БМТ Уставининг 24-моддасига кўра, унга халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш бўйича асосий масъулият юклатилган. БМТ фаолиятини инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини оммавий ва қўпол равишда бузилишини бартараф этиш учун ҳам янада фаоллаштириш зарур. Чунки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун хавф, рахна солади ва халқаро миқёсдаги жиноий қилмиш ҳисобланади. БМТ Уставининг VII бўлимига биноан, бундай ҳуқуқбузарликни йўқ қилиш учун чоралар қўллаши мумкин ва шартдир. Бироқ куролли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ чоралар давлатлар томонидан якка тартибда ва фақат БМТ номидан Хавфсизлик Кенгаши қарори асосида қўлланилади. БМТнинг ҳар бир аъзоси Хавфсизлик Кенгаши ёки Бош Ассамблеяга ҳар қандай низо ёки вазият тўғрисида, тинчлик ва халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи вазиятни бартараф этиш (БМТ Устави 35-моддаси, 1-банди) учун бирор-бир чора кўришни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Хавфсизлик Кенгашининг инсон ҳуқуқларининг жиноий бузилишини бартараф этиш бўйича санкцияларни қўллаш тўғрисидаги қарори БМТнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга (ЭКОСОС) БМТ Уставининг 62-моддасига биноан, «барча учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилишни рағбатлантириш мақсадларида тавсиялар қилиш» ваколати берилган. У Бош Ассамблеяга тақдим этиш учун инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялар лойиҳаларини тақдим этиши ва халқаро конференциялар чақириши мумкин. БМТ Уставининг 68-моддасига биноан, Кенгаш «иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ва инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича комиссиялар тузади». Кенгашга инсон ҳуқуқлари масалаларида ёрдам кўрсатиш мақсадида ЭКОСОС: Инсон ҳуқуқлари ва аёллар аҳволи бўйича комиссиялар ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитани таъсис этди.

ЭКОСОС ўз фаолиятини сессиялар бўйича қўмиталари – Иқтисодий, Ижтимоий ва Мувофиқлаштирувчи қўмиталари ёрдамида амалга оширади. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳужжатларни Ижтимоий қўмита тайёрлайди. Унинг маърузалари ЭКОСОСнинг ялпи йиғилишларида тасдиқланади.

Бундан ташқари, дунёнинг барча ҳудудларида БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланувчиларнинг аҳволи масалалари бўйича ихтисослашган вакили бор.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ва Бош Ассамблеясига юқорида қайд этилган махсус органлар томонидан тақдим этиладиган маърузалар очиқ сессияларда муҳокама қилинади ва Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг мазкур масалалар бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишида муҳим элемент ҳисобланади.

БМТ Уставида кўрсатиб ўтилган органларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бевосита ёки билвосита шуғулланувчи БМТ Бош Ассамблеясини, унинг гуманитар ва ижтимоий масалалар бўйича Учинчи қўмитасини, шунингдек БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашини ҳам киритиш мумкин.

БМТ тизимида Бош Ассамблея асосий тузилмалардан бири бўлиб, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш соҳасида катта ваколатларга эга орган ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур органлар фаолиятининг энг муҳим бўлган йўналишларидан бири инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга оширишга ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар соҳаларда, шунингдек маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро ҳамкорликка кўмаклашишдир.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида мазкур орган билан ҳамкорлиги Бош Ассамблеянинг ижтимоий ва гуманитар масалалар билан шуғулланувчи Учинчи қўмитаси орқали амалга оширилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим, ўлим жазосини бекор қилиши, инсон ҳуқуқлари бўйича тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни рағбатлантириш тўғрисидаги ташаббусларни илгари суриб ва қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг йиғилишларида, фаол иштирок этмоқда.

БМТ Уставида назарда тутилган органлар орасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш (ИҲК) кўпроқ қизиқиш уйғотади. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш БМТнинг дискриминацияга учраган ва сиёсийлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ўрнини эгаллаган бўлиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 15 мартдаги 60/251-резолюциясига биноан

таъсис этилди. Мазкур ҳукуматлараро орган йилда уч марта Женева шаҳрида йиғилади ва БМТга аъзо давлатлар орасидан 3 йил муддатга сайланадиган 47 аъзодан иборат таркибга эга. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш – тенгсизликни, камситишларни бартараф этиш, нисбатан заиф ҳимояланган гуруҳлар ҳуқуқларининг таъминланиши учун тузилган органдир.

Кенгаш ўз ишини бир неча йўналишларда амалга оширади:

– универсал даврий таҳлил;

– махсус процедуралар;

– шикоятлар бўйича процедуралар.

60/251-резолюцияга биноан, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга қуйидаги ваколатлар берилган: «Ҳар бир давлат томонидан, унинг фаолиятининг универсаллиги ҳамда барча давлатларга нисбатан тенг муносабатда бўлишини таъминлаб бериши мумкин усуллар билан ўз мажбуриятларини амалга ошириши бўйича объектив ва ишончли ахборотларга асосланган Универсал даврий таҳлилни ўтказиш. Таҳлил манфаатдор давлатни, унинг имкониятларини мустаҳкамлаш мақсадида эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, ўзаро мулоқотга тўлиқ жалб этишга асосланган ҳамкорлик механизмидир. Бундай механизм шартномавий органлар ишларини такрорламайди, балки тўлдиради».

Универсал даврий таҳлил – янги жараён бўлиб, унга кўра, 2008 йилдан бошлаб БМТнинг барча 192 аъзоси ҳар тўрт-беш йилда ундан ўтишлари керак. Ўзбекистон Республикаси 2008 йил декабрда Универсал даврий таҳлилга Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 3-сессиясида ўз маърузасини тақдим этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича резолюцияга кўра, кўриб чиқишга асос бўлувчи ҳужжатлар қуйидагилардир:

**биринчидан,** манфаатдор давлат томонидан миллий маъруза шаклида тайёрланган маълумот, шунингдек ушбу давлатга тегишли ёзма ёки оғзаки тарзда тақдим этиладиган маълумотлар;

**иккинчидан,** Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси томонидан тайёрланган конвенциявий органлар маърузалари, махсус жараёнлар манфаатдор давлатнинг таҳлил ва шарҳлари ва БМТнинг тегишли ҳужжатларига асосланган қўшимча маълумотлар;

**учинчидан,** универсал даврий таҳлил бошқа органлар томонидан тайёрланган қўшимча маълумот, ўз навбатида, Кенгаш томонидан кўриб чиқилиши давомида ҳисобга олиниши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси томонидан ягона ҳужжат ҳолига келтирилиши лозим. Бу органлар ўз ичига нодавлат ташкилотлар,

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, илмий муассасалар ва тадқиқот институтлари, минтақавий ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларини қамраб олади.

Универсал даврий таҳлилнинг жараёнлари сиёсийлашмаган ва таҳлил асосида қабул қилинувчи қарорлар объектив холис ёндашувни фикрлар хилма-хиллигини эътиборга олиши ва конвенциявий органларнинг такрорламаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш фаолиятининг бошқа шакли – «махсус процедуралар – БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссияси томонидан таъсис этилган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш томонидан давом эттирилган, алоҳида давлатдаги вазиятга ёки Мавзу бўйича барча давлатларга қаратилган механизмларга берилган умумий номдир». Ҳозирги кунда 28 та Мавзуга оид ва 10 та мамлакат бўйича мандатлар мавжуд.

Бугунги кунда қуйидаги мавзулар борасида махсус маърузачилар мавжуд:

– қийноқлар;
– ноқонуний қатл этиш;
– эътиқод эркинлиги;
– ёлланма аскарлар;
– болалар савдоси;
– ирқчилик ва ксенофобия;
– сўз эркинлиги;
– суд ҳокимиятининг мустақиллиги;
– аёлларга нисбатан куч ишлатиш;
– заҳарли чиқиндилар;
– мигрантлар ҳуқуқлари;
– яшашнинг қониқарли шартлари;
– овқатланиш ҳуқуқи;
– таълим ҳуқуқи ва бошқ.

Мандатларга эга мандатарийлар, одатда, мандат бўлган мамлакатларни, алоҳида мамлакат ёки ҳудудларда инсон ҳуқуқлари бўйича ёки бутун дунёда инсон ҳуқуқлари бузилишининг умумий вазиятига нисбатан Мавзуга оид мандатлар вазиятни кўриб чиқиш, мониторинг ўтказиш, маслаҳатлар бериш ва маърузаларини чоп этишга чақиради. Махсус процедуралар томонидан индивидуал шикоятларга жавоб бериш, тадқиқотлар ўтказиш, мамлакатларга оператив техник ёрдам бериш ва умумий тадбирларга жалб этиш каби турли фаолиятлар амалга оширилади. Индивидуал ёки ишчи гуруҳ, одатда (улар «мах-

сус маърузачи», «Бош котиб қошидаги махсус вакил», «Бош котиб қошидаги вакил ёки мустақил эксперт» деб аталади) беш аъзодан (ҳар бир минтақадан биттадан) иборат бўлади. Махсус процедуралар мандатлари уларни ташкил этувчи алоҳида резолюция билан белгиланади. Махсус процедуралар бўйича мандат эгалари шахсан иштирок этадилар ва ўз ишлари учун ҳеч қандай пул маблағлари ёки маош олмайдилар.

Махсус процедуранинг асосий фаолиятига инсон ҳуқуқлари бузилиши юзасидан маълумотларни олиш ва мамлакатларга ҳолат юзасидан тушунтириш берилишини сўраб, тезда сўровнома ва хат жўнатиш киради.

Мандат иштирокчиларининг миллий даражада инсон ҳуқуқлари бўйича ҳолатларни текширишлари учун мамлакатга ташрифи юзасидан розилик сўралади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (ИҲОКБ) ҳар хил жараёнларда вазифа бажарадиган турли ташкилот ва муассасаларда хизмат кўрсатадиган халқаро ходимлардан ташкил топади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Женевада жойлашган. Нью-Йорк шаҳрида унча катта бўлмаган бўлими ва дунё бўйича жойларда алоқада бўлиб туриш учун бир қанча ваколатхоналари бор.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг асосий вазифалари қуйидагилар:

**биринчидан,** Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ва унинг кичик комиссияларига хизматини тақдим этиш;

**иккинчидан,** Бош Ассамблея томонидан белгиланган текширув, назорат ва терговнинг турли процедураларини қўллаб-қувватлаш;

**учинчидан,** шартномалар ижроси таъминланишини назорат қилувчи органларга хизматлар тақдим этиш;

**тўртинчидан,** комиссия ёки кичик комиссиялар сўровномаси асосида инсон ҳуқуқларига бағишланган турли масалалар юзасидан текширув ишларини олиб бориш;

**бешинчидан,** миллий даражада инсон ҳуқуқларини имплементация қилишда давлатларни қўллаб-қувватлашлар (мутахассисларни тайёрлаш, юридик ёрдам ва маълумот алмашиш)ни амалга ошириш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқарма бошлиғи ҳисобланади.

1993 йилда Венада ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича II Бутунжаҳон конференциясида БМТ Бош Ассамблеяси биринчилардан бўлиб БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари лавозимини таъсис этиш юзасидан таклиф билдирди.

1994 йил Бош Ассамблея резолюция қабул қилди ва Олий комиссар бошқармасининг биринчи комиссари этиб *Хосе Айяло Лассо* (Эквадор) тайинланди.

Бош Ассамблея Олий комиссарни «БМТ фаолиятидаги инсон ҳуқуқлари бўйича масъул ва Бош котиб раҳбарлиги остидаги асосий мансабдор шахс» деб эълон қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланишига риоя қилиш, БМТ тизими доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича фаолиятга ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Марказ фаолиятини амалга оширишга масъулдир.

БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича иккита халқаро пакт ва тўртта конвенция асосида таъсис этилган БМТ конвенциявий органларининг фаолияти умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ва асосий функцияларидан бири давлатларнинг миллий маърузаларини кўриб чиқишдан иборат бўлган БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий органлари тизимининг пайдо бўлганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Улар ташкил этилгунга қадар Инсон ҳуқуқлари комиссиясининг тавсияси бўйича ЭКОСОСнинг 1965 йилги қарорига асосан, БМТ аъзолари Бош котибга ҳар йили у ёки бу ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича йиллик ҳисоботларни топширар эди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича икки халқаро пакт кучга киргандан сўнг, иқтисодий, ижтимоий, маданий, шунингдек фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда ахборот эркинлиги тўғрисидаги миллий ҳисоботларни тақдим этиш тизими бир қатор халқаро шартномаларда назарда тутилган янги процедуралар билан алмаштирилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита халқаро пактлар ва конвенциялар асосида ташкил этилган дастлабки назорат органларидан биридир. Халқаро шартномаларга риоя этишни назорат қилувчи функцияни мазкур орган билан бир қаторда, қуйидаги органлар ҳам амалга оширадилар:

− Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмита (1970);

− Аёлларга нисбатан камситишларни тугатиш бўйича қўмита (1982);

– Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита (1985);

– Қийноққа қарши қўмита (1988);

– Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита (1990);

– Меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита (2003);

– Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита.

Ушбу қўмиталарнинг таъсис этилишига юқоридаги пактлар ва конвенциялар юридик асос бўлиб хизмат қилди. ЭКОСОСга ёрдамчи орган сифатида таъсис этилган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита бундан мустаснодир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита 1977 йилда ташкил этилди. У 1966 йили қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари амалга оширилишини назорат қилади. Қўмита 18 нафар аъзодан иборат бўлиб, аъзо давлатлар уларни ўз фуқароларидан тайинлайди ҳамда ўз функцияларини шахсий таркибда амалга оширади.

1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга биринчи факультатив протоколга мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита унинг ваколатларини тан олган аъзо давлатлардаги содир этилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан келиб тушган хабар ва аризаларни кўриб чиқади.

Қўмита Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда эътироф этилган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши борасида юзага келган чоралар ва жараёнлар ҳақидаги миллий маърузаларни кўриб чиқишга ваколатлидир. Бундан ташқари, пактнинг факультатив протоколига кўра, уни эътироф этган 97 та давлат қўмитанинг, бу давлатлар устидан мазкур пактда баён қилинган ўз ҳуқуқларининг бузилганлиги бўйича индивидларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ваколатини тан олган.

Қўмита пактга аъзо давлатларнинг миллий ҳисоботларини кўриб чиқиш учун йилига уч марта йиғилади. Унинг сессиялари уч ҳафтагача давом этади ва қуйидаги тартибда: март–апрель ойларида БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида, июль, октябрь–ноябрь ойларида Женевадаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси қароргоҳида ўтказилади.

Пактни ратификация қилгандан бир ёки икки йил ўтгандан сўнг, давлат пактда эътироф этилган ҳуқуқларга риоя қилинишига оид миллий ҳисобот тақдим этиши шарт. Бу дастлабки маъруза батафсил

мазмунга эга бўлиши, хусусан, давлат ички ҳуқуқининг хусусияти ва тузилиши ҳамда аҳоли тўғрисида, шунингдек пактдаги ҳар бир қоиданинг амалиётда қандай амалга оширилаётганлигининг умумий таҳлили каби маълумотларни қамраб олиши керак. Ҳисоботларни тақдим қилишдан асосий мақсад – у ёки бу мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш. Ҳисоботларда нафақат амалдаги конституциявий қоидалар ва қонунлар, балки пакт қоидаларининг амалиётда қандай қўлланилаётганлиги ва давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасининг аҳволи тўғрисидаги далилий ҳолатлар ҳам қайд қилиниши керак.

Қўмита пактнинг факультатив протоколини ратификация қилган аъзо давлатларга нисбатан индивидуал шикоятларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Шикоят тегишли жабрланувчи ёки унинг томонидан бундай ҳаракатлар содир этиш ваколати берилган бошқа шахслар номидан берилиши шарт. Қўмита «халқаро судловда ёки халқаро процедурада кўриб чиқилаётган ишларни « кўриб чиқиш учун қабул қила олмайди. Индивидуал шикоятлар ёпиқ мажлисларда кўриб чиқилади. Шикоят қилиш учун лозим бўлган шартлар қуйидагилар:

– хабар аноним бўлмаслиги керак;

– хабарларни беришда ҳуқуқлардан фойдаланиш суиистеъмол қилинмаган бўлиши лозим;

– хабар Пактнинг қоидаларига мувофиқ келиши керак;

– ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг барча давлат ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлиши лозим.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг амалга оширилишини назорат қилади. Қўмита ўзининг биринчи сессиясини 1987 йилда ўтказган. У инсон ҳуқуқлари соҳасида эътироф этилган ва ўз хусусиятига кўра фаолият кўрсатувчи 18 вакилдан иборатдир.

Қўмита йилига икки марта Женевада май, ноябрь–декабрь ойлари бўлиб ўтадиган, 3 ҳафта давом этадиган сессияларга йиғилади. Унинг сессиялари жамоатчилик учун очиқдир. Ҳар бир сессияда бир ҳафталик ишчи гуруҳ фаолият юритади. Бу гуруҳ Қўмитанинг кейинги мажлисларида кўриб чиқиладиган ишларнинг қисқача рўйхатини тайёрлайди.

Қўмита иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мавжуд инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилишида қўлланилаётган тадбирлар борасидаги

аъзо давлатларнинг хабарларини кўриб чиқади. Давлатлар мазкур пактга аъзо бўлганидан сўнг икки йил ичида миллий ҳисобот тақдим этишлари керак ва ундан сўнг ҳар беш йилда даврий ҳисобот тақдим қиладилар.

Давлатларнинг миллий ҳисоботлари ҳамма учун очиқ ҳужжатдир. Улар очиқ мажлисларда кўриб чиқилади ва бу мажлисларда давлатлар ўзларининг ҳисоботларини тақдим қиладилар ҳамда улар қўмита аъзоларининг саволларига жавоб берадилар. Қўмита ўзаро мулоқот давомида пактнинг нормалари қандай қўлланилаётганлиги бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини яна қандай қилиб такомиллаштириш мумкинлигини аниқлаштиради. Қўмита сессиянинг охирги кунида хавотирланишга сабаб бўладиган асосий мавзулар муҳокамасининг якуни сифатида аъзо давлат учун таклиф ва тавсияларни ифодалаган хулосавий изоҳлар беради.

Миллий ҳисоботнинг муҳокамаси жараёнида фақат қўмитанинг аъзолари ва аъзо давлатнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Ноҳукумат ташкилотлар муайян давлатнинг ҳисоботи кўриб чиқилишидан олдин чақириладиган ишчи гуруҳнинг мажлисида ўзларининг хавотирларини ифодалашлари мумкин. ЭКОСОСнинг маслаҳатчиси мақомига эга ноҳукумат ташкилотлари ҳам пактда шакллантирилган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва эътироф этилишига муайян даражада ҳисса қўшишга сабаб бўлиши мумкин ҳисоботларни ва маълумотларни келтиришлари мумкин.

Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмита барча турдаги ирқий камситишларни бартараф қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг амалга оширилишини кузатиб боради. У аъзо давлатлар томонидан тўрт йиллик муддатга тайинланадиган 18 нафар вакилдан иборатдир.

Қўмита конвенция қоидаларининг бажарилиши борасида қабул қилинган чора-тадбирлар ва ушбу соҳада эришилган ютуқлар юзасидан аъзо давлатлар томонидан топширилган ҳисоботларни ўрганиб чиқади.

Қўмита конвенцияда эътироф этилган мажбуриятларнинг бажарилишига боғлиқ масалалар бўйича давлатлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни тартибга солиш ва алоҳида шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун доимий ишчи гуруҳлар ёки махсус келиштирувчи комиссиялар ташкил қилади.

Қўмита одатда, йилига икки марта йиғилади. Унинг сессиялари уч ҳафта давом этади: феврал-март ва август ойлари Женева шаҳрида ўтказилади. Аъзо давлатларнинг ҳисоботлари қўмита томонидан очиқ мажлисларда кўриб чиқилади.

Қўмита қуйидаги тўрта функцияни бажаради:

– ҳисоботларни кўриб чиқиш;

– олдини олишга йўналтирилган чоралар кўриш;

– ҳисоботни тақдим қилиш кечиктирилса, аъзо давлатда юзага келган вазиятни мажбурий тарзда кўриб чиқиш;

– индивидуал хабарлар бўйича фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқиш.

Миллий ҳисоботларни тақдим қилиш учун икки йиллик муддат ўрнатилган.

Қўмита ўз фаолияти юзасидан Бош Ассамблеяга ҳар йили ҳисобот бериб туриши керак ва аъзо давлатлар томонидан этилган миллий ҳисоботларни ўрганишга таянган ҳолда таклиф ва тавсияларни белгилаши мумкин.

Конвенциянинг 14-моддасида ўрнатилгандек, ўзларининг ҳуқуқлари бузилиши юзасидан алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳи қўмитага шикоят қилишлари мумкин. Бу вақтга қадар улар бу ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлатдаги мавжуд ички имкониятларнинг барча воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлишлари лозим.

Бироқ қўмита конвенция иштирокчиси ҳисобланадиган, аммо Қўмитанинг ваколатларини тан олмайдиган давлатларга нисбатан шикоятларни кўриб чиқиш учун қабул қила олмайди. Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган 156 давлатдан фақатгина 30 таси қўмитанинг конвенциянинг 14-моддасида ўрнатилган шикоятларни кўриб чиқишга қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини эътироф этганлар.

Қўмита конвенциядаги қоидалар ҳаётга татбиқ этилмаслигига оид вазиятлар бир давлатда кузатилса, иккинчи давлатнинг бунга доир шикоятини кўриб чиқиши керак.

Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш қўмитаси 1982 йилги Хотин-қизларга нисбатан барча кўринишдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга асосан тузилган. Қўмита 23 аъзодан иборат. Улар 4 йиллик муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Бу шахслар юксак ахлоқий фазилатларга ҳамда аёллар ҳуқуқлари соҳасида муайян билимларга эга бўлишлари шарт.

Қўмита сессияларида ўзининг аъзо давлатлар томонидан тақдим этилган ҳисобот ва ҳар қандай ахборотларни ўрганади. Бу ҳисоботларни кўриб чиқиш якунида қўмита таклиф ва тавсияларни, у, шунингдек конвенциядаги мажбуриятларни бажариш юзасидан аъзо давлатлар қўллаши мумкин умумий тавсияларни ҳам ишлаб чиқади.

1997 йилдан бошлаб қўмита йилига икки марта йиғилади. Унинг йиғилишлари уч ҳафта давом этади ва одатда, январь ва июль ой-

ларида ўтказилади. Қўмита ўз фаолиятини такомиллаштириш юзасидан 2001 йилдан бошлаб ўзининг йиғилишларини Женевада ҳам икки йилда бир марта ўтказадиган бўлди. Бу эса унинг бошқа шартномавий органлар ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан яқин ҳамкорлик қилишига имкон бермоқда.

Қўмитага конвенцияни бажариш давомида эришилган прогрессив жараёнларни таҳлил қилиш юклатилган. У ўз йиғилишларида давлатларнинг конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилганидан сўнг бир йил ичида тақдим қилган ҳисоботларини кўриб чиқади. Аъзо давлатлар бундан кейин ҳар тўрт йилда ҳисобот топшириши шарт. Ҳар йили қўмита ЭКОСОС орқали ўз фаолияти юзасидан Бош Ассамблеяга ҳисобот топширади. Қўмита аъзо давлатлар томонидан берилган миллий ҳисоботларни ўрганишга таянган ҳолда таклиф ва тавсиялар бериши мумкин. Давлатларнинг вакиллари ўз ҳисоботларини оғзаки тарзда баён қилишлари мумкин. Сўнгра бундан кейин экспертларнинг изоҳлари эшитилади ва саволларга жавоблар берилади. Қўмита сессиянинг якунида Бош Ассамблеянинг йиллик ҳисоботларида акс этадиган якуний фикр-мулоҳазаларни қабул қилиши лозим.

Қийноқларга қарши қўмита 10 нафар вакилдан иборат бўлиб, улар аъзо давлатлар томонидан сайланади. Улар Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид, қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни ратификация қилган давлатларнинг ҳисоботларини кўриб чиқадилар.

Қўмита миллий ҳисоботларни кўриб чиқиш, ўрганиш ва аъзо давлатларга йўналишлар бериш ҳамда Бош Ассамблеяга ўзининг фикр-мулоҳазаларини юборишдан ташқари, яширин тергов ўтказиш ваколатига ҳам эга. Давлат ҳудудида тизимли равишда қийноқлар қўлланилишига оид маълумотлар бўлса, қўмита аъзо давлатнинг розилиги билан жойларда тергов ўтказиши мумкин.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг биринчи йиғилиши 1991 йилда ўтказилган. Қўмита 10 вакилдан иборат. Унга бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун қўшилган давлатлар ўртасида доимий мулоқотни ташкил этириш вазифаси юклатилади.

Қўмита болаларнинг равнақига хавф туғдирувчи омилларни аниқлайди, аниқ муаммоларнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади. Муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган инсон ва молиявий ресурсларни сафарбар қилади. Бола ҳуқуқлари борасида жамиятнинг хабардорлик даражасини оширишга қаратилган тадбирларни ҳамда унинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган иштирокини кенгайти-

ришга оид чораларни қўллайди. Бу мақсадлар йўлида Қўмита мазкур соҳада фаол фаолият олиб борадиган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Қўмита 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади. Аъзо давлатлар Қўмитага Конвенциянинг доимо бажарилиши ва бола ҳуқуқларининг муҳофаза қилиниши борасида қабул қилган чора-тадбирларига доир ҳисоботлар тақдим қилади. Бу ҳисоботлар ошкор қилинади ва миллий даражада кенг тарқатилади.

## 4.6. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европадаги ва бошқа минтақавий халқаро ташкилотлар

Инсон ҳуқуқлари бўйича замонавий тизим Европада алоҳида ривожланиш босқичига эгалиги билан бирга, у ердаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг жамият ривожланиши билан тенг тараққий этганлиги умум эътироф этиладиган воқеликдир. Европа интеграциялашув жараёнлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш нормалари қонунчиликнинг янги тармоқларига сингдирилмоқда ва инсон ҳуқуқлари объектив таркибининг мураккаблашувига олиб келмоқда.

Европа минтақасида умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича кенг тармоқли тизим ишлаб чиқилган бўлиб, унга қуйидагилар киради:

– Европа Кенгаши доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
– Европа Иттифоқи доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
– ЕХҲТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

*Европа Кенгаши доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.* Европа Кенгаши 1949 йил Страсбургда 10 та давлат иштирокида тузилган Европадаги илк ҳукуматлараро ташкилотдир. Бугунги кунда ушбу тизим 43 та иштирокчи-давлатдан иборат бўлиб, шунинг, 18 таси Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидир.

Европа Кенгаши ўз фаолиятида плюралистик демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилига таянади.

Европа Кенгашининг учта ишчи органи бор: Парламент Ассамблеяси, Вазирлар Қўмитаси, Европанинг Маҳаллий ва ҳудудий ҳокимиятлар конгресси.

Европа Кенгаши ўз фаолиятида нодавлат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Нодавлат ташкилотлар инсон ҳуқуқларининг

бузилиши юзасидан Парламент Ассамблеяси ва Вазирлар Қўмитасига маълумот юбориши мумкин.

Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси (ЕКПА) маслаҳат вакиллик органи бўлиб, 291 нафар аъзодан иборат. У ҳар бир давлатнинг парламенти томонидан тайинланган Европа Кенгаши делегация аъзоларини тўплайди.

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирларидан ташкил топиб, Европада қабул қилинган конвенция ва келишувларни ҳамда давлатларга тегишли тавсияларни тасдиқлайди. Унинг қарорларини ҳукумат экспертлари ҳамда бошқа мутахассислар тайёрлайди.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ИҲЕС).** 1998 йил 1 ноябрдан бошлаб Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича янги тизим – ягона Европа суди ўз фаолиятини бошлади. Ушбу суднинг мақсади инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишдир.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси билан кафолатланган ўз ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобловчи ҳар қандай шахс Европа судига мурожаат қилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Вазирлар қўмитаси сингари конвенция нормаларига амал қилинишини кузатиб боради. Конвенция нормаларига мувофиқ Европа суди алоҳида шахслар томонидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш билан бир қаторда, давлат вакилларининг даъволарини ҳам кўриб чиқади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судида шикоятларни қабул қилиш шартлари қуйидагилар:

**биринчидан,** шикоятлар ҳар қандай жисмоний шахс, нодавлат ташкилот, алоҳида шахслар гуруҳи, шунингдек Европа кенгашига аъзо давлатлар томонидан берилиши керак;

**иккинчидан,** шикоят бирор давлат ёки унинг органининг ҳаракатлари устидан берилиши лозим;

**учинчидан,** шикоятда конвенцияда ёки унга қўшимча протоколда кўрсатилган инсон ҳуқуқларининг бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши лозим;

**тўртинчидан,** инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча ички имкониятларидан фойдаланиб бўлинган бўлиши керак;

**бешинчидан,** иш бўйича миллий ҳокимият органларининг сўнгги қарори чиққан кундан олти ойдан ортиқ муддат ўтмаган бўлиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига шикоятлар ё расмий тилда (инглиз ёки француз) ё бўлмаса, аъзо давлатнинг расмий тилида (шу жумладан, рус тилида) топширилади. Бироқ шикоят мақбул деб топиладиган бўлса, мурожаат қилувчининг барча ҳужжатлари суднинг расмий тилларидан бирида (инглиз ёки француз) тузилиши лозим. Суднинг барча қарорлари ёки ҳукмлари ҳам мазкур тилларда чиқарилади.

Нодавлат ташкилотлар шикоят беришни хоҳлаган шахс ёки шахслар гуруҳига маслаҳатлар бериши мумкин ва бугунги кунда буни самарали амалга оширмоқдалар. Улар бундан ташқари, бундай шахсларнинг қонуний вакиллари сифатида ҳам иштирок этмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг замонавий назорат механизми ўзида халқаро ва Европа ҳуқуқининг тараққий этувчи институтини ифодалайди. Шу жиҳатдан мазкур маънода, у Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг суд тизимига ўхшайди. Аммо ИҲЕСнинг ЕИ суд тизимидан асосий фарқи шундаки, ИҲЕС интеграциявий бирлашиш институтларидан бири ҳисобланмайди ва аъзо давлатларнинг ягона ҳуқуқий маконини шакллантириш мақсадини кўзламайди. ИҲЕСнинг мақсади шахснинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги даражасини ошириш ва индивиднинг ваколатлилигини кенгайтириш. Айнан шундай йўл тутиш назорат механизмини доимий ислоҳ этиш ва унинг самарадорлигини ошириш заруратини келтириб чиқаради.

ИҲЕС ваколатларининг эволюцияси инсон ҳуқуқлари мақоми ошишининг умумжаҳон тенденциясини акс эттиради.

ИҲЕС ўзининг ярим асрлик тарихи давомида мингга яқин ишларни кўриб чиқди. Унинг норма ижодкорлик фаолияти натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси нормалари ва унга қўшимча Протоколлар суднинг қарорларида қандай тушунтирилган бўлса, бугун шундай қўлланилмоқда.

*ЕХҲТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.* 1994 йилнинг охирига қадар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК) деб номланган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) – хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи умумевропа ташкилоти ҳисобланади. Унинг таркибига Ванкувердан Владивостоккача бўлган ҳудудда жойлашган 56 аъзо давлат киради. ЕХҲТ (ЕХҲК)-нинг ташкил этилишига 70-йиллардаги Европа давлатлари, АҚШ, Канада ҳукуматлараро кенгаши замин яратди. Кенгаш 1975 йил 1 августда 33 та Европа давлатлари, АҚШ ва Канаданинг сиёсий, иқтисодий ва

ижтимоий тизимларидан қатъи назар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликка интилишини ўзида акс эттирган Хельсинки Якунловчи актини имзолаш билан якун топди. Иштирокчи давлатлар инсонлар ўртасида алоқани ривожлантириш, ахборот алмашиш, таълим, маданият соҳасида алмашув ва ҳамкорлик қилиш йўли билан тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик учун кўмаклашишга қарор қилдилар. БМТ Уставининг VIII бобига мувофиқ минтақавий келишув ҳисобланувчи ЕХҲТ Европа ўз ҳудудида низоларнинг аввалдан олдини олиш, бартараф этиш, инқирозларни тартибга солишда бош восита сифатида ташкил этилган. ЕХҲТнинг хавфсизликни таъминлашга ёндашуви кўп томонлама хусусият касб этади ва ҳамкорликка асосланади.

ЕХҲТ фаолиятида қатнашувчи барча давлатлар бир хил мақомга эга, қарорлар эса консенсус асосида қабул қилинади.

ЕХҲТ алоҳида мавқега эга. Бир томондан, унинг доирасида қабул қилинаётган қарорлар кўпроқ юридик эмас, сиёсий-ҳуқуқий хусусият касб этади. Бироқ, бошқа тарафдан, ЕХҲТ халқаро ташкилот белгиларига эга: доимий органлар, доимий қароргоҳ ва муассасалар, ходимларнинг доимий таркиби, доимий молиявий ресурслар мавжуд.

ЕХҲТ қарорлари ва мажбуриятларининг кўпгина воситалари юридик тилда расмийлаштирилган, аммо уларни қўллашда халқаро шартнома ҳуқуқининг стандарт усуллари талаб этилади. 1975 йилги Якунловчи акт ҳам, ЕХҲТнинг кейинги учрашув ва кенгашларининг ҳужжатлари ҳам юридик жиҳатдан халқаро шартнома ҳисобланмайди ва давлатлар учун мажбурий хусусият касб этмайди. ЕХҲТнинг ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ манбалари бўлиб хизмат қилади, унинг принципларини ифодалайди, бироқ моҳиятига кўра, бу Европа конвенцияси ёки Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлардан фарқли равишда, суд жавобгарлигига тортиш имконини бермайдиган сиёсий (халқаро ҳуқуқий бўлмаган) мажбуриятлар, холос.

Женевада ЕХҲТнинг ярашув ва ҳакамлик судлари ташкил қилинди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ярашув ва ҳакамлик судлари тўғрисидаги конвенцияни имзолаган давлатлар ушбу судларга тааллуқли ишларни Ҳакамлик трибунали ёки Ярашув комиссияси доирасида кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин. 1999 йилда Доимий кенгаш ЕХҲТ раҳнамолиги остида Жанубий-Шарқий Европа барқарорлик пактини қабул қилиш тўғрисидаги қарорини чиқарди.

ЕХҲТ ҳужжатларининг юридик мажбурий кучга эга эмаслиги, асло унинг самарадорлигини камайтирмайди. Халқаро ҳуқуқда мазкур

Ташкилот томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар бошқалари каби муҳим аҳамиятини йўқотмаган. Бундан ташқари, ЕХҲТ Европада келишмовчиликлар пайдо бўлиши биланоқ, уларнинг олдини олиш, можароларни бартараф этиш, инқирозларни тартибга солиш ва можародан кейинги тикланишни амалга оширувчи ягона восита ҳамдир. Ушбу ҳолатлар ЕХҲТнинг Европадаги бошқа ташкилотлардан кўра самаралироқ ва мукаммалроқ эканлигини кўрсатади.

*Инсонийлик мезонлари бўйича ЕХҲТнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш механизми.* ЕХҲТ доирасида вақт ўтган сари такомиллашиб борадиган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва мажбуриятларни назорат қилувчи мукаммал механизм тизими яратилгани диққатга сазовордир. Унинг ўз вазифасини бажаришдаги амалиёти инсон ҳуқуқлари бўйича юридик жараёни кўриб чиқилган ҳужжатлардан кўзда тутилганлиги билан фарқ қилади. Хусусан, у мослашувчанлиги билан тавсифланади, лекин уни тизим самарадорлигига тенглаштириш мумкин эмас.

ЕХҲТ инсон омили тизими мониторингининг ихтисослаштирилган механизми «инсонийлик мезонлари механизми» номи билан машҳурдир. Ушбу механизм икки асосий элементдан иборат: Вена ва Москва механизмлари. Москва механизми аввалгисининг изчил ривожини ўзида мужассамлаштирган. Уларнинг иккаласи биргаликда инсон омили соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилувчи барқарор механизмни ташкил этади.

Тўртта босқичдан иборат Вена механизми негизига 1989 йилда Вена Якунловчи актининг қабул қилиниши билан асос солинган бўлса, унинг изчил ривожланишида Копенгагендаги Инсон омили бўйича конференция (1990), Москва (1991) ва Хельсинкидаги (1992) учрашувлар ҳам муҳим роль ўйнаган.

*Ҳозирги кунда мазкур механизм қуйидаги элементлардан иборат:*

**биринчидан,** инсонийлик мезонлари билан боғлиқ маълумотлар алмашинуви ва сўровномаларга жавоблар ЕХҲТ иштирокчи давлатлари ўртасида тез, яъни ўн кундан ошмаган муддатда амалга оширилишининг шартлиги;

**иккинчидан,** одатда, бу каби алоқаларнинг дипломатик йўллар орқали таъминланиши;

**учинчидан,** зарурат туғилганда, тарафларнинг таклифи билан иштирокчи давлатлар ўртасида инсонийлик мезонлари борасидаги масалаларни ҳал қилиш учун икки томонлама учрашувлар ташкил қилиниши;

**тўртинчидан,** мазкур учрашувларнинг вақти ва жойининг, иложи борича, тезроқ белгиланиши, яъни сўралгандан сўнг, бир ҳафтадан ошмаган муддатда ташкиллаштирилиши;

**бешинчидан,** икки тарафлама учрашувларда ЕХҲТ давлатлари, ўзаро истак билдириш ҳолатларидан ташқари, муҳокама Мавзусидан четга чиқмаслиги;

олтинчидан, бундай учрашувларни ўтказиш жойи учун Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИҲБ) қўл келади;

**еттинчидан,** ЕХҲТнинг иштирокчи давлатлари зарур деб топса, дипломатик йўллар ва ДИИҲБ орқали бу ёки бошқа ҳолат ва муаммолар бўйича бошқа иштирокчилар эътиборини жалб этиши мумкин;

**саккизинчидан,** ЕХҲТнинг иштирокчи давлатлари, зарур деб топса, ахборот алмашуви ҳақидаги маълумотлар ва ўзининг икки тарафлама учрашув натижасидаги расмий сўровномаларига жавоб бериши, шу жумладан, ҳар икки йилда ўтказиладиган кузатув конференциялари ва ижроия учрашувларидаги муайян вазият ва ҳолат ҳақида маълумотлар бериб ўтиши мумкин.

Вена механизми амалдаги доимий назорат тизими бўлиб, давлатлараро шикоятларни кўриб чиқиш процедурасини эслатади. Агар бирор-бир давлатга ушбу механизм доирасида ЕХҲТ давлати томонидан расмий сўров берилса, у жавоб беришга, шу билан бирга, икки томонлама учрашув ҳақидаги талабни қондиришга мажбур.

Вена механизмининг хусусиятларига қуйидагича ёндашиш мумкин:

*биринчидан*, инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларга риоя қилиш бузилганлиги исботланган тақдирда ҳам, мажбуриятларнинг бузилишига қарши санкциянинг йўқлиги;

*иккинчидан*, ЕХҲТнинг қарор қабул қилишида консенсусга келиш талаби консенсус принципидан келиб чиқиб, давлатнинг иродасига қарши ҳар қандай ҳаракат, агарда қарор унга тааллуқли бўлса ҳам тақиқланади. Шундай қилиб, Вена механизмининг самарадорлиги кўпинча сиёсатга боғлиқ.

Вена механизмининг кўзга кўринадиган камчилиги шундан иборатки, унда мустақиллик элементлари мавжуд эмас, механизм ҳукуматлараро даражада иш юритади. Бу камчилик 1991 йили Москвада бўлиб ўтган (ЕХҲТ) учрашувида бартараф қилинди.

Ушбу йиғилишда Вена механизми инсонийлик мезонлари доирасида мустақил экспертлар ва маърузачиларнинг миссиялари тизими билан тўлдирилган эди. Москва механизми, деб ном қозонган ушбу тизим жуда мураккабдир. У маърузачи ва экспертларнинг миссия-

ларини ташкил этадиган бешта бир-биридан мустақил ишлайдиган алоҳида процедурани ўз ичига олади. Улардан иккитаси Вена механизми билан боғлиқ: **биринчидан,** Вена механизмини қўллашнинг биринчи ёки иккинчи давридан сўнг ташаббускор давлат бошқа давлатга экспертларни чақиришни таклиф этиши мумкин, **иккинчидан,** агарда бошқа давлат буни бажаришдан бош тортса, ушбу ташаббусни яна ЕХҲТнинг бешта давлати қўллаб-қувватласа, ташаббускор давлат бошқа давлат истагига қарши экспертларни юбориш ҳуқуқига эга. Шундай тарзда Вена механизми доирасида инсонийлик мезонлари мажбуриятини бажармаслик ҳолатини мустақил экспертиза қилиш имконияти яратилади.

Москва механизми учта миссия ташкил қилишдан иборат процедурани ўз ичига олади. Вена механизми билан боғлиқ бўлмаган ушбу процедуралар қуйидагича: экспертлар миссиясини ЕХҲТ давлати томонидан ихтиёрий равишда таклиф қилиш; давлат раҳбарлари мажлисининг экспертлар ва маърузачилар миссиясини ташкил этиш ҳақидаги қарори; «ўта жиддий хавф» ҳолатларида маърузачиларнинг инсонийлик мезонлари қоидаларини бажариш учун «фавқулодда миссияси»ни ташкил қилиш. Ушбу миссиядаги мустақил экспертлар рўйхатдан танлаб олинади ва улар уч кишидан кам бўлмаслиги керак. Уларнинг ҳар бири ЕХҲТ давлати томонидан тайинланади.

Инсонийлик мезонлари соҳасида экспертлар ёки маърузачилар миссияларининг тизими ЕХҲТда шу кунгача мавжуд бўлган жиддий ҳукуматлараро назорат процедураларидан биринчи оғиш бўлди. Бундай миссияларнинг мандатлари қандай процедура асосида вужудга келганлиги билан фарқланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, экспертлар миссиясининг ваколатлари маърузачилар миссиясининг ваколатларидан кенгроқ. Маърузачилар миссиясининг ваколатлари асосан маълумот тўплаш ва маслаҳат бериш ёки муҳокама қилинаётган масалаларни ҳал этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар киритишдан иборат. Экспертлар миссиясининг асосий мақсади ЕХҲТ инсонийлик мезонига тааллуқли муайян масала ёки муаммони ҳал қилиш жараёнини осонлаштиришдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун улар маълумотлар тўплайдилар ва «мақсадга мувофиқ равишда манфаатдор томонлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш учун ўз офисларини ва воситачилик хизматларини тақдим этадилар». Фақат Давлат раҳбарлари мажлиси (ёки Доимий кенгаш) тегишли чора қўллаш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Бу ҳолда консенсус принципи қўлланилади.

Кўриб чиқилган инсонийлик мезонлари талабларига риоя қилишни назорат қилиш механизмидан ташқари бошқа процедура ва воситалар ҳам ишлаб чиқилган:

– инсонийлик мезонига тааллуқли ҳар қандай масала ЕХҲТнинг барча сиёсий органлари йиғилишларида, айниқса, Доимий кенгаш, Давлат раҳбарлари ва вазирлик органлари мажлислари ҳамда ЕХҲТ йиллик йиғилишларида муҳокама қилиниши мумкин;

– инсонийлик мезонлари масаласи ЕХҲТнинг, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича турли процедуралар ёки Берлин фавкулодда механизми каби, умумий механизмларга апелляция бериш йўли билан ҳал қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, ЕХҲТда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш механизмларининг йўқлигини таъкидлаш аҳамиятга эга. Аммо бу нодавлат ташкилотларнинг ЕХҲТ тизимларига мурожаат қилишлари ва у ёки бу давлатда инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолатда ЕХҲТ эътиборини жалб қилиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида кучларни бирлаштириш имкониятидан маҳрум этмайди.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) ва мамлакатлардаги нодавлат ташкилотлар ўртасида «алоқа ўрнатиш» иккита бўлим: сайловлар ва инсонийлик мезонлари бўйича бўлимлардан (демократияни ўрнатиш) ташкил топган ДИИҲБ орқали амалга оширилади.

Сайловлар бўйича бўлим сайловлар ўтказилиши кузатувларида ва миллий сайлов органларининг таъсис этилишида муҳим ўрин тутади. Мамлакатларнинг миллий ҳуқуқий институтларини ривожлантиришда техник ёрдам кўрсатади, инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳамда сайловларни ўтказиш соҳасидаги меъёрлар устидан кузатиш ишлари билан шуғулланувчи ЕХҲТ кузатувчиларини тайёрлаш билан шуғулланади.

Инсонийлик мезонлари бўйича бўлим (демократияни ўрнатиш) ЕХҲТ аъзо давлатларида нодавлат ташкилотларни шакллантиришга, демократия ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган аниқ дастурларни амалга оширади.

Бу икки бўлим ўз ваколатлари доирасида инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат қилади ва ёрдам беради.

ДИИҲБ мулоқотлар пункти ҳисобланиб, ЕХҲТнинг ихтисослаштирилган семинарларини ўтказишни таъминлайди. Икки йилда бир маротаба ўтказиладиган «инсонийлик мезонлари» масалаларига бағиш-

ланган ЕХҲТ музокараларини ва йилига бир марта ташкил этиладиган инсонийлик мезони бўйича семинарларни ўтказишда ташкилий ишларни амалга оширади.

Юзага келиши мумкин низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида алоҳида муҳим ролни Миллий озчилик бўйича Олий бош комиссар эгаллайди. Унинг ваколатига миллий озчиликлар билан боғлиқ вазиятларни таҳлил қилиш ва дастлабки босқичидаёқ мураккаб вазиятларни бартараф этиш ҳамда миллий озчиликларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш киради. У маслаҳатлар ва тавсиялар бериш орқали томонларни муросага келишга ундайди.

Ҳозирги кунда умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари давлат ички органлари ваколатлари доирасидан кенгроқ миқёсда қаралиб, бутун бир халқаро ҳамжамиятнинг умумий ишига айланган. Мазкур ҳуқуқларнинг тан олиниши ушбу давлатларнинг конституцияларда қайд этиб қўйилганлиги ёки қайд этилмаганлигидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг ички давлат ҳуқуқига нисбатан устуворлиги халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принципи сифатида эътироф этилади.

Европада умум эътироф этилган инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни тартибга солиш муайян нормалар ва институтлар тизими доирасида амалга оширилади. Бу индивиднинг қонуний ҳуқуқларини тартибга солувчи ва уларнинг Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи ҳамда ЕХҲТ доирасида миллий ҳуқуқдан ташқарида ўрнатилган нормалари ва принциплари мажмуи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари борасидаги Европача ҳуқуқи ўз хусусиятига кўра, суверенлик, федерализм, миллийлик принциплари, шунингдек умумий ва минтақавий ҳуқуқ нормалари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ҳисобланади. Унинг механизми ва тузилишига турли тартиблаштиришнинг ҳуқуқий режимлари ҳамда ҳимоя юрисдикциясининг турли даражалари хос.

Инсон ҳуқуқлари масаласи Ягона Европа ҳуқуқий маконини барпо этишнинг муҳим интеграциявий элементи ҳамда умумий платформасига айланган. Мазкур жараёнда Европа Иттифоқи ҳуқуқий тизими ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенциясини бир-бирига яқинлаштиришда Европа судларига муҳим ўрин ажратилган. Шу сабабли, Европадаги суд муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги муаммоси биринчи даражали масалалардандир. Мазкур муаммо эса ҳамкорлик ҳамда мувофиқлаштириш механизмини яратиш йўли орқали ҳал этилиши мумкин.

# 5-мавзу. ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ, ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ВА ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ

## 5.1. Қийноққа қарши конвенциянинг умумий тавсифи ва мазмуни

Барча учун қийноқ ва шафқатсиз муомала воқеликни ойдинлаштириш енгил бўлмаган вазифа бўлиб, гарчи уни қоралаш ва тақиқлаш барча давлатларда халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида қабул қилинган.

Кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига киритилган қийноқнинг мутлақо чекланиши тўғрисидаги халқаро қонунчилик шафқатсиз қийноқлар қўлланмаслигининг кафолати ҳисобланмайди.

Қийноқнинг ҳуқуқий тавсифи 1984 йилда БМТ томонидан қабул қилинган. Қийноқларга қарши конвенцияда таклиф қилинган ва барча иштирокчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган (Бош Ассамблеянинг 1984 йил 10 декабрдаги 39/46 резолюцияси давлатларнинг қўшилиши, ратификация қилиши ва имзолашлари учун очиқ тарзда қабул қилинди ҳамда 1987 йил 26 июнда кучга кирди). Ушбу Конвенциянинг 1-моддасида қийноққа қуйидагича таъриф берилган: «оғриқ ёки қўрқитиш давлат мансабдор шахси ёки бошқа расмий фаолият билан боғлиқ бирор шахс томонидан, улар режаси ёрдамида амалга ошириладиган, уларнинг айби ва бундай ҳаракатларга жим туришлари билан содир этиладиган маълум бир шахсга қасддан ундан ёки учинчи шахсдан маълумот олиш ҳамда унинг содир этган ҳаракати, учинчи шахс ёки у гумон сифатида кўрилаётган ишларда тан олдириш мақсадида кучли жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш, қўрқитиш, шунингдек камситиш сифатида тавсифланувчи, шахсни ёки учинчи бир шахсни қўрқитиш ҳамда мажбурлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат. Бундай ҳолатларга қонуний санкциялар натижасида ушбу санкциялар билан ўзаро боғлиқ бўлган ёки фавқулодда содир бўлувчи оғриқ ҳамда қўрқитишлар киритилмайди».

БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси қийноқнинг яна қуйидаги элементларини кўрсатиб ўтади:

– жисмоний ва руҳий қийнаш йўли орқали қасддан бўлган хатти-ҳаракат;

– муайян мақсадда амалга оширилган ҳаракат;

– давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий фаолият юритувчи шахси томонидан амалга оширилган ҳаракат.

Қийноққа қарши самарали курашнинг асосий жиҳатларини учта:

**биринчидан,** самарали қонунчилик асосини яратиш ва уни тўлиқ амалга оширишни таъминлаш, шунингдек қийноққа қарши курашиш кафолатларини белгилаб бериш;

**иккинчидан,** қамоқда сақланаётган шахснинг жойлашган жойини кўздан кечириш, у сақланаётган жойнинг мустақил мониторингини амалга ошириш бўйича назорат механизмларини, энг муҳими, миллий механизмларни ташкил этиш;

**учинчидан,** ички ишлар органлари, ЖИЭМ ходимлари, адвокатлар, судьялар, тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг доимий равишда касбий малакасини ошириб бориш.

Қийноққа қарши конвенциянинг халқаро ҳуқуқий муҳим аҳамиятга эга тавсифига, энг аввало, қуйидагилар киради:

– иштирокчи давлат қийноқни жиноят сифатида баҳолаши;

– қийноқни оқлаш учун «истисно ҳолатлар» ва «юқори турувчи шахснинг буйруғи»ни баҳона қилмаслик;

– қийноқ билан боғлиқ жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган шахс жойлашган иштирокчи давлат уни жиноят-процессуал жавобгарликка тортади ёки уни топшириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширади;

– бирор иштирокчи давлат ҳудудида қийноқни қўллаш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлган ҳолатларда, халқаро тергов ҳаракатларини амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;

– иштирокчи давлат ўз ҳудудида қийноққа қарши кураш мақсадида қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни кўради;

– ҳеч қайси бир иштирокчи давлат муайян шахсга нисбатан қийноқни амалга ошириш билан боғлиқ етарли асослар мавжуд бўлган ҳолатда, уни бошқа давлатдан чиқариб юбориши, жўнатиши, қайтариши ёки бериши мумкин эмас;

– жиноят-процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

– иштирокчи давлат ҳуқуқий тизимини қийноққа солинган шахснинг манфаатларини тиклаш ва муносиб товон ундириш билан боғлиқ адолатли ҳуқуқини таъминлаш;

Қийноққа қарши конвенциянинг мазмунини қуйидаги асосий тезислар ёрдамида изоҳлаш мумкин:

*1) қийноқ тушунчаси.* Давлатнинг миллий қонунчилигида қийноқ жиноят сифатида қаралиши лозим. Давлат ўзининг қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқалар ёрдамида қийноққа қарши огоҳлантиришнинг самарали чораларини кўрди;

*2) қийноқни расмий қоралаш.* Давлатларнинг барча олий ҳокимият органлари қийноққа қарши ўзларининг салбий муносабатларини ўрнатишлари шарт. Улар барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қийноқнинг қандай ҳолатда содир қилинганидан қатъи назар, кечириб бўлмаслиги тўғрисидаги аниқ тушунчани беришлари шарт;

*3) ҳибсда сақлашнинг чекланиши.* Қийноқлар одатда ҳибсда сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилиб, уларнинг инсонлар билан дилдан суҳбатлашиш имкониятлари, уларга ким ёрдам бера олиши ҳамда унга нималар бўлаётганлиги тўғрисидаги хабар ва ёзишмалар ҳуқуқининг чекланиши. Давлат тергов жараёнида қийноқнинг амалга оширилмаслиги юзасидан барча чораларни кўриши шарт. Давлатлар жиноят содир этишда айбланиб қўлга олинган барча шахсларнинг мустақил суд органларига топширилишини таъминлашлари зарур. Қамоқда сақланаётган шахснинг аҳволидан доим хабар олиб туришлари учун унинг қариндошлари, адвокати ва шифокорнинг доимий ва кечиктирмай кира олишларига шароит яратишлари шарт;

*4) сўроқ ўтказиш ва қўлга олиш жараёнидаги кафолатлар.* Давлат сўроқ ўтказиш ва қамоқда сақлаш жараёнини доим назорат қилиб бориши шарт. Қамоқда сақланаётган барча шахслар ўзларига бўлаётган муносабат юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқлари мавжудлиги ҳақидаги ахборотга эга бўлишлари керак. Озодликдан маҳрум этиш жойларига мустақил инспекциянинг ташрифлари ташкил қилиниш лозим. Қамоққа олиш ва суриштирувни амалга ошириш билан боғлиқ маъмурий ваколатларни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари зарур;

5) *қийноқлар тўғрисидаги хабарлар ҳақида мустақил тергов олиб бориш.* Давлат қийноқ қўлланилаётганлиги ҳақидаги хабарни самарали ва объектив тергов қилишни таъминлаб беришга мажбур. Бундай тергов очиқ ва ошкора усулда олиб борилиши зарур. Даъвогар ва гувоҳлар тазйиқдан ҳимоя қилинишлари даркор;

*6) қийноққа солиш оқибатида олинган маълумотлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги.* Давлат суд ишларида, исбот ва тан олиш жараёнида қийнаш оқибатида олинган ҳар қандай маълумотдан фойдаланишни тақиқлаши шарт;

*7) қийноқни қонуний йўл билан тақиқлаш.* Давлат қийноқнинг жиноий жазога сазовор эканлиги юзасидан барча чора-тадбирларни кўриши шарт. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ қийноқни қўллашга тақиқ ҳеч бир шароитда, ҳатто уруш ва бошқа фавқулодда ҳолатларда ҳам тўхтаб қолмаслиги;

*8) жиноятчи сифатида тахмин қилинган шахсни таъқиб қилиш.* Қийноқни қўллаган шахслар жавобгар ҳисобланиб жазоланиши шарт. Ушбу принцип қидирилаётган жиноятчи жойлашган жиноят содир этилган жойдан, жиноятчи ҳамда жабрдийданинг миллатидан қатъи назар, қўлланилиши зарур;

*9) ўқитиш.* Жиноятчиларни қамоққа олиш, уларни сўроқ қилиш ва қамоқдаги шахслар билан муносабатда бўлиш фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча ходимларига қийноқ жиноятлиги тўғрисида тушунтиришлар олиб бориш лозим. Шу билан бир қаторда, юқорида номлари кўрсатилган ходимлар ҳар қандай қийноқни амалга ошириш билан боғлиқ буйруқларни бажармасликлари ҳақида ҳам огоҳлантирилиши зарур;

*10) зарарнинг қопланиши ва реабилитация.* Қийноқ оқибатида жабр кўрган шахслар зарарнинг молиявий йўл билан қопланиши ҳуқуқига эга бўлишлари шарт. Жабр кўрган шахслар зарур тиббий ёрдам ва реабилитация билан таъминланишлари лозим;

*11) халқаро ҳамкорлик.* Давлатлар қийноқни қўллашда айбдорларни ушлаш юзасидан барча давлатларнинг ҳукуматлари билан алоқалар ўрнатиш имкониятларидан фойдаланишлари шарт. Қийноққа қарши самарали ва тезкор терговни амалга ошириш бўйича давлатлараро механизмлардан фойдаланиши ва уларни ишлаб чиқиши зарур. Давлатлар қуролли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хавфсизлик хизмати ходимларини тайёрлаш юзасидан тажриба алмашишда қийноқни қўлламасликни таъминлашлари муҳим;

*12) халқаро шартномаларни ратификация қилиш.* Барча давлатлар индивидуал шикоятлар билдириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солувчи «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва унга факультатив протоколни, шунингдек қийноқдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари ва кафолатларини ўзида акс эттирган халқаро шартномаларни ратификация қилишлари керак;

*13) қийноққа қарши қўмитанинг фаолияти.* БМТ Қийноққа қарши қўмитасининг тавсиялари ҳамда Конвенциянинг асосий шартларини ижро этиш бўйича давлатларнинг миллий ҳисоботларини кўриб чиқиши лозим.

Қийноққа қарши кураш амалиёти даставвал 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» ҳамда Геноцид жиноятларининг олдини олиш ҳамда уларни жазолаш тўғрисидаги конвенциядан бошланган. Ушбу ҳужжатлар 1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ҳамда 1984 йилдаги Қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазо турларига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ёрдамида тасдиқланди.

Конвенцияда ҳар бир давлат ўз юрисдикциясидаги борасида ҳар қандай ҳудудда қийноқ билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриши зарурлиги белгилаб қўйилган (2-модданинг 1-б.). Уруш ҳолати ва таҳдиди, ички сиёсий тартибсизлик ёки ҳар қандай фавқулодда ҳолатлар қийноқни оқлаш билан боғлиқ сабаб сифатида баҳоланмайди (2-модданинг 2-б.). Бундан ташқари, 1-параграфнинг 3-моддасида: «Ҳеч қандай иштирокчи давлат шахсни унга жўнатилаётган давлатда қийноқни қўллаш билан боғлиқ жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолатда бошқа давлатга жўнатиши, қайтариши ва бериши тақиқланади», дейилган.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар ва умум эътироф этилган тамойиллар, шунингдек универсал халқаро шартномалардан бири Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ва қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция нормалари ҳам ўз ифодасини топган. Унда нафақат инсон ҳуқуқлари, балки инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатлари ҳам ёритиб берилган. Ушбу конвенция халқаро ҳужжатлар тизимининг умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари манбалари орасида ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти борасида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатда халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликлар олдидаги мавқеи кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Муқаддима»сида белгилаб қўйилганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз фаолиятларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этилган халқаро стандартларга амал қиладилар.

Бироқ ҳозирги халқаро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири, нафақат халқаро ҳаётда, балки жамиятнинг ички ҳаётида ҳам халқаро орган ва ташкилотлар резолюцияларининг таъсири ўсиб бориши ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган муаммода қайд этилган

ўзига хослик қийноққа қарши конвенцияни ҳамда унинг меъёрий табиатини таҳлил қилишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан, ички ишлар органлари томонидан қийноқ ва шунга ўхшаш шафқатсиз муомаланинг қўлланишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу ҳужжатнинг нормаларига оид билимларнинг аҳамияти жуда ҳам муҳимдир.

## 5.2. Ички ишлар органлари томонидан Қийноққа қарши конвенция талабларининг бажарилиши

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш даври изчил демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳужжатларни изчил татбиқ этиш (имплементация қилиш) билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасида Қийноққа қарши конвенциянинг қийноқ ва шафқатсиз муомала турларини қўллашга йўл қўймасликка оид талабларини ижро этиш ва унга риоя этиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, ички ишлар органларининг ўрни беқиёс, чунки айнан улар ўз фаолиятида Конвенцияга риоя қилиш муаммосига дуч келадилар. Улар бевосита Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг ижро этилиши ва унга риоя қилиш зиммасига бевосита юклатилган давлатнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

Конвенцияни ижро этиш борасида Ҳукумат дастурини амалга оширишнинг босқичларидан бири «қийноқ» тушунчасини белгилаш билан боғлиқ қўшимчаларнинг Жиноят кодексига киритилганлигидир.

2003 йилнинг августида Парламент сессиясида ўзгартиш киритилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига кўра, жиноят процессининг барча босқичларида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ҳамда жазолар жиноий жазоланадиган ҳаракатлардир ва қонунга мувофиқ таъқиб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» деб номланган 235-модда-

сининг мазмуни Қийноққа қарши конвенциянинг 1-моддаси матнига имкон қадар мосланган. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, судланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига, бирор маълумот, жиноят содир этганлиги тўғрисида иқрорлик кўрсатуви олиш мақсадида уларнинг яқин қариндошларига турли таъсирлар кўрсатиш, ўзбошимчалик билан уларни содир этилган қилмиш учун жазолаш ёхуд бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш ҳаракатлари учун мансабдор ва бошқа шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди. Жиноят қонунчилигига мувофиқ, мазкур қилмиш учун озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Мазкур қилмиш субъектлари суриштирувчилар, терговчилар, прокурорлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасаларининг бошқа ходимларидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарорида қуйидагилар таъкидланади: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1984 йил 10 декабрда қабул қилган «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция»га кўра, «қийноқ ҳар қандай тусдаги шундай ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки иқрорлик кўрсатуви олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий бошқа шахс ёки уларнинг гиж-гижлаши билан ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган ҳар қандай сабаб бўйича қасддан кучли оғриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб беришдир».

Шундай қилиб, «қийноқ» тушунчасининг ушбу талқини Қийноққа қарши конвенциянинг 1-моддасига мос келади.

Ҳукмни чиқаришда судлар ва судьялар нафақат жиноят-ҳуқуқий нормалар, балки Олий суд Пленумининг қарорларига ҳам таянадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ўз юридик кучига кўра меъёрий шарҳловчи ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 235-моддасида келтирилган «қийноқ» тушунчаси Қийноққа қарши конвенциянинг 1-моддаси мазмунига мувофиқлиги сабабли, Конвенциянинг ушбу моддаси қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тўлиқ татбиқ этилган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига кўра, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор-бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш, бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўпполаш, қийнаш, азоб бериш, қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий, жисмоний таъсир кўрсатиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

1) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

2) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

3) бир гуруҳ шахслар томонидан;

4) такроран;

5) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён аёлга нисбатан содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига биноан, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишга жавобгарлик кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи 25-моддасига мувофиқ ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қийноқ ва қийноқда иштирокчилик каби жиноятларни содир этган шахсларни тутиб бериш илтимосномаси билан мурожаат этаётган давлат конвенция иштирокчиси бўлган тақдирда, мазкур шахсларни экстрадиция қилиш учун ушбу конвенция ҳуқуқий асос бўлади.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни ижро этиш билан боғлиқ қонунчиликдаги ўзгаришлар ва барча тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари «қийноқ» нинг жиноят-ҳуқуқий тавсифини ҳамда унинг тушунчаси борасидаги халқаро ва миллий жиноят қонунчилигини таққослашни билишлари керак.

Шу тариқа хулоса қилиш мумкинки, «қийноқ» деганда, расмий, ёки расмий вазифаларни бажарувчи шахслар томонидан ёки уларнинг фитнаси, розилиги билан бирор-бир шахсдан ёки учинчи шахсдан маълумот, иқрорлик кўрсатуви олиш учун инсонга қасддан ваҳший оғриқни уқубатни етказиш, у ёки учинчи шахс содир этган ҳаракат учун ёки ҳаракат у томондан содир этганликда гувоҳланганда, уни жазолаш ва учинчи шахсни қўрқитиш, мажбурлаш, ёхуд камситишнинг исталган турига асосланган сабабларга кўра содир этилган ҳар қандай қилмиш тушунилади (Конвенциянинг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси).

## 5.3. Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг Қийноққа қарши конвенция талабларини амалга ошириш асослари

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция талабларини бажариш юзасидан амалга ошириладиган тадбир режалари ва ушбу конвенция нормаларига орган ходимларининг риоя қилишлари учун зарур йўриқнома ишлаб чиқишни мақсад қилиб олган. Шунингдек, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243-моддасига биноан татбиқ этиладиган тартиблар, яъни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиблари йўриқнома учун тайёргарлик имкониятларини намоён этади. Ушбу вазият, яъни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнларида қийноққа солиш ёки қадр-қимматни таҳқирлаш ҳолатлари юз бериши мумкинлиги билан боғлиқ. Бу йўриқномага кўра, прокурорлар гумон қилинувчи ёки айбланувчидан улар билан қандай муносабатда бўлинганлигини шахсан сўроқ қилади. Ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича гумон қилинаётган ва айбланувчи сифатида жалб этилган вояга

етмаганлар ва аёлларни сўроқ қилиш жараёнлари айнан прокурор томонидан амалга оширилади.

Маҳбуслар билан муносабатларни ва эҳтиёт чоралар назоратини таъминлаш, уларни текшириш учун белгиланган жойларга етказиш жараёнларини ЖИЭМ хизмати ва бошқарма вакиллари амалга оширадилар.

Қамоқхоналарда қонунлар ва жазолар ижроси юзасидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида суд қарорлари ижросини ва қамоққа олинганларни сақлаш жараёнларини таъминлашда қонунларга риоя этишини назорат қилиш бошқармаси ташкил этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида ҳам бундай бўлимлар фаолият юритилмоқда.

Ушбу фармонга биноан, назорат Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2004 йил 11 майдаги «Суд қарорлари ва бошқа орган ҳужжатлари, шунингдек қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя қилиш назоратини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига кўра амалга оширилади.

Парламент назорати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 19-бандида таъкидланганидек, суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирув ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича шикоят қилинган важларини синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлар ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўришлари шарт.

Ўзбекистонда қийноққа солишни тақиқлашга оид ўқув материаллари ва ахборотни кенг тарқатиш фаол амалга оширилмоқда. Бу фаолиятни кўплаб давлат муассасалари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар амалга оширмоқда. Масалан, 2002–2004 йилларда БМТ, ЕХҲТ ва ЮНИСЕФ ташкилотларининг халқаро ҳужжатлари давлат тилида ўн минг нусхада чоп этилиб, шундан беш мингтаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига мўлжалланган.

Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда уларнинг Қийноққа қарши конвенция нормаларига риоя қилиш борасида етарли билимларга эга бўлишлари учун жуда кўп ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро талаблардан билимларни ўзлаштириш бўйича янги лавозим ёки янги унвон олаётганларида ҳам шаҳодатлашдан ўтишга мажбур.

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциацияси ҳамкорлигида ушлаб туриш ва гумонлардан халос этиш ҳамда ҳуқуқий ҳимояланишни таъминлаш амалиёти учун «Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнларида гумон қилинувчи, айбланувчи ва ушлаб турилган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилган. Ушбу низом ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг хулқ-атвор, интизом қоидаларига риоя қилишлари ва ушлаб туриш, гумон қилиш, айблаш жараёнларида қийноққа солишга ҳамда ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслигини назорат қиладилар.

Прокуратура органлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя қилинишини назорат қилади, қийноққа солиш татбиқ қилинган фактларнинг суриштирувида тезкорлик ва холисликни таъминлашда фаол иштирокини таъминлайди. Прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда, фуқароларни ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларининг сабаб ва шароитларини ўрганадилар бундай ишларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни ташкил этадилар.

2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг шикоятлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» янги таҳрирдаги қонуни асосида кўриб чиқилади. Янги қонун қийноққа солиш фактлари ҳамда ҳукумат вакиллари томонидан йўл қўйилган суиистеъмолликларни мустақил равишда текширишнинг ҳуқуқий

асосини юзага келтиради. Қонуннинг 10-моддасига биноан, Омбудсман ташкилот ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги, бузилган ҳуқуқлар, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатлари борасида шикоятларни кўриб чиқади, суриштирув ишларини олиб боради.

Жиноят қонунчилиги принципига кўра, жиноят қурбонлари сифатида қийноққа солинган шахслар адолатли ва тегишли товон (компенсация) олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасига кўра, «Ишни юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар ушбу кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим». Ушбу кодекснинг умумий қисмида таъкидланишича, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 991-моддасига кўра, қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш ушбу зарарни етказишда айбдор мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги 1021-моддасига кўра, шахс етказилган зарарни тўлиқ ундириш ҳуқуқига эгадир. Ушбу модданинг 2-бандига биноан, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ортиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса, фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, зарар қопланади.

Қийноқ таъсири остида ёзилган ҳар қандай шикоят ҳеч қандай суд муҳокамасида исбот ёки асос бўлиб ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарорига кўра, қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-

қимматини камситувчи муомалада бўлиш, қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас. Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлинганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция талабларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги ҳолатлар юзасидан ўрганиши мумкин:

– инсоннинг шахсий ҳуқуқларига тажовуз;

– халқаро жиноятларга тааллуқлиги;

– шахснинг қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғига тажовуз;

– инсон руҳий оламини аянчли оқибатларга олиб келиши;

– қийноққа солинганнинг жиддий реабилитацияси зарурати;

– мансабдор шахсларнинг содир этган жиноятига жавобгарликни назарда тутиш;

– халқаро ҳамжамият олдида давлатнинг масъулияти.

Давлатлар Қийноққа қарши конвенцияга амал қилиш борасида қуйидаги амалий ишларни ҳаётга татбиқ қилишлари лозим: қонунчиликка оид тадбирлар, қийноққа солишга йўл қўймаслик ва олдини олиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳуқуқий тадбирларни ташкил этиш, тарбиявий-маънавий тадбирларни шакллантириш, тез-тез ва ўз вақтида қийноққа солиш жараёнларини текшириш, кўрилган моддий ва маънавий зарарларга товон (компенсация) беришни ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августдан бошлаб Қийноққа қарши конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланиб, унда ўрнатилган қоидаларга кўра, мазкур конвенция бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисида миллий маъруза тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи миллий маърузаси 1999 йилда Қийноққа қарши қўмитада кўриб чиқилган. 2002 йил май ойида эса Ўзбекистон Республикасининг Иккинчи маърузаси тингланди. Учинчи маъруза, Ўзбекистонда охирги йилларда Конвенция ва БМТнинг Қийноққа қарши қўмитаси тавсиялари асосида амалга оширилган ишлари баён этилган.

# 6-мавзу. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

## 6.1. Тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий тавсифи ва таснифланиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида қуйидаги қоида белгилаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»да ўрнатилган инсон ҳуқуқлари нормаларининг акс эттирилиши, ушбу халқаро ҳужжатларга «jus cogens»га хос хусусиятни беради.

Шу аснода қайд этиш лозимки, БМТ Устави, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» каби ҳужжатларда ўрнатилган тамойил ва меъёрларни ўзига концептуал асос қилиб олган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришнинг комплекс тадбирларини ўзида жамлаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-24 сонли қарорининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги қарори. 2005 йил 10 март. ПҚ- 24 // Фуқаролик жамияти. Гражданское общество. Civil society. − Б.71−72.

Инсон ҳуқуқлари халқаро нормалар ва миллий қонунчилик ҳужжатлари билан ҳимояланган бўлиб, бу юридик ҳимоя ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг барча жабҳалари, шу жумладан, ички ишлар органларига ҳам тааллуқлидир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларга риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишининг муҳим қисми, чунки бу органлар ўз вазифаларини бажараётганда инсон ҳуқуқларини нафақат ҳурмат қилиши, балки уларни фаол ҳимоя қилиши ҳам зарур. Бундан ташқари, демократик ҳуқуқий давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишининг самараси уларнинг инсон ҳуқуқларини қай даражада ҳурмат қилиши ҳамда уларга риоя этишига боғлиқ. Яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабат, инсон ҳуқуқларининг ҳокимият томонидан муҳофаза қилиниши даражаси демократик жамиятнинг кўрсаткичи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш муаммоси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигига эришиш муаммосидир. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий функциялари – жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноий ишларни тергов қилиш, муҳтож бўлганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдир. Ушбу вазифалардан бирортасини ҳам фуқароларнинг ҳамкорлигисиз амалга ошириб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари тизимли тарзда бузилиб келинаётган давлатда фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончи йўқолиши ва шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигининг пасайганини кузатиш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги ва профессионаллиги муаммоси нафақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки ҳар бир ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи мансабдор шахснинг ҳаёти ва хавфсизлигига бўлаётган таҳдидга жамият барқарорлигига таҳдид сифатида қаралиши лозим.

Биз шу пайтгача инсон ҳуқуқлари бўйича асосий, умум эътироф этилган халқаро ҳужжатлар ҳақида сўз юритдик ва таҳлил қилдик («Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», халқаро пактлар ва бошқ.). Инсон ҳуқуқлари уларда тамойиллар, асосий меъёрлар сифатида баён этилган.

Агар уларнинг ичидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли меъёрларни ажратиб оладиган бўлсак, улар асосан тақиқ ва чеклашлар эканлигини кўрамиз (шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, адолатли судлов тамойилини бузмаган ҳолда тергов олиб бориш).

Аммо шундай ҳужжатлар ҳам мавжудки, уларда бу умумий тамойил ва қоидалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг турли соҳаларига оид батафсил қўлланма ва қоидалар сифатида берилган.

БМТ тизимида (Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича конгрессда) турли вақтларда юридик кучи, субъектга йўналтирилганлиги, фаолият доираси билан фарқланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга соладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартларини қуйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

*1 фаолият доираси бўйича:*

ишларни судга қадар дастлабки тергов қилувчи прокурор, терговчи ва суриштирувчиларга мўлжалланган ҳужжатлар:

– суд таъқибини амалга оширувчи шахслар фаолиятига тааллуқли раҳбарий тамойиллар;

– ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси;

– ўқотар қуролни ва куч ишлатишнинг асосий тамойиллари;

пенитенциар муассасаларга тааллуқли ҳужжатлар:

– ўқотар қуролдан фойдаланишнинг минимал қоидалари;

– маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий тамойиллари;

адвокатлар (ҳимоячилар)га тааллуқли ҳужжатлар:

– юристларнинг ролига тааллуқли асосий тамойиллар;

вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳужжатлар:

– Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция;

– БМТнинг озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларни ҳимоя қилувчи қоидалари;

судлар ва судьялар учун ҳужжатлар:

– суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари;

**2) юридик кучига кўра:**

ратификация қилган давлатлар учун мажбурий юридик кучга эга ҳужжатлар;

мажбурий юридик кучга эга бўлмаган меъёрий тавсиялар.

Мажбурий юридик кучга эга ҳужжатлар – пакт ва конвенциялардир. Улар универсал ёки минтақавий, умумий ёки муайян масалаларга тегишли бўлиши мумкин. Инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларига тааллуқли, умумий хусусиятга эга икки муҳим халқаро шартнома – «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодий,

ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактлардир. Минтақавий шартномаларга Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси ва бошқа шартномалар киради.

Давлатлар бирор масалага тегишли шартномаларни имзолаши мумкин. Уларга Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Геноцид жиноятининг олдини олиш ва у бўйича жазога тортиш тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциялар киради.

Тавсиявий хусусиятга эга айрим ҳужжатлар бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Хусусан, уларга қуйидагилар киради:

– БМТнинг ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси;

– Европа кенгашининг полиция тўғрисидаги декларацияси;

– БМТнинг ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахслар томонидан куч ишлатиш ва ўқотар қуролни қўллаш тамойиллари мажмуи.

Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари 1955 йилдаги БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича биринчи конгрессида қабул қилинган.

БМТ Бош Ассамблеяси 1971 йилда иштирокчи давлатларга ушбу қоидаларни пенитенциар ва ахлоқ тузатиш идораларини бошқаришда ҳамда уларни миллий қонунчиликка самарали қўллашни ижобий ҳал қилишни тавсия этган.

Бош Ассамблея 1976 йил Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га Ушлаб туриш ва қамоқда сақлашнинг ҳар қандай шаклларига дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилиш учун тиббий этика кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этди. 1982 йили Бош Ассамблея ЖССТ, Халқаро илмий тиббий ташкилотлар кенгаши ва Халқаро тиббий ассамблея кўмагида Тиббий этика тамойилларини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Ушбу Тамойиллар тиббиёт ходимлари, айниқса, шифокорларнинг ушлаб турилган ва қамоқда сақланаётган шахсларни қийноқ, муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи турларидан ҳимоя қилишдаги ролига тааллуқлидир.

Бош Ассамблея 1983 йили барча ҳукуматларнинг тиббиёт ходимлари, шунингдек ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш ҳуқуқига эга идо-

ралар ходимларини мазкур тамойилларга риоя қилишини таъминлашга чақирди.

1985 йили БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича еттинчи конгресси вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга ошириш бўйича БМТнинг минимал стандарт қоидалари ёки «Пекин қоидалари»ни тайёрлади ва Бош Ассамблеяга қабул қилиш учун тавсия этди. Ушбу қоидалар жавобгарликка тортиш мумкин бўлган минимал ёш, вояга етмаганларни суд қилишнинг мақсадлари, вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга оширишнинг самарали, одилона, инсонпарварлик ҳамда инсон ҳуқуқларининг қўлланиши лозим бўлган тамойилларига тааллуқлидир. Мазкур қоидалар вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва одил судловни амалга ошириш ҳамда судга қадар қамоқда сақлаш масалаларини ҳам қамраб олди. Умуман олганда, қоидаларда вояга етмаганларни жазолашда уларни ахлоқни тузатиш муассасаларига юборишни минимал даражада қўллаш тавсия этилган. Қоидаларда, жазони ўташ муассасаларида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ҳам мустаҳкамланган.

Бош Ассамблея ушбу қоидаларни 1985 йили қабул қилди, давлатларга уларни барча тегишли ҳолларда қўллашни, тегишли идоралар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва аҳолига етказишни тавсия этди.

Мазкур ҳужжатлар юридик жиҳатдан мажбурий кучга эга бўлмаса ҳам, мажбурий восита ҳолатларига алоҳида урғу беради ва эътиборни кучайтиради ҳамда инсон ҳуқуқлари стандартларининг батафсил рўйхатини ўрнатиб, мамлакатлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан мазкур қоидаларга риоя этилишига ёрдам беради.

Юқоридаги ҳужжатларнинг аҳамияти шундаки **биринчидан,** улар давлатларнинг миллий қонунчилигини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда модель, стандарт вазифасини бажаради; **иккинчидан,** ушбу ҳужжатлар халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХҲТ ва бошқа) учун давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимининг демократиялашуви даражасини аниқлаш стандартлари ҳисобланади; **учинчидан,** мазкур ҳужжатларнинг мазмуни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига маълум бўлиши лозим, чунки улар ушбу органларда ишлаб чиқилаётган ички буйруқ, йўриқнома ва тавсиялар учун асос бўлиши мумкин.

### 6.2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциялар – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тартибга солувчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида

Иккита асосий халқаро пактдан ташқари, улардаги ғояларнинг мантиқий давоми деб таъкидланган бошқа универсал давлатлараро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бу ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари нисбатан аниқроқ ёритилган. Улар аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қийноқлар ва ирқий камситишни тақиқлаш масалаларига қаратилган.

Улар мазмунига кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Биллда бўлмаган ёки етарли даражада инобатга олинмаган ҳолатларни тўлдиради ва аниқлик киритади. Бу универсал ҳужжатлар қийноқлар ва ирқий камситиш ёки нисбатан камроқ ҳимояланган шахслар гуруҳи (аёллар, болалар, меҳнаткаш-мигрантлар)да инсон ҳуқуқлари бузилишининг аниқ кўринишлари борасида халқаро ҳуқуқий актлардир.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро шартномаларига қуйидагилар киради:

− Аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (1979й);

− Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989й);

− Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 й.);

− Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965й):

− Меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1990 й.);

− Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (2006 й.) ва бошқалар.

Иккита пактга қўшимча тўртта катта махсус халқаро шартнома ушбу пактларга амал қилинишини назорат қилиш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлар қўмитасини ташкил қилишни назарда тутади. Бундай шартномаларнинг иштирокчи давлатлари тегишли қўмиталарга шартномаларнинг бажарилиши ва бунда вужудга келаётган муаммолар тўғрисидаги доимий ҳисоботларни тақдим этишга розилик билдирадилар. Қўмита бу ҳисоботларни ва ўзи эга бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа маълумотларни кўриб чиқиб, давлатга ўз зиммасига олган ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришга кўмаклашиш мақсадида тавсиялар бериши мумкин.

Ушбу конвенцияларнинг тафсилотига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция 1974–1979 йилларда БМТнинг турли органлари томонидан Аёллар мақоми бўйича комиссия раҳбарлигида тайёрланган бўлиб, 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган ва 1981 йилда кучга кирган.

Конвенциянинг 1-моддасида «аёлларга нисбатан камситиш» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Аёлларнинг оилавий шароитидан қатъи назар, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида тан олиниши, қўлланиши ёки амалга оширилишини сусайтириш ёки йўққа чиқаришга қаратилган жинсий белгисига кўра ҳар қандай фарқлаш, истисно қилиш ёки чеклашни англатади».

2-моддага мувофиқ, ушбу конвенция иштирокчисига айланган давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

*биринчидан,* эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини, агарда бу ҳозиргача қилинмаган бўлса, миллий конституциялар ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу принципнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

*иккинчидан,* хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини тақиқловчи тегишли қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўриш, жумладан, зарур бўлганда, жазоларни қўллаш;

*учинчидан,* аёллар ҳуқуқларига эркаклар билан тенг асосда юридик ҳимоя белгилаш, тегишли миллий судлар ва давлат муассасалари ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишдан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

*тўртинчидан,* ҳар қандай шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

*бешинчидан,* хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан, қонунчилик чораларини кўриш.

Конвенциянинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида, аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси ташкил қилинади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Унинг асосий мақсади бола манфаатларининг юқори даражасида ҳимоясини таъмин-

лашдан иборат. Конвенция уни ратификация қилган давлатларни болаларга ўз мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида фаол ва ижодий қатнашишлари мумкин бўлган шароитларни яратишга даъват этади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий таркиби қуйидагилардан иборат:

*биринчидан* агар миллий қонунчилик вояга етишнинг ёшроқ ёшини назарда тутмаган бўлса: 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади

*иккинчидан,* конвенция фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг бутун мажмуини қамраб олади ва бир ҳуқуқнинг амалга оширилиши иккинчи ҳуқуқнинг амалга оширилишидан ажралмаслигини тан олади;

*учинчидан,* ўз интеллектуал, ахлоқий ва руҳий имкониятларини ривожлантириш учун болага зарур эркинлик атроф муҳитнинг соғломлилиги ва хавфсизлиги даражаси, соғлиқни сақлашга имкониятларнинг мавжудлиги ҳамда овқатланиш, кийим ва уй-жойга боғлиқлигини конвенция кўрсатиб беради;

*тўртинчидан,* конвенциянинг муҳим принципи бу камситишга йўл қўймасликдир. Болалар ўз ҳуқуқларидан ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, келиб чиқиши, мулкий ҳолати, соғлиғининг ҳолати ва боланинг туғилиши, ота-онаси ёки қонуний васийлари ёки бошқа ҳар қандай ҳолатлардан қатъи назар, ҳеч қандай камситишсиз фойдаланишлари лозим;

*бешинчидан,* конвенция болаларни эксплуатациянинг ҳар қандай кўринишларидан ҳимоя қилиб, миллий озчилик вакиллари ва туб халқларнинг болалари масаласи, шунингдек гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш ва болаларга ғамхўрликнинг мавжуд эмаслигини кўриб чиқиб, инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий чегараларини кенгайтиради;

*олтинчидан,* конвенцияда жиноий фаолиятга жалб қилинган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид аниқ қоидалар мавжуд;

*еттинчидан,* конвенция оила ва ота-онанинг болаларга ғамхўрлиги ва уларнинг ҳимоясидаги муҳим ролини, шунингдек давлатнинг ота-оналарга ўз мажбуриятларини бажаришда ёрдамлашиши мажбуриятини тан олади.

Ушбу конвенцияга амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитага юклатилган.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг каттиқ, шафқатсиз, ноинсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши

Конвенция 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган ва 1987 йил 26 июндан кучга кирган. Конвенциянинг иштирокчи давлатлари ўз юрисдикцияларидаги ҳар қандай ҳудудда қийнаш актларининг олдини олиш учун қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни самарали қўллаш мажбуриятини оладилар. Уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолатлигидан қатъи назар, қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

Конвенцияга хос муҳим жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

– у иштирокчи давлатларнинг ўз миллий қонунчилигида қийноқларни тўлиқ тақиқлашини назарда тутади;

– унда юқори турувчи раҳбар буйруғи ва ҳеч қандай истисно ҳолатлар қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари ва жазоларни оқлаш учун хизмат қилмаслиги мустаҳкамланган;

– у ҳар қандай қийноқни қўллаган шахс ҳар қандай иштирокчи давлат ҳудудида суд таъқибига олиниши мумкинлигини ўрнатади. Ҳар қандай қийноқ актини содир қилганликда гумон қилинаётган шахс суд жавобгарлигига тортилиши ёки суд жавобгарлигига тортиш мақсадида ҳудудида жиноят содир этилган иштирокчи давлатга ушлаб берилиши мумкин;

– у қайсидир иштирокчи давлат ҳудудида тизимли қийноқлар қўлланилиши ҳақида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда, халқаро суриштирувни амалга оширишни назарда тутади. Иштирокчи давлатнинг розилиги билан бундай суриштирув унинг ҳудудини кўздан кечиришни ҳам назарда тутиши мумкин.

Мазкур конвенциянинг амалга оширилишини Қийноқларга қарши қўмита назарга олади.

Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция 1965 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1969 йил 4 январда кучга кирган. У ҳар бир шахсга тенглик ва камситмаслик принципини тўлиқ амалга оширишни кафолатлайди. Конвенция ирқий камситишларнинг барча турларини йўқ қилиш, олдини олиш ва ирқийлик назариялари ҳамда амалиётини тугатиш ҳамда барча ирқий сегрегация ва камситишлардан холи халқаро жамият қуришга йўналтирилган.

Мазкур конвенциянинг иштирокчи давлатлари ирқий камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ва ирқи, терисининг ранги, миллий ёки этник келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенгликни кафолатлаш, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини

амалга оширишни таъминлаш мажбуриятини оладилар. Бундай ҳуқуқлар қаторига меҳнат қилиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларига бирлашиш ва уй-жойга бўлган ҳуқуқлар киритилган.

Ушбу конвенциянинг амалга оширилишини Ирқий камситишни тугатиш Қўмитаси кузатади.

Юқорида санаб ўтилган конвенциялар, **бир томондан,** инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назоратнинг асосий халқаро механизми бўлса, **иккинчи томондан,** инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш механизмларини таклиф қилади.

## 6.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга ошириш

Ўзбекистонда демократик жамиятни қуришнинг ҳозирги шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдидаги вазифаларни бажарилиш, инсон ҳуқуқларини доимо олий қадрият сифатида конституциявий эътироф этиш, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ уларни конституциявий кафолатлашни ҳисобга олишга асосланиши лозим. Бевосита инсон ҳуқуқлари кафолатларига тааллуқли халқаро стандартларни амалиётда қўллаш муаммолари ҳали ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Ички ишлар органлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар фаолиятига бевосита тааллуқли махсус халқаро ҳужжатлар ходимларни тарбиялашда ва уларнинг касбий фаолиятида муҳим роль ўйнамоқда. Улар шаклан тавсиявий мазмун касб этса-да, бироқ кўплаб давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам расмий равишда ижро этишга қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлар барча ходимларнинг билимдонлиги, умумий ва касбий маданиятини ошириш, хизмат этикаси нормаларига риоя қилиш, фуқаролар билан ишлаш фаолиятида инсонпарварлик принципларига таяниши мақсадларига мос келади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли ҳужжатлар қуйидагилар: Ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси (1979 йилда БМТда қабул қилинган), Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш мақсадида мансабдор шахсларнинг куч ишлатиш ва ўқотар қурол қўллашининг асосий тамойиллари (1990 йилда БМТда қабул қилинган), Полиция тўғрисидаги декларация (1979 йилда Европа кенгашида қабул қилинган) ва бошқалар.

Мазкур ҳужжатларнинг фундаментал қоидалари орасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ: ҳар кимнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини сўзсиз ҳурмат ҳамда ҳимоя қилиш (кодекснинг 2-моддаси); юқори турувчи шахсларнинг қарорлари ёки истисно этувчи ҳолатлар (уруш, сиёсий беқарорлик ва бошқ.) оқлаш йўли билан қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллашга йўл қўймаслик (кодекснинг 5-моддаси); ўз вазифаларини амалга оширишда имкони борича, охирги заруратда куч ишлатиш ёки ўқотар қуролни қўллаш вазиятига қадар зўрламас воситаларидан фойдаланиш (Асосий принципларнинг 4-моддаси); ноқонуний равишда куч ёки ўқотар қуролни қўллашдан воз кечган ёки бу тўғрида хабардор қилувчи мансабдор шахсларга жиноий ёки интизомий чоралар қўлламаслик (Асосий принципларнинг 25-моддаси).

Бундай қоида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида принципиал йўлланиш бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу қоида ва принципларнинг у ёки бу мазмунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи кўплаб қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақилликка эришилгач Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тамомила сўнг, инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартлари тарафдорларига айланди. Бу, демократик ислоҳотлар, ҳуқуқий давлатни шакллантириш, сиёсий ва мафкуравий плюрализмни эълон қилиш ва ниҳоят, инсоннинг, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб конституциявий тарзда эътироф этилиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни шакллантириш бевосита қонунийликни таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Қонунийлик тартиби деганда, давлат ҳокимияти, унинг органлари ва мансабдор шахслари, шунингдек кенг жамоатчилик томонидан демократик қонунларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиш талаби тушунилади. Мустаҳкам қонунийлик давлатнинг ривожи ва демократиялашувининг жиддий кўрсаткичи, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт гарови, ниҳоят, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларни муҳофаза қилишнинг кафолати ҳисобланади. Қонунийликни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, ички ишлар органлари фаолиятига татбиқ этиш, долзарб ҳисобланади.

Давлат аппаратида жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш,

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бу эса, фаолиятида тезкор қидирув усуллари, мажбурлашнинг турли воситалари, ҳуқуқбузарларга нисбатан ўқотар қуролларни қўллашга қадар қатъий куч ишлатиш, таъсир кўрсатиш каби давлат, ҳокимиятчилик ваколатлари бекордан-бекорга берилмаганлигини англатади. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кенг ваколатларини амалга оширишда қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг аҳамияти жиддийлигини кўрсатади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ қонунийлик муаммосининг асосий учта блоки муҳим, улар қуйидагиларга боғланган:

**биринчидан,** уларнинг ҳимояси билан;

**иккинчидан,** уларнинг амалга оширилишини таъминлаш билан;

**учинчидан,** уларга риоя қилиш билан.

Мазкур масалалар бир-бирига узвий боғлиқ уларни бир-биридан батамом ажратиб ҳал қилиб бўлмайди (масалан, терговчи жабрланувчининг жиноий йўл билан бузилган ҳуқуқларини, айбдорнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлаб бериши, унинг айбсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқига ва бошқа ҳуқуқларига риоя қилиши лозим). Шу билан бирга, ҳар қайси масала ўзига хос хусусиятга эга, яъни, **бир томондан,** қонунийликка риоя этилишининг кўрсаткичлари бўлса, **иккинчи томондан эса,** қонунийлик бузилишининг кескин оқибатлари эканлигига алоқадор.

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кўрсатиб ўтилган кафолатлари амалиётда шаклланади, бунда қонунчиликнинг матни, айрим ҳолларда эса, унинг маъносидан келиб чиқилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбуриятидир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фаол ҳаракатларни амалга оширишни эмас, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига имкон яратувчи ёки уларни бузадиган ҳаракатларга йўл қўймасликнинг талаб этилиши шахс ҳуқуқларига риоя этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади. Кенг маънода юқоридагилар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўйхатини Конституцияда ва қатор тармоқлараро нормаларда мустаҳкамлаб қўйилишига тааллуқлидир. Ходимлар томонидан, **биринчидан,** қуйидаги ҳуқуқларга: шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, қийноққа солишдан, зўрлик ва шафқатсиз муомала қили-

нишдан эркинлиги, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ва оилавий сир сақлаш ҳуқуқи, айбсизлик презумпциясига бўлган ҳуқуқи сўзсиз ва ҳеч қандай қаршиликсиз риоя этилиши шарт. **Иккинчидан,** айрим ҳолатларда, хусусан, жиноятни бартараф этиш, очиш ва тергов қилиш ҳолатлари билан боғлиқ равишда қонун бўйича мумкин чеклашлар баъзи ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этишнинг ўзига хослиги ҳисобланади. Буларга, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, уй-жойнинг дахлсизлиги, ёзишмаларнинг сир сақланиши, телефонда сўзлашувларнинг сир сақланиши ва бошқалар киради.

Ниҳоят кўриб чиқилаётган ҳолатда ҳар кимнинг яшаш ҳуқуқи каби нафақат риоя қилиниши, балки ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муҳофаза қилиниши лозим бўлган ҳуқуқлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Қонуний равишда қурол ишлатиш билан инсон ҳаётига муқаррар равишда таҳдид солиш хавфи иложи борича кам ҳамда бартараф этилаётган жиноятдан кутилаётган оқибат билан мутаносиб бўлиши керак.

Муаммо жуда ҳам кескин ва долзарбдир, чунки ўз олдида турган вазифаларни бажариши жараёнида ходимлар кўпинча инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан тўқнаш келадилар. Алоҳида жиноят-процессуал ҳаракатлар (тинтув, олиб қўйиш, мулкни хатлаш, айбдорни қамоққа олиш ва бошқ.), тезкор қидирув чора-тадбирларини ўтказиш, маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш (ҳужжатларни текшириш, транспортни текшириш, шахсни ушлаш, жарима қўллаш, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш ва бошқ.); ва ниҳоят, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш, одатда, маълум маънода, фуқароларнинг ҳаётий фаолиятига аралашув, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, моддий жиҳатдан маҳрум қилиш, ҳаттоки уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиш каби ҳолатлар билан боғлиқ.

Бундай турдаги ҳаракатлар (албатта, бунинг учун далилий асослар бўлган тақдирда) қонунийлигининг биринчи даражали шартлари, хатти-ҳаракатларни қонунчиликда назарда тутилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал этиш учунгина амалга ошириш ва шунга тенг равишда ўрнатилган процедура ва тартибларга риоя қилган ҳолда содир этиш, ушбу ҳаракатлар билан инсоннинг асосий ҳуқуқлари ўзаро мутаносиблигидир.

Ҳокимият томонидан бирор-бир шахсга нисбатан асоссиз куч ишлатиш, индивиднинг ҳуқуқларини чеклашга истисносиз йўл қўйилмасликнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги айбсизлик презумпциясининг

шак-шубҳасиз умумий принципи ҳисобланади. Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмас ва суднинг ҳукми қонуний кучга кирмас экан, у айбдор ҳисобланмайди. Ҳокимият томонидан мажбурлаш чоралари қанчалик қаттиқ қўлланса, «қонунийлик» – «инсон ҳуқуқлари» боғланиши шунчалик қаттиқ бўлиш диққатга сазовордир.

Шахсни қамоққа олишнинг доимо салбий таъсирлари борлиги маълум: шахс эркин бўлмайди, оиладан ажралиб қолади, атрофдагилар олдида обрўсизланади, чунки омма ўртасида «айбдор қамалмайди», деган фикр тарқалган (бу фикр кейинчалик қамоқдан озод қилинганда ҳам сақланиб қолмоқда), ишлаш ва ҳаёт учун пул топиш имкониятидан маҳрум бўлади. Қамоққа олиш инсоннинг (айниқса, айбсизнинг) ғазабини келтиради, унинг иродасини синдиради, соғлиғига зарар етказади, инсонга ва унинг оиласига маънавий ва моддий зарар етказади. Агар қамоққа олиш ноқонуний бўлса, унда, албатта, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар шахсий дахлсизлик, обрўси ва соғлиғининг, кўчиб юриш ва бошқа ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келади. Фуқарони қамоққа олишнинг асоссизлиги, қонунга зидлиги расмий равишда аниқланса, унинг озодликка чиқиши билан боғлиқ янги муаммолари – реабилитация (ижтимоий кўникма)си ва етказилган зарар учун товон пули олиш муаммолари пайдо бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўпинча инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига қўлланиладиган у ёки бу ҳаракатларнинг қонунийлиги тўғрисидаги айрим фундаментал қоидалар белгилаб беради. Умуман олганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ҳамма ҳолатларда инсонга унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг асослари ва сабабларини, шу билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тушунтириб беришлари лозим. Қайд этиш керакки, бундай ҳуқуқий тартиб ушлаш ва қамоққа олишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Хусусан, АҚШда бундай ҳолат 1966 йили Олий суднинг машҳур «Миранда Аризона штатига қарши» иши бўйича қарор чиқаришига сабаб бўлди. Ўша пайтда, суднинг қарори (зўрлаш ва босқинчилик тўғрисидаги) ушланган шахсга унинг ўзига нисбатан маълумотлар беришдан воз кечиш ҳуқуқи, адвокат билан учрашиш ва сўралаётган саволларга адвокат олдида жавоб бериш ҳуқуқи, шунингдек ушланганнинг маълумотлари судда унга қарши қўлланиши мумкинлиги

тўғрисида полиция ходимлари томонидан огоҳлантирилмаганлиги учун ҳам бекор қилинган эди. АҚШ Олий суди қарорининг мазкур прецедент кучидан келиб чиқиб, полиция уни «Миранда ишидан огоҳлантириш» («Miranda Warning») деб номлаб, ўзига кўчирма қилиб олди ва барча полиция ходимларига гумонланувчиларни (ушланганларни) ўз ҳуқуқлари билан таништириш мажбуриятини юклади. Мазкур қоидани қўлламаслик, полиция фаолиятида қонунийликнинг бузилиши ҳисобланади ва шу билан бирга, олинган «исботлар» ўз кучини йўқотади, уларга асосланган суд ҳукми бекор қилинади.

Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш бўйича ўзларининг ҳар томонлама ваколатлари ва мажбуриятларини лозим даражада амалга ошириши улар фаолиятининг қонуний эканлигининг муҳим кўрсаткичи экан. Ўз навбатида, ходимларнинг қонунийлик талабларига риоя қилишлари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширишнинг самарадорлигига ҳам етарли даражада таъсир кўрсатади. Айни пайтда, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ижобий муносабати шаклланади ва ишончи ортади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонун бузилиши ҳолатлари жамият учун икки баробар хавфлидир: тўғридан-тўғри зўравонлик қўллаш билан муайян шахсга бевосита зарар етказиш ёки қонунда талаб қилинган ёрдамни кўрсатмаслик йўли билан зарар етказишдан ташқари, улар фуқароларда ҳуқуқий нигилизмни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимга ишончсизликнинг туғилишига олиб келади. Бундай қилмишлар давлатдаги бутун қонунийлик тартибга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Инсонлар ҳуқуқнинг кучига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тартибга риоя қилишига, ўз ваколатига мослигига ва ниҳоят, ўзларининг жиноий тажовузлардан ҳимояланганлигига, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларига бўлган ишончини йўқотади. Ҳаттоки, жиноятчига нисбатан ҳам ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши нафақат унинг ҳуқуқларини, балки қонун билан бошқариладиган мамлакатдаги ҳар қайси фуқаронинг ҳаётга бўлган ҳуқуқларини поймол қилишдир.

Афсуски, кўпгина ходимлар ҳалигача инсон ҳуқуқларининг мазмун-моҳиятини, унинг қадрини тушунмайдилар, қандайдир декларатив (тавсиявий) воситалар «биз учун тўғри келмайди» деб, фақат куч ишлатиш, қўрқитиш, шафқатсизликни ҳар қандай ҳуқуқни муҳофаза қилишга оид вазифаларни ҳал қилишдаги асосий восита ҳисоблаб, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини инкор этиб келадилар.

Шу ўринда ривожланган жамиятда ходимлар, фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар солиқ тўловчилар – фуқаролар учун кераклигини принципиал равишда тушунишлари керак, холос. Кўплаб ривожланган демократик давлатлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг амалиёти билан танишиш шуни кўрсатмоқдаки, одамлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, аввал, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишгани учун ҳам ҳурмат қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, хусусан, ички ишлар органлари ўз фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасида кўпгина саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бунга қонунийлик масалаларига тааллуқли махсус идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, жумладан, 2016 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 82-сонли буйруғи мисол бўлиши мумкин.

## 6.4. Ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш

Ҳуқуқий давлатда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва тергов қилиш қонуний воситалар ёрдамида олиб борилиши лозим. Давлатнинг барча ҳокимият-ижро этувчи тузилмалари ва айниқса, ички ишлар органлари (ўз ваколатлари доирасида) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаб бериши, уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириши даркор. Мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зиммасига юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида ички ишлар органлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ички ишлар органларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

– фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

– жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

– жиноятларни тезда ва тўлиқ очиш;

– жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

– мулкни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш;

– ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда фуқароларга, мансабдор шахсларга ва бошқа субъектларга ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш ва бошқ.

Ички ишлар органлари тузилмавий бўғинларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳуқуқларга таҳдид солаётган турли ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришга қаратилган.

Фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турлари мазмуни ва хусусиятига қарамай, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларга тааллуқли асосий принциплар, шакллар ва усуллар бир хилдир, фақат тафсилотлардагина фарқланади, холос. Ҳокимият ваколатига эга бўлган ички ишлар органларининг фаолияти қонунда улар учун белгилаб қўйилган ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади. Уларга, турли мазмунга эга бўлишига қарамай, яқиндан боғланган ва ўзаро таъсир кўрсатувчи ташкилий ва юридик шакллар киради. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири ўзида бошқасига тааллуқли элементни ҳам олган бўлиб, айрим ҳолларда, уларни фарқлаш жуда қийин кечади. Бу ички ишлар органлари функционал тузилмасининг икки хусусиятга эгалигидан дарак беради. Улар давлат бошқаруви органлари тизимига киради ва ҳокимият вакили сифатидаги ваколатни амалга оширади, ўз кучлари ва воситаларига нисбатан ҳам, шунингдек ташқи муҳитга нисбатан ҳам бошқарувчилик тизимини ташкил этувчилик ваколатини амалга оширади. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг фаол бўғини ҳам ҳисобланади.

Қайд этиб ўтилганидек, фаолиятнинг юридик ва ташкилий шакллари ўртасидаги чегара анча ноаниқдир, чунки улар кўпроқ ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради ёки бир-бирини такрорлайди.

Мазмуни ва хусусиятига кўра, юридик шакл ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини қамраб олади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлиги фаолияти идоравий-меъёрий ҳужжатларни яратишга қаратилганлиги учун қонуности ҳужжатлар яратиш хусусиятига эгадир. Улардан мақсад ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солишдир. Бироқ улар фаолиятнинг қайси соҳасини тартибга солмасин, асосий мақсади – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир.

Биринчи ҳолатда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашни тартибга солувчи ҳужжатлар, иккинчи ҳолатда эса, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлари механизмлари белгилаб берилади.

Қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг кўпгина қисми қонунчиликни мустаҳкамлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш муаммоларига тааллуқлидир.

Қабул қилинаётган қатор ҳужжатлар давлат қонунларини ва бошқа қонуности ҳужжатларини тўлдиради ва аниқлик киритади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид келмаслиги, ҳуқуқ ва эркинликлар фақат қонун йўли билан ва фақат конституциявий тузумни, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур даражада чегараланиши мумкин, деган қоидага мос келиши шарт.

Ички ишлар органлари фаолиятининг яна бир турли – ҳуқуқни қўллаш ҳисобланади. Унга ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш механизмининг энг ишловчи элементларидан бири ва индивидуал аниқ ишлар борасида давлат ҳокимиятига тааллуқли қарорларни қабул қилувчи сифатида қараш лозим.

Бундан ташқари, Конституция ва бошқа норматив ҳужжатларда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришга тегишли ҳуқуқий нормаларни қўллаш орқали эришилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш бевосита ижтимоий муносабатлар иштирокчиларига ҳокимиятчилик ваколатлари орқали таъсир қилишда акс этганлиги учун ҳам бошқарув фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Ушбу тарздаги таъсир кўрсатиш жўнатилган органлар ва шахслар томонидан ижро этиш мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ва кўрсатмалар кўринишига эгадир. Қайд этиш керакки, бундай кўрсатмалар давлатнинг мажбурлаш чораларини қўллаш имкониятини таъминлаб беради.

Ҳуқуқ нормасини қўллашга бўлган асосий талаб унинг қонунийлиги, асосланганлиги, мақсадга мувофиқлиги ва адолатлиги ҳисобланади.

Ҳуқуқий нормаларни қўллашнинг моҳияти муайян юридик ҳолатни тегишли ҳуқуқий нормага олиб келиш ва унинг асосида давлат-ҳокимиятчилик қарорини қабул қилиш бўйича ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан иборатдир.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ички ишлар органлари:

**биринчидан,** ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлигини ва уларнинг чегарасини аниқлайди;

**иккинчидан,** субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳаракати вақтини ёки уларнинг тўхтатилиши ҳолатини белгилайди;

**учинчидан,** ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалик тўғри бўлиши учун назоратни амалга оширади.

Ҳуқуқни қўллаш фуқаронинг муайян ижтимоий бойликдан фойдаланишга бўлган даъвосини қондиришга ваколатли давлат органларининг мансабдор шахслари билан ҳуқуқий муносабатга киришишини назарда тутади.

Ҳуқуқни қўллаш шошилинч бир йўла амалга ошириладиган ҳаракат бўлиши шарт эмас. Аксарият ҳолларда, бу бирор жараён (жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов, маъмурий юрисдикция ишларини кўриб чиқиш) иштирокчиларининг изчиллик билан ривожланиб борувчи ҳаракатларининг бутун бир мажмуи бўлиши мумкин.

Ўз мазмунига кўра, ҳуқуқни қўллаш фаолияти регулятив ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш турларига бўлинади.

Ҳуқуқни қўллашда регулятив фаолият шаклининг зарурати фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларини ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларни ваколатли органлар томонидан тегишли равишда ҳуқуқий қарорларни чиқармасдан туриб амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолларда вужудга келади.

Мазкур иш шакли асосан ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий жиҳатларини қамраб олади. Моҳиятан у ички ва ташқи ташкилий вазифаларни бажаришга йўналтирилган турли хил бошқарувчилик муаммоларини ҳал этишда таъминловчи ҳисобланади.

**Ички ташкилий функцияларга** қуйидагилар киради:

**биринчидан,** ички ишлар органлари бутун тизимининг яхши ишлашини таъминлаб бериш, яъни хўжалик, ижтимоий, маданий, моддий, молиявий ва техник таъминот, шунингдек ходимларни зарур кийим-кечак билан таъминлаш функцияларини амалга ошириш;

**иккинчидан**, ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида чора-тадбирлар ва рейдлар ўтказишда кучлар ва воситаларни жой-жойига қўйиш.

Мазкур фаолиятда ички ишлар органлари ходимларининг ўзлари инсон ҳуқуқларининг субъектлари ҳисобланади, улар Конституция ва қонунларда назарда тутилган фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуи билан таъминланишга эҳтиёж сезадилар.

**Ташқи ташкилий фаолият** қуйидагилардан иборат:

**биринчидан**, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини уларни хавфсиз амалга оширишнинг шароитларини (аҳоли оммавий равишда йиғилган жойларда жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш) яратиш йўли билан муҳофаза қилиш;

**иккинчидан,** мураккаб ёки фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатиш (бахтсиз ҳодисалар жабрдийдаларига айланган шахсларни тўплаш ва улар тўғрисида маълумотлар бериш, бедарак йўқолганларни қидириш);

**учинчидан,** фуқароларнинг қатор конституциявий ва фақат давлат ҳокимияти ҳужжатлари орқали тасдиқлаш шарти билан рўёбга чиқариш мумкин бўлган соҳага (яшаш жойини танлашга бўлган ҳуқуқ, транспорт воситасига эгалик қилишга оид, шахсий мулкка бўлган ҳуқуқ) оид ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш. Мазкур ҳуқуқий имкониятларни амалга ошириш учун тегишли қарорлар чиқариш зарур (масалан, паспорт-виза хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати томонидан).

Муҳофаза қилиш чораларини қўллаш учун асос субъектив ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ёки бу ҳуқуқларни бузувчи салбий ҳолатларнинг мавжудлиги, шунингдек юридик мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ҳоллари ҳисобланади.

Фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати тизимида ҳуқуқни қўллаш фаолияти турли манфаатларга тажовуз қилувчи жиноятларни бартараф этиш, очиш ва тергов қилиш каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларига бўйсундирилган.

Салбий вазиятларга барҳам бериш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун ички ишлар органларига ҳуқуқбузарларга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш орқали таъсир қилишдек кенг ваколатлар берилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан юридик нормаларни қўллаш фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ёки ҳимоя қилиши тўғрисидаги расмий мурожаати асосида амалга оширилади. Бироқ кўпинча кундалик иш фаолиятида инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзи ташаббус кўрсатади,.

Иккала ҳолатда ҳам бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларнинг ўзи юридик ҳолат ҳисобланади. Натижада шахс билан давлат органлари номидан ҳаракат қилувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келмоқда. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мазкур ҳолатларни ўрганиб чиқиш ва қонунда ўрнатилган тартибда ҳал этиш мажбуриятини вужудга келтирмоқда. Ҳуқуқбузарликда жиноий жазога тортишга асос бўладиган қилмишнинг белгилари мавжуд бўлган ҳолларда, ҳуқуқни қўлловчи ҳужжат (масалан, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор) ҳимояланишга нисбатан субъектив ҳуқуқни амалга ошириш процедурасининг биринчи босқичи бўлиб хизмат қилади.

**Ҳуқуқни қўллаш** – ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан юридик аҳамият касб этган ва ҳуқуқ нормасида назарда тутилган муайян ҳаётий ҳолатлар бўйича тегишли қарор қабул қилишдир. Бундай қарорда амрнинг қатъийлиги, унинг ижроси мажбурийлиги ва давлатнинг мажбурий кучи билан ҳал қилиш орқали таъминланиши кўрсатиб қўйилади.

Ички ишлар органлари томонидан фуқароларга, уларнинг ҳуқуққа итоаткорлиги бўйича иродаси ва онгига таъсир кўрсатишда ишонтириш ва мажбурлаш усуллари қўлланилади. Амалиётда усуллар айрим ҳолларда бу ўзаро уйғун ҳолда ишлатилиб, уларнинг ҳар бирида бошқасининг элементи бўлади. Мажбурлаш, қоидага кўра ишонтиришдан кейин қўлланилади, яъни биринчисини қўллаш орқали керакли натижага эришиб бўлинмаган ва зўрлик ишлатмасдан таъсир кўрсатишнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, мажбурлаш қўлланилади. Мажбурлаш чорасининг ўзига хослиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жисмоний куч, махсус восита ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқи ҳисобланади. Мажбурлаш асосан:

**биринчидан,** ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бор;

**иккинчидан,** маъмурий ноўрин хатти-ҳаракат ёки жиноят содир этган;

**учинчидан,** озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари фаолиятининг ўзига хос турларини таснифлаймиз.

*Иш бўйича исботлашни таъминлаб бериш.* Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасига мувофиқ, жиноят объекти, жиноят орқали етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчи, айбланувчи ва судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида таъкидланган жиноят содир этилишининг бошқа ҳолатлари, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишлар исботланиши керак.

*Ҳуқуқбузарликни бартараф этиш.* Бартараф этиш жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган мажбурлов чораси ҳисобланиб, унга кўра, тергов ва суддан яшириниш, ҳақиқатни ўрнатишга тўсқинлик қилиш, янги жиноят содир этиш имкониятларини бартараф этиш, шунингдек суднинг ҳукмини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Бартараф этиш чоралари жиноий жазо чораси ҳисобланиб, улар жараённинг айбланувчи ва гумон қилинувчи каби иштирокчиларининг ҳуқуқларини вақтинчалик, аммо етарли даражада чеклайди.

*Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш* – шахснинг ҳуқуққа зид мақсадларини ижро этишдан воз кечишга ундаш мақсадида ташкилий, техникавий, процессуал, тезкор, мажбурлов ва оммавий-тарғибот қилиш хусусиятига эга чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ички ишлар органларининг фаолияти. Мазкур мақсадга ички ишлар органларининг фаол ҳаракатлари натижасида эришиш мумкин.

*Юридик жавобгарликни амалга ошириш* – давлатнинг қонунлар бузилишига нисбатан кескин ва қаттиқ реакцияси. Қонун билан муҳофаза қилинаётган қадриятга тажовуз қилувчи шахсга нисбатан жарима тўлаш ва муайян бойликлардан, шу жумладан, эркинликдан маҳрум қилишдек таъсир чораси қўлланилиши шахсни айбдор деб эътироф этишнинг оқибати ва уни жазога тортиш ҳисобланади. Маҳрум қилиш ёки чеклаш ҳуқуқбузар шахсга, шунингдек тегишли мулкка ҳам қаратилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан ҳуқуқ нормасини қўллаш амалиёти асосида муайян ҳаракатлар методикаси ишлаб чиқилган, унга кўра, бутун жараён бир неча босқичдан иборат.

*Биринчи босқич* – ишнинг далилий ҳолати, яъни тадқиқ қилинаётган воқеликнинг моҳияти ва юридик аҳамиятини аниқлаш.

Мазкур босқичда ишнинг далилий ҳолати баҳоланади. Биринчи навбатда, салбий юридик оқибатлар келтириб чиқараётган ҳолатлар, ундан кейин тергов қилинаётган воқеликка тааллуқли бўлмаса-да, аммо тўғри қарор ишлаб чиқиш учун жуда муҳим бўлган шарт-шароитлар (минтақадаги криминалогик ва ижтимоий-иқтисодий вазият, ҳуқуқбузар шахснинг хусусиятлари) аниқланади.

*Иккинчи босқич* – нормани танлаш, яъни ушбу ҳолатни кўриб чиқишда асос бўладиган муайян нормани аниқлаб олиш. Ушбу босқичда воқеликни дастлабки квалификация қилиш, сўнгра иш бўйича қарор қабул қилиш амалга оширилади. Тўғри танлов учун кўпинча бир неча нормани кўриб чиқишга тўғри келади. Шу билан бирга, қайд этиш керакки, қарор қабул қилувчи шахснинг баҳо бериш мезони бўлиб, унинг ишончи ҳисобланади.

*Учинчи босқич* – тегишли ҳужжатда ўз аксини топадиган қарорни чиқариш. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, у муайян воқеликнинг мавжудлиги ва унинг муайян шахс учун юридик оқибатини аниқлайди, балки чиқарилган қарорнинг ижро этиш тартибини ҳам белгилаб беради. Бундай ҳужжатлар ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан ҳокимият ваколатлари билан таъминланадиган юридик кучга эгадир.

Қарор чиқариш исбот-далилларни тадқиқ қилиш ва ҳуқуқ нормасини таҳлил қилиш асосида индивидуал ҳужжатни ишлаб чиқишда ифодаланади. Қарор ҳуқуқнинг муайян субъектларига ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берадиган, яъни хуқуқий муносабатлар пайдо бўлиши учун асос бўладиган ва бир вақтнинг ўзида далиллар ва юридик асосларни таҳлил қилишнинг мантиқий хулосаси ҳисобланадиган ҳужжат ҳисобланади.

Адабиётларда кўпинча фақат юридик нормани қўллаш акти муайян шахсга нисбатан ҳуқуқ ва эркинликларни келтириб чиқарувчи шарт, деган фикр билдирилади. Ҳуқуқни қўллаш акти муайян ҳуқуқ эгасига, бу ҳуқуқнинг эътироф этилиши ва унинг амалга оширилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш, айбланувчини қамоққа олиш тўғрисидаги қарор инсонлар ва давлат органлари ўртасида турли ҳуқуқий муносабатларнинг ўрнатилиши учун асос ҳисобланади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти, унинг барча босқичлари инсон ҳуқуқларига риоя қилиш талабларига мутаносиб бўлиши учун халқаро стандартларни яхши билиш керак, шунингдек улар миллий қонунчиликда мустаҳкамланган бўлиши зарур.

Ички ишлар органлари доимий равишда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига эътибор қаратиши зарур. Бу иш тизимли хусусият касб этиши керак. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъати йиғилишида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимий равишда муҳокама қилинади ва бу фаолиятни такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилади. ИИВнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мониторингини амалга оширади. Халқаро стандартларни билиш ва уларни қўллаш ички ишлар органлари ходимлари хизматини баҳолаш мезони ҳисобланади, уларни шаҳодатдан ўтказишда, лавозимига кўтаришда асос бўлиб хизмат қилади.

# 7-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЮРИДИК ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

## 7.1. Ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятининг асосий шакллари

Ички ишлар органларининг ваколатларини тартибга солиш идоравий норматив ҳужжатлар билан амалга оширилади. Улар ваколатларининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолатли таъсир кўрсатиш шаклларини аниқлаб олиш айниқса муҳимдир. Булар қуйидаги асосий шакллардан иборат:

Ички ишлар вазирлиги норматив ҳужжатларининг аксарияти маълум бир хизмат ва бўлинмаларнинг жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан бевосита шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига хавф солувчи ҳуқуқбузарликларга қарши кураш соҳасидаги ишларини ташкил этишга хизмат қилади. Ҳуқуқий нормаларни қўллаш ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасидаги фаолиятининг муҳим юридик шакли ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган органларнинг ҳар бир мустақил тузилмаси маълум қамровли ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга. Ҳар қандай давлат органларининг тартибга солиш ва муҳофаза қилишга ажратилган ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тасвирловчи умумий белги ва хусусиятлар ички ишлар органларининг ҳуқуқий нормаларини қўллаш фаолиятига ҳам хосдир.

Лекин шу билан бир қаторда, ички ишлар органларининг ҳуқуқий нормаларни қўллашида ўзига хос тафовутлар ҳам мавжуд. Шу боис, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тизимида ушбу органлар томонидан ҳуқуқни қўллаш кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларига, яъни жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва тергов қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишга бўйсундирилган. Бу ўз навбатида, инсонни ҳимоя қилиш учун турли мажбурлов, таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш зарурати билан боғлиқ. Бунга ички ишлар органлари ходимлари жамоат жойида фуқаро шаъни, қадр-қимматини камситганлик ёки ҳақорат қилганлик учун шахсга жарима солиши мумкинлиги мисол бўла олади.

Шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, режалаштириш, моддий воситаларни тасарруф этиш, рағбатлантириш каби турли бошқарув масалаларини ҳал этишда ҳам шахснинг айрим

ҳуқуқларини амалга оширишда ички ишлар органлари томонидан тартибга солиш йўсинидаги ҳуқуқни қўллаш шаклидан фойдаланилади.

Юридик адабиётларда ички ишлар органларининг бевосита ҳуқуқбузарликлар билан алоқадор бўлмаган масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар билан маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришган пайтдаги маъмурий ваколатларининг бажарилиши кўриб чиқилаётганда шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишга кўп эътибор қаратилади. Бу паспорт бериш, хорижга чиқишга рухсат бериш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролик тўғрисидаги қонунчиликнинг айрим қоидаларини ижро этиш ва бошқа соҳалардаги фаолият бўлиши мумкин.

Тартибга солувчи ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг мақсад ва вазифалари субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш механизмида фақат муҳофаза қилувчи эмас, балки таъминловчи хусусиятга ҳам эга. Бундай ҳужжатлар ўз ичига ҳуқуқий ҳолатларни олиши зарурлигини қонун тақозо этади.

Ички идоравий ва асосий касбий фаолият доирасидаги кенг кўламли юридик ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ички ишлар органларининг ташкилий фаолияти хусусида сўз юритиш мумкин эмас.

Норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, бу муайян ташкилий-техникавий тайёргарлик ҳамда пировард натижага мувофиқ келувчи ҳамкорликни талаб этади. Ташкилий фаолиятнинг ўзи ҳам, гарчанд ҳуқуқий шаклларга солинмаган бўлсада, унга нисбатан қўйиладиган қонунчилик талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади, органларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни ва юклатилган бурчларни бажаришни ифодалайди. Лекин бу билан бирга ҳуқуқий тадбирлар ичида ташкилий тадбирлар ўз шакли бўйича ажралиб туради. Уларнинг кўпчилиги бутун ички ишлар органлари тизимининг бир маромда фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган жорий, узлуксиз ва мақсадга мувофиқ тадбирлар деб ҳисобланади. Бошқалари эса вазиятга таъсир кўрсатиш манбаига қараб яққол аниқ бўлади. Масалан, муайян ҳуқуқни муҳофаза қилиш тадбири, йўл ҳаракат хавфсизлиги бўйича рейд, криминоген жойларда паспорт режимини ялпи текширувдан ўтказиш учун тайёргарлик ва куч ҳамда воситаларни жойлаштириш ва бошқалар. Айрим ташкилий тадбирлар ички ишлар органлари томонидан умумдавлат миқёсида ҳам ўтказилади. Чунончи, республика бўйича ёнғин хавфсизлиги ёки ҳаракат хавфсизлиги ойлиги эълон қилиниши туфайли умумдавлат тадбирлари ўтказилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ташкилий фаолият жамоат жойларида ҳар куни олиб бориладиган ҳуқуқ-тартиботни сақлашда ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари сифатида намоён бўлади. Чунончи, уларни амалга оширишнинг хавфсиз шарт-шароитлари яратилади ва инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда дастлабки зарур чоралар қўлланилади. Бундай фаолиятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишига гаровга олинганларни озод қилиш бўйича операциялар, жиноятчиларни ушлаш, ёнғин чиққанда кишилар ва мулкни қутқариш, ўғирланган мулкни қидириш юзасидан тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бир қатор ҳолатларда ташкилий тадбирлар кўпроқ ҳамда алоҳида тарзда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилади. Бу мураккаб ва фавқулодда вазиятларда қолган фуқароларга ёрдам кўрсатишда кўпинча намоён бўлади. Масалан, жамоат тартибини сақлашда қатнашадиган жамоатчилик тузилмаларига ИИО кўмаги, топилган қаровсиз болаларни вақтинча ижтимоий жиҳатдан сақлаб туриш ва ҳоказолар.

Баъзи ташкилий вазифалар эса ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, шахсларнинг фуқароликни олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқини амалга ошириш учун ички ишлар органлари тегишли илтимосномалар ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштирадилар. Ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларининг ташкилий кафолатларига ҳуқуқлар ва эркинликларнинг амалга оширилишига дахлдор бўлган ходимларнинг зарур иш услуби, малакаси, иш самарадорлигини киритиш лозим бўлади.

Ички ишлар органларини шахснинг ҳуқуқий мақомини кафолатлаш механизмидаги ўрни, уларнинг фаолият усуллари, вазифаларни амалга ошириш учун қўлланиладиган таъсир воситалари билан белгиланади. Бошқа давлат бошқарув органларида бўлган каби, ички ишлар органларида ишонтириш ва мажбурлаш асосий усуллар саналади. Уларнинг умумий ижтимоий мақсади – давлат ички ишлар бошқаруви соҳасида муайян фуқаролар ва бошқа шахсларнинг қонунда белгиланган хулқ-атворига фаол ҳамда самарали таъсир қилишдан иборат .

Ишонтириш – ички ишлар органларининг фаолият усули сифатида кишиларда онгли ҳуқуқий хулқ-атворда бўлиш ҳиссини уйғотиш, ҳуқуққа қарши ҳаракатлардан ўзини тийиш, норматив ҳужжатларга, айниқса, жиноят-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларга қатъий амал қилишга даъват этиш мақсадида уларнинг иродаси ва онгига

таъсир кўрсатишдан иборат. Бундай таъсир кўрсатиш маънавий, ҳуқуқий тарбияда, ташкилий-оммавий тадбирлар ўтказишдаги рағбатлантириш ҳамда бошқаларда ифодаланиши мумкин. Ушбу усулнинг биринчи галдаги вазифаси – кишиларнинг умумий ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш ва шунга мувофиқ таркибий қисм сифатида зарур ҳуқуқий билимлар бериш, тўғри хулқ қоидаларини шакллантириш, у ёки бу субъектив ҳуқуқларни тегишли равишда амалга ошириш амалий кўникмасини ҳосил қилишдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумлада ички ишлар органлари ходимларининг амалий фаолияти аҳолига қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий сиёсатни тушунтиришдан иборат бўлмоғи даркор .

Ички ишлар органларининг аҳолини қонунга итоатлик руҳида тарбиялашга оид фаолиятида қуйидаги асосий йўналишларни белгилаш мумкин:

*биринчидан*, амалга оширишнинг мазмун ва шаклига кўра, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тадбирлардан фарқ қилмайдиган умумий, ҳуқуқий тарбиявий иш олиб бориш;

*иккинчидан*, муайян фуқароларга мўлжалланган ижтимоий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш доирасидаги ғоявий-тарбиявий тарзда таъсир кўрсатиш;

*учинчидан*, ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёнида бевосита тарбиявий чораларни амалга ошириш;

*тўртинчидан*, ички ишлар органлари ходимларига нисбатан озодликдан маҳрум этилганлар билан ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш бўйича белгиланган чора-тадбирларни белгилаш.

Қонунга итоат қилишнинг фойдаси ва самарадорлиги деганда, баъзи норматив ҳужжатларнинг қоидалари, ўзини ҳимоя қилиш тамойиллари, ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқувчи жавобгарликнинг хусусиятлари тушунилади. Бунга давлат автомобиль назоратининг пиёдаларга ва ҳайдовчиларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиб олишга қаратилган тарғибот тадбирларини, ноидоравий қўриқлаш бўлинмаларининг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фуқаролар бундай бўлинмалар имкониятларидан кенгроқ фойдаланишларига қаратилган тушунтириш ишлари, ёнғинга қарши давлат хизматининг ёнғин хавфсизлиги бўйича тарғибот ишлари мисол бўла олади.

Бевосита шахс ва унинг ҳуқуқларига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишда баъзан қонунни бузишга тайёргарлик кўраёт-

ган шахслар билан мулоқотга киришиш муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда бундай ишга алоҳида эътибор берилмоқда, негаки, барча жиноий кўринишларни фақат куч ишлатиш йўллари билан йўқотиш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди.

Мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатиш ички ишлар органлари тажрибасида ҳам умумижтимоий тарзда (аҳоли ва алоҳида минтақалар), ижтимоий-гуруҳли (озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилган тарбияси қийин бўлган ўсмирлар), ҳам якка тартибда (муайян шахслар) қўлланилади.

Амалиётда оғир жиноятларни содир этган шахслар билан мулоқот олиб бориш масаласи алоҳида ўрин тутади. Уларга нисбатан анъанавий куч ишлатиш усуллари билан қарши курашиш айбсиз одамларнинг ҳалокатига ва жароҳатлар олишига, катта вайронагарчиликларга, маданий мерос ҳисобланган бойликларни йўқотишга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кишиларни гаровга олиш, ўғирлаш, террорчилик, ноёб санъат, маданият ва қадимий ёдгорликларга тажовуз қилиш ҳамда куролланган жиноятчиларни ушлаш чоғида бундай вазиятлар рўй бериб туради .

Масалан, кишиларни гаровга олиш пайтида энг аввало одамнинг ўзи, унинг яшаш ҳуқуқи, соғлиғи, эркинлиги, мулки тўғридан-тўғри хавф остида қолади. Уларга реал таҳдид солиш эгаллаб олган томоннинг ғайриқонуний талабларини бажаришнинг ўзига хос кафолати бўлиб қолади, шу боис музокаралар олиб бориш, ишонтириш инсон учун муҳим зарур неъматларга тажовуз қилишнинг олдини олиш ва бартараф этишда биринчи восита бўлиб ҳисобланади. Кейинги йилларда тез-тез содир бўлаётган, тинч аҳолига нисбатан ўта шафқатсизлиги билан ажралиб турган террорчиликка қарши курашда ҳам ишонтириш усулини қўллаш ғоят муҳим аҳамият касб этади .

Инсонга куч ишлатмай таъсир кўрсатиш чоралари тизимида ошкоралик, ички ишлар органи ва бошқа хизматлар ходимларининг аҳоли билан очиқ мулоқот олиб боришлари муҳим ўрин тутади. Мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи, ички ишлар органларининг ишлари, тузилмаси, имконият ва муаммолари ҳақида аҳолининг тўлиқ хабардор бўлиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишида ижобий натижалар беради. Ички ишлар органлари раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлари, матбуот, радио ва телевидениеда чиқишлари тобора кенгайиб бормоқда.

Ички ишлар органларининг инсон ва фуқаро ҳуқуқларини кафолатлашдаги жиноят-процессуал фаолияти учта асосий йўналишдан иборат.

Биринчиси, дастлабки тергов мажбурий бўлган ишларни юритиш. Булар фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, мулки, сиёсий ва бошқа ҳуқуқларига қарши қаратилган жиноятлар бўйича ишлардир. Бу йўналишда ички ишлар органлари жиноят тўғрисидаги дастлабки маълумот (ариза ёки хабар) олингандан сўнг жиноят иши қўзғатади ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига таянган ҳолда жиноят изларини аниқлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни (воқеа жойни кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, гумон қилинувчи ушлаш ва сўроқ қилиш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш) амалга оширади. Суриштирув бошлангани ҳақида бир сутка ичида прокурор хабардор қилинади. Шошилинч тергов ҳаракатлари ўтказилганидан кейин ички ишлар органлари жиноят ишини у қўзғатилган кундан бошлаб 10 суткадан кечиктирмасдан тергов органларига юборади.

Зарур бўлганда бу ишлар билан ёнма-ён жиноят содир этган шахсни аниқлаш учун тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиши мумкин.

Жиноят-процессуал қонунга кўра дастлабки тергов ўтказиш мажбурий бўлмаган ишлар бўйича ИИО олиб борадиган фаолият алоҳида ажралиб туради. Бундай ҳолатда милиция терговни тўла ҳажмда, жиноят иши қўзғатишдан бошлаб талаб этиладиган барча тергов ҳаракатларигача амалга оширади ҳамда айблов хулосаси тузади. Масалан, шахсга тажовуз қилиш аломати бўлган безорилик бўйича кўплаб ишлар ана шу йўсинда ўрганилади ва шу тариқа шахснинг безорилик оқибатида бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминланади.

Суд, прокурор, терговчининг қонунда белгиланган тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги ажрим, қарор, топшириқ ва кўрсатмаларини ижро этиш ички ишлар органи ишининг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Бунга айтиб ўтилган субъектларга айрим процессуал ҳаракатларни олиб боришда ёрдам бериш ҳам киради.

Ички ишлар органларининг судьялар, суд маслаҳатчилари, прокурорлар, терговчилар, ички ишлар органи ходимлари, суд ижрочилари ва назорат идоралари мансабдор шахсларни ўз хизмат фаолиятини бажариш пайтида, шунингдек, иш бўйича жабрланувчилар ва гувоҳларни улар ҳаётига, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати, мулкига тажовуз хавфи мавжуд бўлганда, уларни ва яқинларини давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш каби вазифаси ўз хусусиятига кўра алоҳида аҳамият касб этади . Жиноятларни очиш, тергов қилиш ва судда кўриб чиқишда бевосита қатнашиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлаш

вазифалари ҳам шундай мақсадни кўзлайди. Бу ерда гап жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқаларни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий-техник ҳамда бошқа тадбирларнинг ички ишлар органи томонидан амалга оширилиши ҳақида бормоқда. Бундай чоралар ўзаро боғлиқ бўлиб улар алоҳида ҳолда ҳам маъмурий, ҳам тезкор-қидирув, ҳам жиноят-процессуал йўсинда бўлиши мумкин.

Ички ишлар органлари фаолиятининг барча йўналиш ва шакллари у ёки бу даражада жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан шахсга қарши қаратилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, мазкур органларнинг профилактик ишларига айнан огоҳлантириш йўналишида, ўзига хос жиҳатларга эга мустақил шакл сифатида ҳам қараш мумкин. Мазкур иш мундарижасига одатда муайян ҳуқуқбузарликларни содир этишга кўмаклашувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш, криминоген омилларни бартараф этишга йўналтирилган ҳар томонлама тадбирларни ваколат доирасида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби чора-тадбирлар киради.

Ўз хулқ-атвори, турмуш тарзи, жисмоний ва руҳий ҳолати оқибатида жиноятчилар гуруҳига кириб қолган шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳам эътиборга молик. Бундай хулқ-атворли шахслар тоифасига гиёҳвандлар, дайдилар, вояга етмаганлар, ногиронлар киради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ички ишлар органларининг шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмида ўзининг муҳим ўрни бор.

Ижро ҳокимиятининг алоҳида давлат органлари тизими бўлган ички ишлар органлари фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, жамият ва давлат манфаатларини жиноятлар ва бошқа тажовузлардан ҳимоя қилишга даъват этилган. Шу боис мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи билан кафолатланган. У ўз фаолиятида қонунийлик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ошкоралик тамойилларига асосланади.

Чунки демократик қонунлар талабларига қатъий амал қилиш, барқарор ҳуқуқ-тартибот ва унинг ҳимояси таъминланганлиги жамиятда шахс эркинлиги рўёбга чиқишининг энг муҳим шартлари, шахс ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бутун тизими тўла амалга оширишнинг кафолати ҳисобланади.

Демак, инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ички ишлар органлари томонидан кафолатлаш амалда унинг ўз фаолиятида муҳим вазифаларни

бажариши жараёнида таъминлаб берилади. Бунда субъектив ҳуқуқларни кафолатлаш милиция олдида турган кўп вазифалар орасида йўқ бўлиб кетмайди, балки аксинча уларни такомиллаштиради. Пировардида бошқа мақсад ва вазифалар асосий вазифа – бутун жамият ва давлат манфаатлари билан уйғун ҳолда инсон ва фуқаро ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга маъмурий фаолият – ички ишлар органларининг кенг қамровли иш фаолияти ҳисобланади. Унинг мазмунини ички ишлар органлари бўлинмалари, хизматлари ва ходимларининг маъмурий-ҳуқуқий шаклларидаги вазифаларини ўзига хос усул ва воситалар билан амалга оширишлари ташкил этади. Бундай фаолият маълум даражада маъмурий қонунчилик нормалари билан тартибга солинади, ички ишлар органларининг турли субъектлар, шу жумладан фуқаролар билан уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш учун маъмурий-ҳуқуқий муносабатларига олиб келади.

Шундай экан, ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги фаолиятининг асосий шакллари, услублари ва турларини алоҳида тадқиқот сифатида кўриб чиқиш, ички ишлар органларининг вазифаларини аниқ белгилаб олишга, улар фаолиятини тўғри йўлга қўйишда ва келгусида қонуний асосда янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

## 7.2. Ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмнинг ҳуқуқий асослари

Ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда улар ўз олдида турган ҳар қандай вазифани Конституцияда олий қадрият сифатида эътироф этилган инсон ҳуқуқларини, Конституция билан кафолатлаб қуйилган халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва нормалари талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этишлари лозим.

Ҳуқуқни қўллаш унинг нормаларини амалга оширишнинг ўзига хос шаклидир. Ҳуқуқни қўллашнинг муҳим жиҳати шундаки, у ваколатли субъектларнинг тўлиқ аниқланган ишлар, алоҳида ҳаётий вазиятлар юзасидан қарор чиқариш йўли билан ижтимоий муносабатларни ташкил этиш ва бошқаришга йўналтирилган юридик аҳамиятли фаолиятини англатади.

Ҳуқуқни қўллашнинг энг муҳим фарқли белгиси – бу маъмурийликдир. Айнан шу белги, унинг субъектлари доирасини қатъий чек-

лашга имкон беради. Умумий қоидага кўра, давлат органлари ва мансабдор шахслар ўзларига берилган ваколатлар доирасида унинг субъектлари бўла оладилар. Улар қўллайдиган ҳуқуқий нормалар ўзининг ижтимоий-сиёсий хусусиятига кўра бошқарув фаолиятини ифода этади. Бироқ, бу қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқ ва талабларни тегишлича ҳаётга татбиқ этишни таъминлашга қаратилган ихтисослаштирилган бошқарув фаолиятидир.

Юридик нормалар давлат ҳокимиятини ифодаловчи субъект қарорисиз муайян ҳуқуқий муносабат вужудга кела олмайдиган жойда ёхуд вужудга келган ҳуқуқий муносабат қонун бўйича давлат томонидан назоратдан ўтказилиши лозим бўлганда қўлланади. Демократияга асосланган жамиятда ҳуқуқни қўллаш фаолияти ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида, шу жумладан инсон ва фуқаронинг бир қанча ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришда махсус давлат ҳокимиятидан объектив ва онгли равишда фойдаланиш эҳтиёжларига асосланади.

Давлат органи сифати ички ишлар идораларининг ходимлари мансабдор шахслар томонидан қонунни қўллашни тақозо этувчи ҳолатлар амалда икки хил кўринишда бўлади.

*Биринчидан*, ваколатли субъектларнинг муайян қарорларисиз юридик нормаларни ўз-ўзидан рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган ёки юридик нормаларни рўёбга чиқариш жараёни ана шундай тузатишларни объектив равишда тақозо этган ҳолларда ҳуқуқни қўллаш зарур бўлади. Бундай ҳолатларда ваколатли органларнинг фаолияти ҳуқуқни таъминлаш шаклида бўлади ва юридик нормаларни қўллашда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқни қўллашнинг бу кўринишини кўпинча тезкор ижроия деб аталади. Одатда унинг юридик оқибатлари вақтга нисбатан давомий бўлиб, норма қўлланган шахснинг кейинги ижобий фаолияти учун ҳуқуқий асос ва кўпинча омил бўлиб хизмат қилади. Баъзан эса ҳуқуқни қўллашнинг бундай шакли шахс учун муддатсиз қулай шароитларни (у ёки бу унвон бериш, илмий кашфиётнинг тасдиқланиши ва б.) яратиб беради. Инсон ҳуқуқларга мувофиқ равишда уларнинг барчасини амалга ошириш учун расман зарур шароитларни, ҳуқуқий тартиботни вужудга келтиради, шахснинг ҳуқуқлар воситасида неъматлардан баҳраманд бўлиш имконияти бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва натижада уларни амалда қўлга киритишни таъминлайди.

*Иккинчидан*, ҳуқуқни қўллаш муҳофаза маъносидаги ҳолатлар оқибати ўлароқ вужудга келади (юрисдикцияли ҳуқуқни қўллаш) ва «салбий вазиятлар»да: ҳуқуқ бузилганда, юридик мажбуриятлар

бажарилмаганда ва бошқа ҳолатларда келиб чиқади. Шунга мувофиқ давлат органи, мансабдор шахс ўз ваколатлари доирасида бундай ҳолатларни бартараф этиш ва қонуний ҳолатни тиклаш учун маъмурий ҳужжатлар чиқаради ва, башарти зарур бўлса, ҳужжатлар чиқариш йўли билан юридик жавобгарлик механизмини амалга оширади ёки махсус олдини олиш чораларини кўради (ишга тиклаш, моддий зарарни ундириш тўғрисидаги суд қарори, ҳукм чиқариш, ваколатли субъектнинг ноқонуний маъмурий ҳужжатни бекор қилиши, маъмурий чорага тортиш, эҳтиёт чораларини қўллаш ва бошқ.). Бунда ҳуқуқни қўллаш яққол кўриниб турадиган муҳофаза қилиш вазифасини ўтайди, яъни нормаларнинг салоҳияти «ишга тушади» ва уларнинг қўлланилиши билан ҳуқуқ-тартибот тикланади, айбдорлар жазога тортилади, салбий кўринишларнинг олди олинади ҳамда юрисдикцияли процедурага амал қилиш кафолатланади. Бундай нормаларни ўзаро бирликда ва бошқа нормалар билан уйғунликда қўллаш давлат органлари, кўпинча шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, белгиланган органларнинг ҳуқуқни қўллаш тўғрисидаги зарур ҳужжатларисиз инсон ҳуқуқларининг аксариятидан фойдалана олмайди. Ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш тартибига риоя этиш мажбурийлиги кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

